

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

Р.Алимова, С.Отахўжаев

СУД ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ЎТКАЗИШ

МАСАЛАЛАРИ

(Ўқув қўлланма)

**Тошкент -2001
“Янги аср авлоди”**

Ушбу ўқув қўлланма ТДЮИнинг Ўқув-услубий кенгашнинг 2001 йил 23 октябрь 4-сонли баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

Такризчилар: ТДЮИ “Жиноят процесси” кафедраси мудир, ю.ф.н., З.Иноғомжонова

ЎзМУ “Жиноят процесси ва криминалистика” кафедраси мудир Р. Ҳақбердиева

Ушбу ўқув қўлланма олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари ва амалиёт ходимлари учун мўлжалланган. Қўлланмада тушунчалар ёритилган. Криминалистик экспертизаларнинг турлари, ларни тайинлаш ва ўтказишнинг муҳим масалалари, ҳар бир экспертизалар томонидан ҳал қилинадиган масалалар ўз ифодасини топган.

Шунингдек, мазкур қўлланмада турли криминалистик экспертизаларни ўтказиш жараёнида қўлланиладиган усулларнинг ўзига хос бўлган илмий, назарий ва амалий асослари батафсил ёритилган.

1 БОБ КРИМИНАЛИСТИКА ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

1-Экспертиза, эксперт ва мутахассис тушунчаси

Содир бўлган жиноятни тергов қилиш жараёнида, шунингдек уни суд муҳокамасида текширув вақтида иш учун аҳамиятли бўлган қатор ҳолатлар юзасидан махсус билим, яъни фан, техника, санъат ёки касбни қўллаб, текширув ўтказиш ва шунинг асосида тегишли маълумотларни олиш зарур бўлади. Бундай текширувлар махсус жиҳозланган лаборатория ва илмий-текширув муассасаларида махсус билимга эга бўлган мутахассислар томонидан ўтказилади.

Махсус билимга эга бўлган мутахассислар, касб-ҳунар эгалари, саноат, қишлоқ хўжалигида, қурилишларда турли мажмуаларни текшириб тегишли хулосаларни берадилар. Жумладан, ишлаб чиқилган лойиҳа қанчалик шу куннинг илм-техника талабига жавоб беришлиги, муҳандислик, техникавий ҳисобларнинг тўғрилигини аниқлаш, ишчи ва хизматчиларнинг иш қобилиятини йўқотишида ногиронлик даражасини аниқлаш ва шу каби масалаларни ҳал этишда турли мутахассислар тегишли давлат муассасаларида фаолият кўрсатмоқдалар.

Криминалистик экспертизасининг жиноятни текширишда, тергов қилишда ва суд жараёни муҳокамаси даврида ўтказилиш зарурияти туғилади. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 172-моддасида кўрсатилишича “Иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни фан, техника, санъат ёки касб соҳаси бўйича билими бўлган шахс ўтказадиган махсус текшириш орқали олиш мумкин бўлганда экспертиза тайинланади” дейилган. Масалан, жиноятни ҳодиса содир бўлган жойда топилган қўл-бармоқ изи ким томонидан қолдирилганлиги, отилган ўқ ёки гильза қандай ўқ отиш қуролидан отилганлиги, ашёвий далил бўлган ҳужжатнинг қўлёзма матни, имзолари ким томонидан ёзилганлиги каби масалаларни ҳал қилишга тўғри келади.

Экспертиза деганда - процессуал қонун асосида тергов ёки суд органлари томонидан тайёрланиб ўтказиладиган махсус текширув бўлиб, унинг натижаси ишнинг айрим ҳолатлари юзасидан илмий асосланган хулоса берилади. Бу хулоса жиноий иш юзасидан далил бўлиб, бошқа далиллар билан бир қаторда баҳоланади.

Суд ва тергов органи ходимлари экспертиза текшируви учун зарур бўлган махсус билимга эга бўлган тақдирда ҳам экспертиза тайинлаш заруратидан озод қилинмайди,¹ чунки уларнинг процессуал ҳолати бўйича ишни текширишда ўзига хос ваколати бўлиб, экспертиза ўтказадиган мутахассисларнинг ваколатлари ҳам процессуал ҳолатидан келиб чиқади.

Эксперт деб маълум соҳада илм, фан, техника, санъат ёки ҳунарда билими бўлган ва процессуал ҳуқуқий ваколатга эга бўлган мансабдор шахс ҳисобланади. Унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 68 моддасида белгилангандир.

¹ Ўзбекистон республикаси ЖПКнинг 172 моддаси

Эксперт ходимларининг фаолияти - ишлаш жойлари давлат экспертиза муассасаларида ёки бошқа ташкилотларда бўлиши мумкин.

Уларнинг қаерда ишлашларидан қатъий назар иш юзасидан эксперт қилиб тайинлаш процессуал қонунда кўрсатилган тартиб асосида амалга оширилади ва уларнинг ҳуқуқ мажбуриятлари тенгдир. Экспертиза текширувини ўтказиш жараёнида эксперт мустақил процессуал шахс сифатида экспертизага оид бўлган қўшимча объектлар, ахборлар жиноий иш ва экспертиза материалидан ташқарига чиқмайдиган маълумотларни талаб қилишлари мумкин.

Эксперт олдига қўйиладиган саволлар, унинг махсус билимлари ҳажмидан ташқарига чиқмаслиги лозим. Текширув натижасида бериладиган хулосалар эса экспертнинг билим доираси билан чегараланади ва унинг ваколатидан ташқари чиқмаслиги керак.

Эксперт ходими жиноятни тергов қилиш ва суд жараёни даврида мутахассис сифатида ҳам жалб этилиши мумкин.

Мутахассис мақоми ЖПК 69-моддасида эса унинг тўлиқ ифодаланган, 70-моддасида эса ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган.

Криминалистика экспертизасини ташкил қилиш материални тайёрлаш, эксперт ҳал қиладиган саволларни тўғри белгилаш, солиштириб текшириш учун намуналарни олиш ва бошқа шу каби масалаларни амалга ошириш учун терговчи ёки суд криминалистика техникаси соҳасидаги мутахассисни таклиф этиши мумкин. Экспертиза тайинлаш даврида, мазкур эксперт текширувининг имконлари, қайси соҳадаги махсус билим талаб қилиниши, текширув объектларини кўчириб олиш, мустаҳкамлаш, текширув вазифасини аниқ белгилаб, саволларни экспертиза предметида оид равишда тўғри тузиш каби чораларни амалга оширишда криминалист-мутахассиснинг ёрдами бекиёсдир.

Жиноят процессуал қонунда кўрсатилишича мутахассис бошқа тергов ҳаракатларини ўтказишда ҳам суд муҳокамасига ҳам таклиф этилиши мумкин. Жумладан криминалистика фани соҳасидаги мутахассис далилларни топиш, олишда мустаҳкамлашда, криминалистик илмий-техник воситаларни қўллашда, айрим ҳолатлар юзасидан тегишли маслаҳатларни беришда кўмаклашади. Масалан қотиллик жинояти содир бўлган жойни кўздан кечиришда жабрланувчининг мурдасини текшириб, ўлим вақти ва сабабини тахмин қилишда, жароҳатлар қандай қурол билан етказилганлигини аниқлашда суд-тиббиёт ҳужжатларини жиноят ходисасига тегишли бўлишлигини, ўқ отиш қуроли қўлланилганлигини кўрсатувчи аломатлар қандай масофадан ва қаердан туриб етказилган каби мажмуаларини криминалистика соҳасидаги мутахассиснинг иштирокида ҳал этилиши мумкин.

Мутахассис сифатида шифокор, педагог психолог шунингдек зарур билим ва малакага эга бўлган бошқа шахслар ҳам чақирилиши мумкин дейилган процессуал қонунда. Бу кўрсатма криминалист мутахассисларга ҳам тўлиқ тегишлидир.

Терговда ва суд муҳокамасида иштирок этувчи мутахассислар экспертиза муассасаларида ишловчи эксперт, илмий ходим, раҳбар мансабларида фаолият кўрсатувчи шахслар бўлиши мумкин. Шунинг учун улар тергов ҳаракатларида иштирок этган бўлсалар, кейинчалик айрим

ҳолатлардан ташқари эксперт сифатида ҳам жалб этилиши мумкин. Бу масала криминалистика соҳасидаги мутахассисларга тўлиқ тадбиқ этилиши мумкин.

Эксперт ва мутахассиснинг жиноят ва судлов процессидаги вазифалари деярли бир хилда бўлсада, ҳар бирларининг процессуал ҳолатлари ва функциялари мустақил ҳарактерга эгадир.

Процессуал иштирокчи сифатида жалб этиладиган барча эксперт ходимлари маълум соҳада мутахассисдирлар, улар ўз ихтиёрига топширилган экспертиза материаллари юзасидан текширув-тадқиқот ўтказиб тегишли хулосаларни беради ва унга шахсан маъсулдирлар.

Лекин мутахассисларнинг ҳаммалари ҳам эксперт сифатида қатнашмайдилар. Улар тергов ёки судда иштирокчи сифатида қатнашиб, тергов ҳаракатини ўтказишда, (кўздан кечириш эксперимент) судда (таржимон педагог) маслаҳатчи, ёрдамчи сифатидаги вазифаларни амалга оширадилар. Мутахассиснинг иштироки тергов ҳаракатининг, суд муҳокамасининг баённомаларида қайд этилади.

2. Экспертиза текширувига юбориладиган материали таркибига экспертиза тайинланиши учун мавжуд бўлган асосларини ўзида ифода этган қарор (ажрим), текшириладиган объектлар (ашёвий далиллар; турли излар, қон ва бошқа биологик моддалар, отилган ўқ, гильзалар, отиш ва совуқ қуроллар, солиштириб текшириш учун зарур бўлган намуналар, ҳужжатлар ва бошқа моддий нарсалар юборилади.

Суд экспертизасини ўтказишда қўлланадиган махсус билимлар соҳасига қараб, экспертиза амалиётида ўтказиладиган текширувларнинг қуйидаги турларини кўрсатиш мумкин; Суд-тиббиёт, молиявий аудиторлик, кимёвий, биологик, авто-техник, криминалистик ва бошқа соҳадаги текширувлар.

Экспертизанинг тайинланиш таркибига кўра дастлабки ва такрорий, қўшимча, комиссия ва комплекс турлари мавжуддир.

Дастлабки-биринчи экспертиза хулосалари тергов (суд)нинг эҳтиёжини турли сабабларга кўра қониктирмаса, қайта-такрорий экспертиза тайинланиши мумкин (ЖКПнинг 176 м.) Дастлабки ва такрорий экспертиза материали одатда ўзгаришсиз қолади, лекин экспертнинг талабига кўра такрорий экспертиза материали қўшимча намуналар билан тўлдирилиши мумкин, такрорий экспертиза комиссия, яъни икки ёки кўпроқ бўлган экспертлар томонидан ўтказилади. Биринчи экспертиза текширувини ўтказган мутахассиснинг фикри, хулосалари такрорий хулосаларга қарама-қарши бўлмаса у такрорий экспертиза текширувида комиссия таркибида иштирок этиши мумкин, акс ҳолда у ўзининг аввалги асосий хулосасига ички ишонч ҳосил қилганлиги туфайли унинг хулоса-фикри ўзгаришсиз қолади.

Биринчи экспертиза натижаси билан иккинчи такрорий экспертиза хулосаси бир-бирига қарама-қарши бўлган тақдирда уни комиссия иштирокида тажрибали мутахассис раҳбар ходимлар билан ҳамкорликда муҳокама қилинади ва улардан қайси бири тўғри эканлиги баҳоланади. Кўпчилик фикр хулосаси тўғри келгандагина хулоса бир бўлиб имзоланади ва объектив деб топилади.

Такрорий экспертиза учинчи маротаба ҳам тайинланиши мумкин. Экспертиза амалиётида шундай ҳоллар учраб турадики, биринчи экспертиза фикри билан иккинчи такрорий эксперт хулосаси бир-бирига қарама-қарши, ҳар қайсиси ҳам асосли ва қатор белги сифатларга таянган ҳолда текширилган бўлиб, тергов улардан қайси бирини ишга қўшиш лозимлигини билолмай қийинчиликка дуч келади. Ана шундай ҳолларда тергов ёхуд суд учинчи маротаба такрорий экспертиза тайинлашга ҳақлидир.

Такрорий экспертиза материални ўша олдинги муассасага юбориши, лозим топса экспертиза лабораторияси ёки институтига юбориши мумкин. Масалан, биринчи экспертиза ИИВнинг экспертиза бўлимида ўтказилган бўлса иккинчи маротаба шу материалнинг ўзи Республика Адлия Вазирлиги қошидаги Криминалистика Марказига юборилади, учинчи такрорий текширувга эса шу марказнинг ўзига ёки бошқа муассасага юборишлари ҳам мумкин. Иккинчи ва учинчи экспертиза материаллари бир экспертиза муассасида ўтказилган тақдирда уни албатта бошқа экспертлар комиссия таркиби ўтказмоғи лозим. Ана шундай бўлгандагина экспертиза хулосалари объектив бўлиб иш учун далил манбаи сифатида қўлланмоғи маъқул.

Экспертлар комиссиясини тайинлаш ва танлаш институти ёки лаборатория раҳбарига боғлиқдир. У эксперт мутахассисларнинг тажриба ва билим даражасига, иш ҳажмига қараб белгилаши мумкин. Комиссия составини ўзгартириш, кўпайтириш ва камайитириш томонига ёки биринчисини иккинчи мутахассис билан алмаштириш ҳам лаборатория ёки бўлим бошлиғига боғлиқдир.

Такрорий экспертиза билан бир қаторда қўшимча экспертиза ҳам тайинланиши мумкин. Қўшимча экспертиза такрорий экспертизадан бир мунча фарқ қилади. Қўшимча экспертиза тайинланганда, асосий биринчи экспертиза материалига қўшимча равишда саволлар текширилувчи объектларга намуналар киритилади. Такрорий экспертизанинг предмети ва текширилувчи объектлари доираси ўзгаришсиз қолади, аммо қўшимча экспертизада эса текшириш доираси бирмунча кенгаяди. Шу билан бирга экспертиза предмети ўзгаришсиз қолади, асосий текширилувчи объектлар ва экспертиза материаллари аввалгича қолади. Масалан, биринчи асосий текширилиши лозим бўлган молия ҳужжатнинг қўлёзма матни текширилиши, уни қалбакилаштиришда икки моддий жавобгар шахс шубҳаланади, эксперт ходим уларни ҳужжатга алоқаси йўқлиги ҳақида хулоса беради, сўнгра тергов давом этиши натижасида янги ҳолат очилади ва терговчи қўшимча экспертиза тайинлаб олдин текширилган ҳужжатни қайта юборади ва аввалги саволларга қўшимча равишда янги шахслар ҳам гумонланиб, улар томонидан бажарилганлигини аниқлаш учун асосий экспертиза материалига қўшимча равишда бир ёки иккита фаол қўйилади, шунга биноан қўшимча қўл ёзма намуналар ҳам юборилади.

Шундай қилиб, қўшимча ва такрорий экспертизалар конкрет ишнинг ҳолатига қараб тергов ва суднинг қарор ва ажримига кўра ўтказилади. Қўшимча экспертиза одатда асосий экспертизани ўтказган ходимга топширилади, чунки у асосий экспертиза материали билан таниш бўлиб қўшимча экспертизани тезда ва оператив ўтказиши керак бўлади.

Такрорий ва қўшимча экспертизадан ташқари комиссия ва комплекс экспертизалар ҳам бўлиши мумкин. Текширилувчи объектлар сони кўп

бўлиб, текшириш усуллари мураккаб бўлса экспертиза материали бир мутахассисга эмас, балки икки уч эксперт ходимга топширилади, масалан хатшунослик эксперт учун текширув ўтказиш тўғри бўлади ва кўп вақт талаб қилади, шундай вақтларда экспертиза материали бир экспертга эмас балки бир неча мутахассисга яъни экспертлар комиссиясига топширилади.

Бундай экспертизалар одатда молиявий ҳужжатлар асосида ўтказиладиган текширувдир, яъни хатшунослик ва имзоларни идентификация қилиш учун тайинланади. Ҳужжатлар сони ва қўлёзмани ёзишда шубҳаланган шахслар сони кўп бўлганлиги туфайли, экспертиза текширувини тезлаштириш ва хулосани объектив ва асосланган бўлиши учундир. Текширилувчи объект яъни далилий ашё баъзи вақтлар икки ёки уч мутахассисликни талаб қилади. Масалан, одам ўлдириш ишлари бўйича жароҳат қандай қурол билан етказилганлигини аниқлаш учун суд-медицина экспертизасини тайинланса, ана шу жароҳат мурданинг суяк қисмларида ва кийимларида бўлса конкрет қуролни ана шу суякдаги, кийимдаги излар бўйича криминалистик идентификация қилишни талаб қилади. Бу хилдаги экспертиза трасология соҳасидаги билимни талаб қилади ва криминалистлар жалб этилади. Баъзи вақтларда ҳужжатлар ҳам икки хилдаги текширувга объект бўлади, яъни хатшунослик соҳаси ким томонидан бажарилганлигини аниқласа шу ҳужжатнинг қандай қалбакилаштирилганлигини аниқлаш учун техникавий текширув ўтказилади. Мана шундай экспертизалар комплекс экспертиза деб аталади. Комплекс экспертизага турли махсус билимга эга бўлган мутахассислар жалб этилади. Суд-медицина ва тарасология (криминалистика) соҳасидаги билим, суд психология ва психиатрия, суд баллистика ва трасология экспертизалари каби бир объектга нисбатан бир неча хилдаги махсус билим, қўлланиб текширувлар ўтказилади. Текширув натижалари битта фикрда хулосада ифодаланиши мумкин, хулосалари эса қўлланилган билимлар асосида ўтказилган бўлиб, унга мос келиши лозим, ёки ҳар бир мутахассис навбати билан текширув ўтказиб бир объектга нисбатан ҳар бирлари алоҳида-алоҳида фикр ва хулоса берадилар. Ҳар бир мутахассис ўзининг ўтказган текшируви хулосаси учун шахсий жавобгар бўлади.

Экспертиза текширувига юбориладиган объектларнинг турига, уларга қўлланиладиган махсус билим ва услубиётнинг хусусиятига кўра суд-экспертиза амалиётида қуйидаги криминалистик экспертизалар ўтказилади.

-Хатшунослик текшируви; бу хилдаги экспертиза объекти бўлиб турли ҳужжатларнинг қўлёзма матнлари, имзолар, раҳам ва цифровка ёзувлари бўлиб, вазифаси уларни ким томонидан ёзилганлигини аниқлашдир.

-Турли усулда қалбакилаштирилган ҳужжатларнинг асл нусхасини дастлабки ҳолатини аниқлаш кейинчалик қандай ўзгартиришлар киритилганлигини (тузатилган, қўшимча киритилган, ўчирилган ва ҳ.к.) ёзувларни муҳр ва штампларини қалбакилаштириш учун криминалистика-техникавий экспертизаси тайинланади.

-Суд трасология экспертизаси; ашёвий далил бўлган турли изларнинг ҳосил бўлишини кимдан ва жиноят қуроли бўлган предметдан қолдирилганлигини аниқлаш учун ўтказиладиган текширув. Одамларнинг қўл бармоқ ва яланг оёқдан қолдирилган изларни ким томонидан

қолдирилганлигини аниқлаш учун ўтказиладиган текширувни “Дактилоскопик экспертиза” деб ҳам атайдилар.²

-Суд-баллистика экспертизаси; мазкур экспертиза объектлари бўлиб жиноятни содир этишда қўлланилган турли отиш қуроли ва уларнинг ҳарбий қисмлари (патрон ва портловчи моддалар), отиш натижасида ҳосил бўладиган (одам танасидан ташқари бўлган тўсиқдаги жароҳат аломатлари, отилган ўқ ва гильзалар, турли портловчи мосламалар ва уларнинг қолдиқ қисмлари ҳисобланади. Совуқ қуроли ҳам мазкур экспертиза объектига кирилади.

-Одамларнинг ташқи қиёфа белгилари асосида ўтказиладиган идентификацион текширув. Бу ҳилдаги экспертиза одамнинг фотосурати оғизаки тасвирлаш асосида тузилган портретлари асосида ўтказилиб яқка шахс ҳақида ҳулоса берилади. Тергов ва суд амалиётида ўлган одамнинг суяк қолдиқлари (склети) бўйича шахсини аниқлаш учун криминалистик ва антропологик текшируви ҳам ўтказилиб туради.

3. Экспертиза тайинлаш эҳтиёжи жиноят ишини тергов қилиш жараёнида ишнинг айрим мунозарали ҳолатлари юзасидан махсус билим талаб қилинганда ҳосил бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 173-моддасида экспертиза ўтказилиши шарт бўлган қатор ҳолатлари қайд этилган. Қонуннинг кўрсатмаси ушбу ҳолатлар ҳақида иш материалида бошқа маълумотлар (гувоҳ жабрланувчиларнинг кўрсатмалари) бўлишидан қатъий назар экспертиза ҳулосасини олиш мажбурлигини таъкидлайди.

Иш учун аҳамиятга молик бўлган бошқа ҳолатларни аниқлашда, жумладан криминалистик экспертизасининг айрим турларини тайинлаш, ҳал қилинадиган масалалар криминалистика техникаси соҳасидаги махсус билимни талаб қилган тақдирда зарур бўлади.

Криминалистик-экспертизасининг объектлари турли ашёвий далиллар, солиштириб текшириш учун олинган намуналар, далилий аҳамиятга эга бўлган бошқа моддий нарсалар, турли ҳужжатлар бўлиши мумкин.

Мазкур экспертиза объектлари экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор ёки ажримда алоҳида-алоҳида номлари белги сифатлари билан кўрсатилади. Қарор (ажримда) экспертиза тайинлаш учун сабаб бўлган асослар билан бир қаторда, эксперт ҳал қиладиган саволлар ҳам қайд қилинади. Саволлар аниқ, равон ва экспертнинг махсус билими доирасидан ташқари чиқмайдиган бўлиши лозим.

Криминалистик экспертизаси материалини қарор, ажрим, текширув объектлари тергов ва суд давлат экспертиза муассасига юборади. Муассаса раҳбари тегишли мутахассис ходимга топширади. Шу билан бирга процессуал қонунида белгиланганидек эксперт сифатида экспертиза муассасидан ташқари жойларда хизмат қилувчи мутахассисларни ҳам жалб этиб, экспертиза материалини уларга бевосита топшириш мумкин.

² Дактилоскопия юнон тилидан daktilos- еўл-бармое маъносини билдиради

Экспертизага текширилувчи объектлар ашёвий далил, унинг айрим қисмлари, модда қолдиқлари билан бир қаторда солиштириб текшириш учун зарур бўлган намуналар -нусхалар ҳам юборилиши лозим.

Намунларнинг ҳажми, сифати эксперт текширувини тўла ва объектив бўлишлигини таъминлайди. Экспертиза текшируви учун олинadиган намуналарнинг турлари ва уларни олиш тартиби ЖПКнинг 188-моддасида кўрсатилгандир.

Криминалистик экспертизасини ўтказиш учун олинadиган намуналарнинг турлари асосан қуйидагилардир; қўлёзма хат, имзо, раҳам-цифровка ёзувлари, печатлайдиган воситалардан олинadиган намуналари, изларни ҳосил қиладиган объектлардан қолип-нусхалар.

Криминалистик тадқиқот ўтказиш учун зарур бўладиган намуналар эркин ва экспериментал бўлиши мумкин. Эркин намуналар жиноий иш қўзғатилишидан аввал мавжуд бўлган объектлардир. Масалан, хатшунослик текшируви ўтказилишида гумонланувчининг ўзи ёзган хати имзоларсиз уйдан, хизмат хоналаридан олинган ҳужжатларда бўлади. Экспериментал намуналар эса экспертиза тайинланган ходим томонидан унинг махсус топшириғи билан олинади. Текширувчи ҳужжатдаги ёзувга, имзоларга, раҳамларга ўхшаш матнларни бир неча алоҳида қоғоз ҳужжатга ёзиш буюрилади ва текширилувчи ҳам-имзоларга мансуб бўлган ҳарф ва шакллар бажарилишини кузатиб турилади.

Экспериментал намуналар одатда кишилар ҳаракати натижасида вужудга келтирилиб олинади (масалан, дастхат, қўл оёқ изларининг намуналари ёки инсон организмнинг яшаш фаолиятидаги моддалардан (қон, соч, сўлак ва бошқа намуналар).

Нусхаларнинг ҳар икки тури ЖПКга асосланган ҳолда экспертизани тайинловчи суд ёки терговчи томонидан олинади ва улар қарор (ажрим)да кўрсатилади.

Кўпчилик вақтларда экспериментал намуналар экспертиза текширишлари вақтида экспертлар томонидан ҳам олинади. Шунинг учун қайси вақтда эксперт экспериментал нусха намуналар олишини яхши фарқ қила билиши керак. Экспериментал намуналар зарур бўлган ҳолларда мажбурий равишда ҳам олиниши мумкин. Бу ҳаракат терговчига юклатилган. Қонунга асосан эксперт бу ҳуқуққа эга эмас. Терговчи экспериментал нусхалар олишда айблануви ёки гумондор жабрланувчи ёки гувоҳлардан ташқари яна айрим ҳажми жаҳатидан ёки баъзи ҳолатлар сабабли эксперт ихтиёрига топшириш имкониятлари бўлмаган объектлардан ҳам экспериментал намуналар олиши мумкин. Терговчи бу ишларга махсус мутахассисларни таклиф қилиш ҳуқуқига эга. Улар ўзларининг маслаҳатлари, шахсий иштироки ва ҳаракатлари билан сифатли намуналарни олишга ёрдам берадилар.

Терговчи томонидан олинadиган эркин ва экспериментал намуналар эксперт текширишлари учун етарли ва асосли бўлиши керак. Олинган намуналар объектнинг ҳақиқий ўзидан келиб чиққанлиги шубҳасиз ва асосли бўлиши учун процессуал расмийлаштирилган бўлиши шарт.

Текширув зарур бўлган намуналар олиш учун терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Нусхалар олинганлиги ҳақида баённома ёзилиб, унда олинган намуналарнинг сони, намуна олишдаги шарт-шароитлар, бажарилиш

усуллари батафсил ёзилиши, тузилган баённома ва имзолар билан тасдиқланиши керак. Айбланувчи, гумондор гувоҳ ёки жабрланувчидан қоғоз устига ёздирилиб олинган намуналар терговчи ҳамда намунани бажарувчи томонидан тасдиқланиб имзоланади. Олинган намуналар бошқа объектлар каби тегишли тартиб ва усулда упаковка қилинади ва печатланади.

Экспертиза текширувини ўтказиш жараёнида экспертнинг ўзи ҳам экспериментал намуналар тайёрлаши мумкин. Процессуал қонунда қайд қилинишича баъзи криминалистик текширувлари учун эксперт тажриба-эксперимент ўтказиб ҳам намуна олади. Баллистик экспертиза ўтказишда ўқ отиш қуроли “отишга яроқлими”-деган саволни ҳал қилиш учун эксперт махсус хонада, мосламалар мавжуд жойда қуролдан ўт қўйиш отиб текширади. Ўқ отиш қуролини идентификация қилишда эса, эксперт ходиса жойидан топилган ўқ ва гильзаларни солиштириб текшириш учун ашёвий далил бўлган қуролдан бир неча мартаба ўқ отиб экспериментал ўқ ва гильза намуналарини тайёрлайди. Шунингдек трассологик текшируви учун эксперт ашёвий далил бўлган пойафзал, бузиш қуроли чопиш ва кесиш асбобларидан уларнинг из ҳосил қилувчи ташқи қисмидан экспериментал излар намуналарини олиши мумкин. Бу вазифани экспертиза материални тайёрловчи тергов (суд) ходимлари бажаришлари лозим. Лекин эксперт-мутахассис сифатида намуналарини текширувга зарур бўлган ва мос келадигин ҳолда сифатлироқ қилиб тайёрлаши мумкин, бу ҳол эса экспертизани ўтказиш вақтига ва сифатига маъқул бўлади.

Экспертиза учун олинган намуналар жиноят процессуал қонунига биноан баённома билан расмийлаштирилади. Эксперт ўзи ташкил қилиб олган намуналари ва эксперимент текширувларини ўзининг хулосасини, баёнот, яъни тадқиқот қисмида тўла ва аниқ акс эттиради.

Текширув учун олинган намуналар экспертизанинг бошқа объектлари қаторида тегишли усулда упаковка қилиниб, уларнинг тури ва сони қарор (ажримда) кўрсатилади.

4. Криминалистик идентификация услубиёти крим-экспертизанинг барча турларини ўтказишда умумий бўлиб, мантиқ илмига идентификация назариясига криминалистик техникаси асосларига таянади.

Ашёвий далил булган объектларни улардан қоладиган турли изларни текширишда, ҳар қандай илмий тадқиқот фаолиятида қўлланиладиган кузатув, тажриба, таҳлил (анализ ва синтез) тахмин гипотезаларини текшириб, индуктив ва дидуктив фикр юритиш каби усуллар қўлланилади.

Криминалистик экспертизаларини ўтказишда, шунингдек, эксперт мутахассислар криминалистикани илмий техник воситалари бўлган турли асбоб ускуналар: оптика, компьютер турли кўзга кўринадиган ва кўринмайдиган нурларни ишлатадиган мосламаларини ёритқичлар ва бошқаларни кенг қўллайдилар.

Экспертиза объектларини текшириш қуйидаги уч босқичларда амалга оширилади.³

³ Экспертиза текширувида идентификация услубларини ёўлаш масаласини рус криминалист олими проф. В.Я.Колдин сатор илмий тадқиқотларида ёритиб берган, шулардан илмий монография бўлган “Идентификация при производстве криминалистических экспертиз” М. 1957 й.

1.Текширилувчи ва намунани нусха бўлган объектларни алоҳида-алоҳида кўздан кечириш. Бу текширув босқичининг вазифаси ашёвий далил бўлган ва экспертизага юборилган бошқа объектларни ҳар бирини алоҳида кўздан кечириб, уларни индивидуаллик хусусиятини яъни ўзига хос бўлган сифати ва белгиларини аниқлашдан иборатдир.

Текширилувчи объект моддий буюм, нарса ёки унинг бирор қисмидан қолган излари, бўлаклари, нусхаси ва бошқаси бўлиши мумкин.

Криминалистик экспертизасининг текширилувчи объектлари доирасига, отиш куроли, отиш натижасида ҳосил бўлган излар, отилган ўқ ва гильзалар, портлатишдан қолган из қолдиқлари жинойт куроли сифатида ишлатилган турли буюмлар ва улардан қоладиган излар, инсоннинг қўли, яланг оёқ кафтининг тери тузилиши хусусиятини ташкил қиладиган излар, хат-почерк, одамнинг ташқи қиёфа тузилишини акс эттирувчи фото, видео ва бошқа суратлар, марҳумнинг суяк қолдиқлари (склети) қиради.

Кўрсатилган объектларни кўздан кечириш объектларини кўздан кечиришнинг мақсади уларнинг ашёвий далил бўлганлигини сифатлайдиган аломатларини аниқлаш, индивидуаллик хусусиятларини ифодалайдиган белгиларини тахмин қилиш ва идентификация жараёнида уларни қўллашдан иборатдир.

Солиштириб текширишга олинган, тайёрланган намуна-нусхаларни ҳам эксперт алоҳида кузатиб таҳлил қилиб юқорида кўрсатилган масалаларни ҳал қилади. Намуна-нусхаларни таҳлил қилишда уларни қаердан, қачон ва кимлардан олинганлиги, гуруҳ мансублик ва индивидуаллик белгилари уларни идентификация қилишга яроқли эканлиги ҳал қилинади.

Текширувнинг бу босқичида намуна ва нусхаларнинг сони-сифати, экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор, ажримда кўрсатилган маълумотларга мос олинганлиги ва идентификация ўтказишга етарли ва яроқли эканлиги аниқланади.

2. Текширувнинг иккинчи босқичи экспертиза объектларини ўзаро солиштиришдир. Экспертиза амалиётида қўлланадиган умумий услуб идентификация назарияси бўлиб барча объектлар икки гуруҳни ташкил қилади. Идентлиги (айнанлиги) ни аниқлаш лозим бўлган объектлар, булар текширилувчи яъни ашёвий далиллар бўлиб иккинчи гуруҳни солиштириб текширишга восита бўлган намуна ва нусхалардир.

Солиштириб текшириш босқичида эксперт текширилувчи объектларнинг айнанлиги ёки гуруҳ мансублигини аниқлаш учун улардаги сифат аломатларини намуналардаги сифат-тире белгиларига солиштириб таққослайди. Ҳар бир умумий белгилардан сўнг хусусий белгилар алоҳида-алоҳида таққосланади, биринчисидаги индивидуаллик хусусияти иккинчи гуруҳдаги объектларда такрорланган ҳолдагина уларнинг айнанлиги таққосланади.

Солиштириб текшириш жараёнида ўхшашлик ҳоллари билан бир қаторда айрим белгилар бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Бу ҳолат текширилувчи (ашёвий далил) объектнинг ҳосил бўлиш шароитига унга дахлдор унга дахлдор, манфаатдор шахсларнинг ҳаракати ихтиёрини таъсирида пайдо бўлиши мумкин. Текширувнинг мазкур босқичида эксперт

жиноий ишнинг экспертизага алоқадор бўлган ҳолатлари билан танишмоғини талаб қилади. Бу масала текширувнинг биринчи босқичида ҳам, зарур бўлганда кейинроқ ҳам амалга оширилиши мумкин.

Текширувнинг биринчи ва иккинчи босқичлари ўзаро чамбарчас боғлиқдир, улар орасида қатъий бирор чегара ўтказиш мумкин эмас, алоҳида таҳлил қилиш солиштириш жараёнида ҳам давом этиши мумкин. Зарур бўлган ҳолларда биринчи босқичга қайтиб айрим объектларни қайта кузатиш, таҳлил қилишга тўғри келади, бундай текширувда бошқа услублар қўлланиб қўшимча материал (намуналар) талаб қилинади. Бу масала эксперт билан экспертиза тайинланган ходим, суриштирувчи, терговчи, судья орасида амалга ошириладиган мулоқотда ҳал қилинади.

Солиштириб текшириш жараёнида эксперт махсус услубиётни қўллаш билан бирга крим-техника воситаларидан ҳам кенг фойдаланади, айниқса микро ва макро суратга тушириш, кўзга кўринмайдиган нурларда кузатиш ва расмга тушириш, турли тажриба-экспериментлар ўтказиш каби усулларни қўллайди.

3. Текширувнинг бу босқичида идентификация жараёнининг натижалари ҳосил бўлиб, улар тегишли талаб ва қоидалар асосида баҳоланиб экспертнинг хулосалари шаклланади.

Таққосланиб текширилган объектларнинг бир гуруҳга кириши ва айнанлиги тасдиқланади, ёки айнанлиги инкор қилиниб ҳар қайси текширилган ашёвий далил ва унга ҳос намуналар бошқа турга тегишли эканлиги аниқланади.

Текширилаётган ҳолат, яъни объектнинг айнанлигини исботи ёки инкор қилиниши, белги сифатларнинг айримларининг ўхшашлиги ёки фарқ қилиши асосида бўлмасдан, белгиларнинг барча йиғиндиси асосида шаклланоми лозим. Шундагина хулоса илмий асосланган, объектив бўлади ва жиноий иш юзасидан далил манбаи бўлиб хизмат қилади.

Экспертнинг хулосаси (фикри) бошқа процессуал ҳужжатлар каби кириш, баёнот ва якунловчи қисмлардан иборатдир. Кириш қисмида экспертиза тайинлашга асос бўлган ҳолатлар, ким томонидан тайинланган, қандай объектлар юборилган, ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ва бошқа маълумотлар ифода этилади.

Боёнот қисми эксперт фаолиятининг асосий қисми бўлганлиги учун уни “тадқиқот” қисми босқичи деб номлаш эксперт фаолиятининг моҳиятини аниқроқ ёритади-акс эттиради деб ўйлайман.

Хулосанинг бу қисмида эксперт ўтказган барча текширувлари; объектларни алоҳида кузатуви, сифат белгиларининг индивидуаллик, мустаҳкамлик даражалари, таққослаб солиштириш натижалари, хулосасининг шаклланиши қандай омилларга асосланганлиги, қўлланилган махсус криминалистик техника воситалари, турли услубиётлар, ўтказилган экспериментал текширув тажрибалари, турли чизмалар, микро-макро суратлари ва бошқа ўтказилган чоралар тегишли олдинма кетинлик билан акс эттирилади.

Эксперт текширувининг якунловчи қисми унинг хулосаларидир.

Бу қисмда экспертизага қўйилган саволлар ҳал қилиниб уларга аниқ-равон ва қисқа шаклда берилган жавоблар ўз ифодасини топади. Хулосалар

эксперт текширувига қўйилган масалаларга нисбатан тасдиқловчи ёки инкор қилувчи шаклда берилади.

Эксперт амалиётида баъзи ҳолларда қатъиян хулоса бериш иложи бўлмайди, тахминий ёки қўйилган саволларни ҳал қилиш иложи бўлмаганлиги ҳақида хулоса берилади. Бундай хулосанинг сабаби тўла ва асосланган, исботи эксперт ҳужжатининг тадқиқот қисмида ифодаланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир. Эксперт амалиётида қўлланадиган текширув усулбиётининг ҳозирги кун талабига йўқлиги, текширилган объектнинг ўзига хос бўлган индивидуал белгиларнинг ҳажми етарли бўлмаслиги каби бошқа факторлар бўлиши мумкин. Кўрсатилган ҳолатлар экспертиза материални такроран текширишга эксперт муассасаларига юборишга асос бўлади.

ИИ БОБ. СУД ХАТШУНОСЛИК ЭКСПЕРТИЗАСИ

1- Хатшунослик экспертизасининг илмий асослари

Турли жиноят ишларини тергаш жараёнида далилий ашё бўлган ҳужжатлар билан ишлашга тўғри келади. Жумладан, ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш, мансабдорлик жиноятлари, фирибгарлик, хўжалик ишларида молиявий қисоб-китоб ҳужжатлари билан бирга бошқа турли ёзма ҳужжатлар криминалистик текширув объекти бўлиб ўтади.

Ашёвий далил бўлган ҳужжатларни текширишнинг асосий вазифаси қўлёзма матнларини ким томонидан ёзилганлигини аниқлашдан иборатдир.

Хатшунослик экспертизасининг текширув объектлари бўлиб ҳужжатдаги қўлёзма матнлари: харфли, раҳамли, шартли белгилар-шифровка, имзо шаклидаги ёзувлардир.

қўлёзма хатларни (дастхатни) текшириш ва уни ким томонидан бажарилганлиги (ёзилганлигини) аниқлаш инсоннинг ўзига хос бўлган ёзиш усули бўлган малака-хусусиятига асосланади.

Ёзиш малакаси инсон ҳаётининг маълум даврида бошланади ва шаклланади. Умумий ёзиш қоидаси хат билан шуғулланувчига бошланғич маълумотни хусни-хат қоидаси асосида берилади. Қар бир харф-раҳамнинг ёзиш усули, айрим қисм-элементларини бир чизикда жойлашуви бир-бирига бирикувчи каби қоидалари бир хил бўлсада ёзаётган шахслар ёзиш жараёнида ўзига қулай ва мос қолатни қўллаб умумий ёзиш қоидаси чегарасидан чиқиб турли услубни қўллайди, масалан, ёзиш қуролини қия ёки тўғри параллел ушлаб ёзишда ҳарфларнинг ўнг ёки чап томон қияланиши, ўзишнинг йўналиши, ҳарфларнинг бир-бирлари билан бирикиши, жойлашуви каби аломатлар қосил бўлади.

Ёзиш малакаси мактабда ўқитиш даврида шаклланади. Бошланғич мактаб ўқувчилари ёзиш -оидасига биноан харф ва раҳамларни ёзишда қалам-рускани ўнгдан-чапга ёки аксинча йўналишда бажарадилар. Ёзишни ўрганиш жараёнида хатнинг ёзилишида ҳарфлар шакли секин-аста ўзгаради, умум қоида чегарасидан чиқа бошлайди. Бу жараёнга инсоннинг физиологик хусусияти таъсир этади. Машҳур рус физиолог И.П.Павловнинг

инсон физиологиясида ривожланадиган шартли рефлекслар унинг қар бир фаолиятига таъсир этади ва ана шу рефлекслар асосида такрорланиб мустақкамланади- деган илмий ғояси мазкур хатшунослик илмига ҳам тўлалигича асос бўлади.⁴ Шартли рефлекслар инсоннинг ҳаётий даврида қосил бўлиб кун сайин такрорланиб ривож топади. Бу жараёни И.П.Павлов “Динамический стереотип” деб номланган. Шартли рефлекслар асосида амалга ошириладиган фаолият биричидан қайта-қайта такрорланиши ва шу билан бирга ҳаракат такомиллашиб ривож топради. Инсоннинг қай давридаги баъзи ҳаракатлари шу асосда одат тусига кириб мустақкамланиб қолади. Дастхатни бажариш жараёни шу юқорида келтирилган “динамик стереотип” яъни такрорланиш ҳаракати асосида шаклланади ва маълум даврга келиб мустақкамланади ва шу даврда қар бир шахснинг ўзига хос ёзиш услуби (почерки) қосил бўлади.

Хатшунослик текширувини ўтказишда дастхатни айнан ким томонидан ёзилганлигини аниқлаш имконини инсоннинг ана шу ўзига хос бўлган ёзиш хусусияти-почерки беради. Хат ёзиш жараёни тушунчасини беради, шунингдек ёзилган сўз, раҳам имзо қўлёзма матн криминалистик текширув объекти сифатида ҳам хат деб тушунилади. Шунинг учун криминалистикада қўлёзма матнларни қандай шаклда бўлишидан қатъий назар датхат де ҳам юритилади.

Дастхат инсоннинг мактабда ўқиб, илм олиш даврида ривожланади ва тахминан ўрта маълумотини тугатиш арафаида мустақкамланади. Дастхатнинг мустақкам бўлиб шаклланишига қатор омиллар таъсир этади, жумладан, инсоннинг анатомик, физиологик, психологик хусусиятлари. Шу билан бирган инсоннинг ўзига хос одат бўлиб қолган ёзиш ҳаракати такрорланган сари мустақкамланиб индивидуаллик-айнанлик хусусиятига эга бўлади. Бу илмий назария кўп йиллар давомида экспериментал тадқиқотлар асосида ва экспертиза амалиётида тасдиқланиб исбот қилинган.

Бу соҳада қозирги кунда республикамызда Адлия Вазирлиги қошидаги “Криминалистик экспертиза маркази” да илмий ва амалий фаолият кўрсатаётган қатор олимларнинг хизмати ҳам каттадир.

Дастхатнинг текширув объекти сифатида мустақкам бўлиши нисбийдир. Чунки хат инсоннинг онгли рвишдаги фаолиятидан бир кўриниши бўлиб, унга объектив ва субъектив омиллар таъсир этади. Объектив омиллар бўлиб ёзиш шароитига тегишли бўлган қолатлар, яъни атроф-муҳит таъсири, ёзиш қуроли, қандай материал-буюмга ёзилиши кабилар ҳисобланади.

Субъектив омилларга ёзаётган шахснинг психологик касаллик, мастлик, эмоционал ва шу каби инсоннинг ўзига хос бўлган бошқа қолатлар киради. Шунингдек ёзиш жараёнида шахс қасддан ёзувини-имзосини ўзгартириб ёзишга ҳаракат қилиши мумкин. Мана шу сабаб омиллар хатнинг нисбий мустақкамлиги ва индивидуаллигини белгилайди.

Кўрсатилган омиллар дастхатнинг айрим умумий хусусиятига таъсир этиб, асосий индивидуаллик вақти шароитига нисбатан бўлган мустақкамлиги

⁴ Хатшуносликнинг илмий асослари ҳақида И.П.Павловнинг физиология назариясига асосланган ҳолда, дастлаб рус криминалист олимларидан А.И.Винберг, В.Ф. Орлова, А.Н.Манцетова, Э.Б.Мельникова ва бошқалар қўлёзма хатнинг шаклланиши, мустақкамланиши ва идентификацион белгилари ҳақида қатор илмий асарлар яратганлар. Ҳозирги кунда ўтказиладиган хатшунослик экспертиза текшируви ҳам дастхатнинг ўзига хос индивидуаллик (айнанлик) хусусияти ана шу назарияга асосланади. Теория и практика криминалистической экспертиз Сб. № 6-7 М. 1962 г

хатни (имзони) бажарган шахснинг айнанлигини белгилаш учун имкон беради.

Экспертиза текшируви натижасида ёзган шахсни аниқлаш билан бир қаторда, хатнинг ёзилиши шароитини, ёзган шахснинг психологик ва саломатлик қолатлари ҳам аниқланиши мумкин. Бундай қолатлар хатдаги умумий, гуруҳ мансублигини белгилайдиган аломатлар асосида амалга оширилади. Масалан, хат белги сифатлари ёзаётган шахснинг руқий қолати одат бўлган ёзиш усулига таъсир этиб, ёзувнинг бир текислиги бузилади, ёзиш тезлиги юқори ёки пастлашади. Натижада хатнинг аниқлиги-равонлиги ўзгаради, ҳарфлар тузилиши бир мунча соддалашади. Шу каби қолатлар ёзиш шароитининг ўзгаришида ҳам юз беради. Масалан, тик туриб ёки ётган қолда ёзиш, қўлнинг жароқатланиши натижасида чап қўл ёки бошқа мослама билан ёзиш ва х.к.

2-.Дастхатнинг индентификацион белгилари

Индентификация тушунчаси идем (лот.) айнан ўзи деган маънони беради. Хат, имзо ва бошқа қўлда ёзилган матнларни ким томонидан бажарилганлигини аниқлашда қўлланадиган услуб деб тушунмоқ лозим. Идентификацион белгилар эса текширув, тадқиқот, изланиш, аниқлашда восита бўладиган хатнинг белги-аломатларидир.

Хатшунослик экспертизасини ўтказишда эксперт дастхатда мавжуд бўлган қуйидаги индентификацион белгиларни ўрганиб, тақлил қилиб текширув ўтказади:

1.Дастхатнинг мазмунига оид бўлган сифатлари.

2.Топографик белгилар (хат, имзо, раҳам, ёзувларнинг ҳужжатда жойлашув хусусиятлари)

3.Почерк (ёзиш усули)нинг умумий сифат ва белгилари.

4.Хатнинг алоқида (хусусий) белгилари.

1.Дастхатнинг биринчи гуруҳдаги сифат-белгиларини “нутқ белгилари” деб ҳам атайдилар. Бу белгилар ёзган шахснинг умумий савиясини белгилайди. Буларга нутқ хусусияти сўз бойлиги даражси, сўзлари ўз ўрнида ишлатилиши, жумла тузилиши, сўзлашувда сақланган шева ва хориж ибораларини хатда акс этиши, грамматик хатоларнинг одат бўлиб қолиши кабилар киради. Мазкур сифат белгилар маълум қажмда ёзилган қўлёзма матнда ифодаланади. Имзо ва қисқа бўлган жумла ёки раҳам ёзувларида нутқ белгилари акс этмайди.

Печатлаш воситаси (машинка, компьютер ва х.з) да бажарилган хатнинг мазмунига оид белгилари асосида ҳарфларни тергаш шахснинг мутахассислик савияси ҳақида тахминий бўлсада хулоса олиш мумкин.

2.Хатнинг топографик жойлашув хусусиятига оид белгилари:

Дастхатнинг ҳужжатда жойлашув хусусияти ёзув чизиғи йўналиши, оралиғи, масофаси ўнг ёки чап томондан очик жой ва абзац қолдиришлик аломатларда ифодаланади. Ҳужжатнинг номи, санаси, имзо ва бошқа “тасдиқловчи” ёзувларни, печат ва штампларнинг жойлашувлари ҳам турлича бўлиши мумкин.

Ҳужжатнинг қўлёзма матни типографик бланкада бажарилган бўлса, ёзув, имзо, раҳамлар ҳужжатнинг қайси қисмида чизик-графаларнинг

қайси бирида ва қандай жойлашганлиги ҳам ёзган шахснинг ўзига хос бўлган хусусиятга эга бўлади.

3.Хатнинг умумий сифат-белгилари. Хатнинг умумий тавсифловчи сифати унинг ишланганлик даражасидир. Ишланган ва мустақкам шаклланганлигига кўра хатнинг юқори ўрта ва паст даражада бажарилиш сифатлари белгиланади. Юқори даражада ишланган хатнинг ёзилиш тезлиги ҳам шунга мос бўлиб, ҳарфларнинг умумий тузилиши бир мунча соддалаштирилган, ноаниқ бўлади. Сўз ва ҳарфлар ўзаро боғланган бўлиб бир чизик йўналишда, қўлнинг автоматик ҳаракати натижасида, қалам-ручка қоғозда узулмаган қолда бажарилади.

Ўрта даражада ишланган хатнинг ёзилиш тезлиги ҳам ўрта бўлиб ҳарфларнинг тузилиши ёзиш қоида-сига (хуснихат) га бир мунча яқинроқ бўлади. Хатдаги сўз бирикмалари, ҳарфлар аниқ-равон ёзилади ва осон ўқилади.

Паст даражада ишланган хат ёзиш малакаси ривожланмаган, чала савод ёки ҳаёти дарида хизмат фаолиятида кам ёзган шахсларга тегишлидир. Хат матни, имзо ва раҳам ёзувларида текислик тизим бузилади, ҳарфлар тарқоқ қолда жойлашади, ўзаро боғланиши паст, ёзиш жараёни тезлиги эса сусайган бўлади.

Хатнинг умумий белгиларига шунингдек,

- ёзувнинг майда-йирик ва ўрта ўлчовда бўлиши,
- ёзиш чизигига нисбатан ҳарфларнинг ўнга ёки чапга қараб бурчак қосил қилиб ёзилиши, баъзилар эса чизикда вертикал жойлаштириб ёзишлари,
- сўз ва ҳарфлар орасидаги масофа ўлчовини кенг ва зич бўлишлиги,
- ҳарф ва уларнинг қисмларининг ёзилишида ўзаро боғланиб, бири-бирига қуйилиб сингиб кетиш даражаси киради.

Юқорида келтирилган белгилар умумий бўлиб ёзган шахснинг гуруҳ мансублигини билдиради, яъни “хати яхши юқори даражада ишланган шахслар, хати йирик (майда) ёзадиган шахслар” деган фикрни беради ва ҳужжатнинг яқка ёзган шахсни аниқлашда изланиш доирасини бир мунча кичрайтиради. Идентификация-айнанлигини аниқлашда биринчи босқич бўлиб хизмат қилади. Қар бир умумий белги гуруҳи қатор алоқида хусусий белгиларни ифода-лайди.

4.Хусусий белгилар хатнинг айрим жумла, сўз ҳарфлар ва уларнинг айрим қисм элементларида акс этади. Мантиқ илмининг қоида-си асосида умумий тушунча хусусий аломатларда ифода этилади, хусусий белги аломатлар ёғиндиси эса умумий сифат ҳақида хулоса беради. Мана шу илмий қолат хатшунослик текширувига тўла тадбиқ этилади. Хат-почеркнинг алоқида хусусий белгилари сони кўп бўлганлиги сабабли уларнинг экспертиза амалиётида кўпроқ учрайдиган гуруҳларини келтирамиз:

а) ҳарф ва уларнинг айрим қисмларини ёзишда ёзиш қуроли (ручка, қалам)ни ўнгдан-чапга ва аксинча йўналиши.

б) ҳарф ва унинг элементларини ёзиш чизигида ўзаро жойлашуви, чизик ости ёки юқорисида ёзилиши шарт бўлган қисмларнинг қоида чегарасидан ташқари чиқариб ҳарким ўзига хос бўлган ёзиш усули билан бажарилиши.

в) Ҳарф ва унинг қисмларини ёзишда бошланиш ва охириги нуқтасининг жойлашуви, йўналиш хусусияти, ўзаро боғланиш услублари;

г) Ҳарфларнинг ва уларнинг қисмларини бир-бирлари билан боғланиб, қўшилиб бажарилиш хусусиятлари.

д) Ҳарф шакллари турлича ёзилиши, уч элементдан иборат бўлган ҳарфларнинг соддалаштириб икки қисмдан ташкил топиши, олдинги келаётган ҳарф ва уни кетидан ёзилаётганларнинг бир-бирлари билан қўшилиб-қуйилиб кетиши аломатлари.

ж) Ҳарфлар ва уларнинг айрим қисмларини узун қисқа (баланд-пастлиги), кенлиги ва зичлигига нисбатан бўлган, ўлчовлари, яъни “графометрия” хусусиятлари⁵

з) Ҳарфнинг овал, сиртмоқсимон, учбурчаксимон қисмларининг бажарилиш шакллари ва ёзув чизигидаги усти, остига нисбатан жойлашув аломатлари.

е) айрим ҳарфларга қўшимча қисмларни киритиш, ёзувга бирмунча нақш киритиш билан безаш. қўшимча қисм белгилар ҳарфларнинг устки, остки чизикларида жойлашуви.

Дастхатнинг умумий ва хусусий белгилари муайян вақтга нисбатан мустақкам бўлиб, умумий индивидуаллик ва мустақкамлик хусусияти нисбийдир. Бу тушунчани қуйидагича шарқлаш мумкин. Хатни, имзони бажараётган шахс ўз ихтиёри билан ёки бирор шарт-шароит таъсирида беихтиёр ўзгартириб ёзиши мумкин. Бу ҳолда умумий белгиларнинг ўзгариши тўла ёки қисман осонроқ амалга ошади, хусусий белгилар қисман ўзгариши юз беради умумий айнанлик хусусияти эса ўзгармас бўлиб, ёзувда сақланиб қолади.

Ҳужжат жиноий ҳаракат учун қурол сифатида ишлатилиши ҳолларида, уни қўлёзма қисмларини (ҳарф, раҳам, имзо кабилари) ни бажараётган шахс тергов жараёнида уни текширилиши, ким томонидан ёзилганлигини аниқланиши аввалдан билади ёки шундай имконлар мавжуд бўлишига кўзи етади. Шунинг учун ҳужжатни тузишда, расмийлаштиришда ёзиладиган раҳам-сонлар, сўз билан ифодаланадиган буйруқ-кўрсатмалар, тасдиқловчи имзоларни бажариш жараёнида ёзаётган шахс хатини ўзгартиб-бузиб ёзишга ҳаракат қилади. Ҳужжатни қалбакиллаштиришда кўп ҳолларда жиноятчи ўзининг имзосини ўзгартириб ёки бошқа мансабдор шахс номидан унинг имзосини бажарадилар. Қасддан ўзгартириб, бузиб ёзилган хатнинг асосий қисми тўлалигича ўзгармас қолда сақланиб қолади. Ёзиш малакаси кўп йиллар давомида такрорланиб мустақкамланиб ёзиш-чизиш усули одат бўлиб қолади. Шу туфайли кўп йиллар давомида шаклланган ва индивидуалик хусусиятига эга бўлган хат-почеркни тўла ва абсолют ўзгариш мумкин эмас. Бу масала криминалистика экспертизасининг кўп йиллик изланишдаги назарияси ва амалий фаолияти томонидан тасдиқланган.

⁵ Графометрия - ёзма ва печатланган матндаги ҳарфлар ва уларнинг қисмларини абсолют ўлчовлари асосида ўтказиладиган текширув усулидир. Бу назария Русия криминалист олимлари томонидан ишланган услубиёт бўлиб, проф. Потапов С.М., Зотов Б.Л., Шевченко Б.И. ва б. лар. Криминалистик экспертизасида идентификация услубиёти мавзусига бағишланган қатор илмий тадқиқотларида ёритилганлар. Жумладан, 1950-1960 й. да нашр этилган “Научное почерковедение”, “Методика криминалистической экспертизы почерка” ва бошқа қатор илмий мақола ва тўпламларда чиқарилган асарларда ёритилгандир. Бу услубиёт ҳозирги кунда хатшунослик экспертиза амалиётида бирмунча мукаммаллашган ҳолда бошқа белги ва сифатлар каторида қўлланилмоқда.

Ўзгартиб ёзилган хатда асосан умумий белги сифатларнинг одатдаги ёзилишдан бирмунча ўзгариш аломатларини кузатиш мумкин. Булар қуйидагилардир; Ёзиш жараёнида тезлик сусаяд, натижада ҳарф ва уларнинг бирикмалари алоқида-алоқида ёзилиб, қўлнинг титроқ тебраниши ёзувда акс этади. Хатни микроскоп лупа остида бирмунча катталаштириб кузатилганда ёзишдаги ҳаракатнинг айрим жойларида тўхташ нуқталарини кўриш мумкин. Овал шаклида ёзиладиган ҳарф қисмларида овал-айланиш жойларида бурчаклар қосил бўлиши, ёзишдаги йўналишнинг ўзгаришида ҳарфларнинг қажми ва чизикда жойлашувини бузилиши, умумий ёзишдаги автоматик ҳаракатни сусайиши каби аломатларни кузатиш мумкин.

Ҳужжатлардаги маълумотларни тасдиқловчи имзолар ҳам хатшунослик текшируви объекти бўлиб қисобланади. Шунинг учун юқорида келтирилган умумий ва хусусий белгилар тизими имзоларни текширишда ҳам тўлалигича қўлланилади. Шу билан бирга имзоларнинг ўзига хос бўлган баъзи хусусиятларига нисбатан аломатлари ҳам мавжуддир. Булар имзонинг умумий тузилиши; ҳарфли, ҳарфсиз, аралаш ҳарф ёки ҳарфсиз чизиклар бирикмасидан ташкил топган имзолардаги белгилардир. Ҳарфли имзо-ёзаётган шахснинг исми ёки отасининг исмини ташкил қилувчи барча ҳарфларидан тузилган имзодир. Буларни тўлиқ имзо деб номлайдилар. Аралаш ҳарф ва ўқилмайдиган айланма, чизиклардан (комбинация)дан ташкил бўлган имзолар қисқа хажмга киради. Ҳарфсиз - фақат ўқиб бўлмайдиган, ҳарф шаклига ўхшаган чизиклардан ташкил топган имзолар ҳам шу тариқа ифодаланади.

Баъзи шахслар имзосининг бошланиш қисмида ўзининг исмини бош ҳарфи билан отасининг исмини бош ҳарфларига қўшиб “монограмма” шаклида ёзади, сўнг бошқа ҳарфёки чизиклар билан тугатади, чизик ости устига қўшимча безаклар киритади.

Имзонинг қандай шаклда ёзилгандан қатъий назар у хатшунослик текширув объекти бўлиб идентификацион белгилар таърифи буларга тўла тадбиқ қилинади.

Рақам ва бошқа белгилар билан ифодаланадиган тезувлар ҳам мазкур экспертиза объекти сифатида текширилиб, идентификацион белгиларини тавсифлаш матнининг қажмига боғлиқ бўлади. Бу тезувларда ҳам инсоннинг ёзиш малакасининг ўзига хос индивидуаллик хусусияти акс этади.

Инсоннинг хизмати, хунари, мутахассислиги каби омиллари туфайли унинг хизмат фаолиятида битта эмс бир неча вазият, яъни кўринишга эга бўлган тезувлари (имзолари бўлиши мумкин). Ҳар бир кўринишдаги умумсифат белгилари шахснинг индивидуаллик ёзиш хусусиятини сақлаб қолади ва акс эттиради.

қўлёзма хатларини айнан ким томонидан ёзилганлигини аниқлаш учун бир гуруҳдаги умумий ёки хусусий белгиларнинг ўзи кифоя бўлмайди, балки қатъий аниқ ва раво хулоса бериш учун белгиларнинг барча гуруҳлари йиғиндисини тавсифланиб сўнг намуна бўлган ҳужжатларнинг тезув хат белгилар йиғиндисига солиштириб текширилгандан сўнггина аниқ хулосага келиш мумкин бўлади.

Экспертиза текшируви учун олинадиган намуналарининг турлари, қажми уларни экспертиза тайинлаш вақтида расмийлаштириш

масалаларининг умумий тартиби мазкур қўлланманинг биринчи бобида ёритилгандир.

3. Хатшунослик экспертизасини ўтказиш учун материал тайёрлаш.

Экспертиза тайинлашнинг умумий процессуал тартиби ЖПКнинг 180 моддасида кўрсатилгандир. Суриштирув, тергов ва суд органи ходимлари экспертиза тайинлаш ҳақида қарор ёки ажрим чиқарадилар ва унда экспертиза ўтказиш учун асос бўлган сабабларини кўрсатадилар.

Хатшунослик экспертизасини ўтказиш зарурати тергов қилинаётган жиноий ишнинг аниқланиши лозим бўлган айрим қолатлари юзасидан ашёвий далил бўлган ҳужжатлардаги қўлёзма матн, (имзо, раҳам ва б.)ким томнидан бажарилган деган масалани қал қилишда қосил бўлади.

қарор (ажримда) экспертиза ўтказишга асос бўлган сабаблар, иш учун қал қилинадиган масалалар, уларни ечишга қўлланадиган махсус билим соқаси шу билимга эга бўлган мутахассисни жалб этишлик зарурати кўрсатилади.

қарор, ажримда экспертизага юборилаётган ҳужжатлар, уларни текширишга восита бўлган хат намуналари ва бошқа объектлар ҳам кўрсатилади. Хатшунослик экспертизасининг хулосалари тўла ва асосли учун текшириладиган ҳужжатнинг қачон, қандай шароитда тузилганлиги, қаердан олинганлиги, қўлёзма матнларини ёзишда, расмийлаштиришда гумонланган шахслар ва уларнинг билдиришлари каби маълумотлар қарор, ажримда кўрсатилмоғи лозим.

Зарур бўлган ҳолларда эксперт жиноий иш материалларининг экспертиза текширувига тегишли бўлган қолатлари билан ҳам танишиб чиқиши мумкин. Бу аълумотлар экспертиза тайинлаш қақидаги қарорнинг баёнот қисмида кўрсатилади, ёки иш материалынинг тегишли қисми эксперт ихтиёрига топширилади.

қарор, ажримда эксперт қал қиладиган масалалараниқ, равон саволлар тариқасида кўрсатилади. Масалан; “15.05.1995 йилда “М” номидан ёзилган аризанинг чап томонидаги “текшириб қал қилинсин...”- деган ёзув ким “М” ёки “Р” томнидан ёзилганми. Ёзув тагида “Р”нинг номидан қўйилган имзо “Р”нинг ўзи бажарганми ёки бошқа шахсми?

Аризанинг асосий матни юқоридаги буйруқни ифода этувчи ёзув ва имзолар бир киши томонидан ёзилганми? каби саволлар бўлиши мумкин.

Эксперт ихтиёрига юборилаётган ҳужжатларнинг ҳар бирини номи, номери, санаси ва бошқа реквизитлари кўрсатилади.

Жиноий иш юзасидан ашёвий далил бўлган объектларни олиш, расмийлаштириш сақлаш ва экспертизага юборишда қўлланадиган умумий тартиб-қоида, текширувчи ашёвий далил бўлган ҳужжатларга ҳам тўлиқ тадбиқ этилади.

Эксперт хулосаларининг муваффақиятли яъни тўлиқ, асосли ва объектив бўлишлиги солиштириб текшириш учун олинадиган хат-имзо намуналарининг сони ва сифатига боғлиқдир.

қўлёзмани ёзишда гумонланган қар бир шахснинг эркин ва экспериментал хат намуналари ва улар етарли ҳажмда бўлиши лозим. Эркин

намуналар сифатида шахснинг ўқиш, хизмат ёки турар жойларидан олинadиган ҳужжатлардир. Терговчи намуналарни экспертизага юборишдан аввал эркин хат ва имзо намуналари ким томонидан бажарилганлигини сўраб аниқлаб олгач гумонланувчининг тасдиқловчи ёзуви ва имзоси билан расмийлаштириб мустақкамлайди. Эркин намуналар имкони борича кўпроқ бўлиб, текширилувчи хатдан вақтига нисбатан катта фарқ бўлмаслиги керак.

Экспериментал хат намуналари экспертиза тайинлаётган ходим томонидан ташкил қилиниб гумонланувчига махсус вазифа шаклида ёздирилади, терговчи текширилувчи ҳужжатдаги ёзувда мавжуд бўлган сўз бирикмалари, жумла тузилишлари, раҳамларнинг ёзилиш хусусиятларига ўхшаш бўлган матни таклиф қилади ёки ўзи уни диктовка қилиб ёздирadi бу эса мақсадга мувофиқроқ бўлиб, эксперт текширувининг натижалари бўлишига ёрдам беради.

Хат ва имзо намуналарининг эркин шароитда жиноят ишга алоқаси бўлмаган қолатда ёзилган-бажарилган бўлганлиги учун улардаги индифидуал айнанлик белги сифатлар деярли ўзгармайди ва мустақкам бўлади. Шунинг учун экспертиза тайинлашда эркин намуналарга кўпроқ эътибор берилиши лозим. Шу билан бирга экспериментал намуналарнинг аҳамиятини ҳам инкор қилиб бўлмайди.

Мазкур намуналар эксперт текширувига зарур бўлган бир гуруҳ мансублиги хусусиятига эга бўлади, вақт омили катта фарқ қилмайди ва текширилувчи хатдаги (имзодаги) аломатларга ўхшаш қилиб тайёрланиб олинади.

Имзо намуналарини олишда гумонланувчининг қўл қўйишда имзоларнинг неча турда бўлишига қараб ушанча вариант-турда талаб қилиниши лозим. Имзо намуналарини бажаришда гумонланувчи қар бир қоғоз варағи- бўлагига алоқиди-алоқиди тушуриши талаб қилинади, олдинги ёзилган хати-имзосини кузатиб туриш имкони бўлмаслиги лозим. Бу талаб хат ва имзо намуналарини бажаришда гумонланувчининг ўз хатини имзосини ўзгартириб ёзишига қарши чора бўлиб қисобланади.

Экспертиза тайинлаш қакидаги қарор, ажримда текширилувчи ҳужжатлар билан бир қаторда намуналар ҳам бирма-бир ҳужжат реқизитлари экспериментал намуналарнинг неча варақ-бетда олинганлиги алоқиди қайд этилади.

4- Хатшунослик текширувининг услубиёти ва экспертнинг хулосаси.

Хатшунослик экспертизасини ўтказишда қўлланадиган текширув усуллари криминалистик идентификация назариясининг умумий услубиёти қоидасига асосан ўтказилади. Шу билан бирга мазкур экспертизанинг моқияти, текширилувчи объектларнинг ўзига хос бўлган хусусиятларидан келиб чиқадиган масалаларни қал қилишда эксперт зарур бўлган бошқа усулларни ҳам қўллаши мумкин.

Текширувнинг биринчи босқичида эксперт юборилган экспертиза материали билан танишиб чиқади, уни тайинлаш учун қандай зарурат туғилганлигини экспертиза қал қиладиган масалалар аниқ ифодаданганлиги,

уни ўтказиш учун юборилган объектларнинг (ҳужжатларнинг) турлари ва бошқа маълумотлар аниқланади.

Эксперт текширувининг навбатдаги вазифаси далилий ашё бўлган ҳужжатнинг қўлёзма матнларини-ҳарфли, раҳамли ва имзо шаклидаги ёзувларининг умумий гуруҳ мансублик сифатлари ва индивидуал хусусий белгиларини тақлил қилади. Улар ичида бир хил ҳарфларда такрорланадиган ва турғунлик хусусиятига эга бўлган, мустақкам шаклланган белгилар назарга олинади.

Такқослаб, солиштириб текширишга юборилган хат намуналари ҳам шу тариқи алоқида-алоқида кўздан кечирилади. Хатни (имзони) бажаришда гумонланган шахсларнинг сонига қараб, уларнинг айримларини гуруҳ мансублиги асосида танлаб хатлардаги умумий ва хусусий белгиларини акс эттирадиган жадвал чизмалар тайёрланади.

Хат ва имзодаги белгилар ҳарфларнинг алфавит тартибида жойлашуви асосида тақлил қилиниб, улардаги хусусият тегишли тизимда жадвалга туширилса солиштириб текшириш босқичида бир мунча қулайликни туғдиради. Биринчи навбатда умумий белгиларга эътибор берилади, чунки улар ёзган шахснинг умумий ёзиш савиясига кўра ишланганлик даражасидан хабар беради ва шубҳалашган шахслар орасидан гуруҳ мансублиги асосида айрим шахсларнинг хатини ажратиш олиш имконини беради.

Алоқида кўздан кечириш жараёнида юборилган хат намуналари ҳам ўзаро солиштирилади, яъни бир шахс номидан юборилган хат, имзо намуналари (эркин, экспериментал ва бошқа турдагилар) бир шахс томонидан бажарилганми деган масала ҳам қал қилинади, шундан сўнг уларни ашёвий далил бўлган ҳужжатнинг қўлёзмаси билан солиштирилади.

Текширувнинг биринчи босқичида текширувчи хат имзолардаги умумий ва хусусий белгилардан ташқари улардаги қасддан ўзгартириб ёзилгандан қосил бўлган белги аломатлар ҳам инобатга олинади. Уларнинг умумий хат ёзиш қоида ва ёнидаги ҳаракат хусусиятига боғлиқлиги кузатилади, одат бўлиб қолган ёзиш услуби айрим белгиларда мустақкам сақланиб қолади. Мана шу ҳолатлар хатни ёзиш шароити, уни уни ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ҳақида хабар берилади.

Имзоларни текширишда уни хат кўринишидаги алоқида шакл сифатида тахмин қилиб, имзонинг ҳарфли қисмидаги умумий ва хусусий белгалар, ҳарфсиз чизиқлар, айланма, сиртмоқсимон ёзувларнинг йўналиши, ўзаро жойлашуви имзонинг охириги якунловчи қисмининг аломатларидаги белги хусусиятларини аниқлаб, ана шундай белги-сифатларни намуна бўлган имзоларда ҳам мавжудлигини кузатиш лозим. Солиштириш учун тайёрланадиган белгилар жадвалига киритиб ўхшаш ҳарфлар ва ҳарфсиз ўқилмайдиган чизиқлардаги аломатлар белгиланади.

Ашёвий далил бўлган ҳужжатдаги имзолар кўп ҳолларда уларни бажарган шахслар томонидан ўзгартирилиб ёзилади. Бундай ҳолларда имзодаги белгилар қисман ёки тўла ўзгартириб кетиши мумкин. Ёзаётган шахснинг имзоси шаклан ўзгарсада унинг ўзига хос бўлган ёзиш услуби олади имзонинг охириги қисмида сақланиб ўзгаришсиз қолади.

Баъзилар раҳбар - мансабдор шахслар номидан қўйилган имзоларни имкон мақсадда унга тақлид қилиб имзосига ўхшатиб ёзишга ҳаракат

қиладилар, яъни қалбакилаштирадилар. қалбакилаштирилган имзонинг узун-қисқалиги, тузилиши ва бошқа умумий белгилари тўла ёки қисман ўзгаради. Бу қол имзонинг қалбаки эканидан хабар беради ва баъзи ҳолларда белгиларнинг сонига қараб ким томонидан бажарилганлигини ҳам аниқлаш мумкин бўлади.

Эксперт текширувининг иккинчи босқичида алоҳида тақлил қилиш натижасида кузатилган хат, имзо белгалари ўзаро солиштирилиб таққосланади.

Гумонланган шахсларнинг сони бир неча бўлган ҳолларда уларнинг хат намуналарини қар бирини текширилувчи хат билан тегишли тартибда навбатма-навбат солиштирилади, гуруҳ мансублиги асосида ўхшаш хат намуналари умумий тўпладан ажратиб олинади. Текшириладиган ҳужжатдаги хат (ёзув имзо) билан ажратиб олинган намуналардаги барча гуруҳдаги белгилар солиштирилади. Умумий ва хусусий белгилар йиғиндиси тўлалигича текширилувчи ва намуна объектлардан бири иккинчисини такрорласагина айнанлик масаласи қал қилинган бўлади. Агарда умумий ва хусусий белгиларнинг кўпроғи бир-биридан фарқ қилса айнанлик инкор қилинади, яъни хат-имзо гумонланган шахс томонидан ёзилмаган бўлиб, уни бошқа шахс ёзганлиги аниқланади. Айрим белгиларнинг текширилувчи ва намуна хатлардаги умумийлиги уларнинг ўхшашлик хусусиятидан дарак беради.

Икки ёки кўпроқ шахсларнинг хати ўхшаш бўлиши мумкин, лекин ёзган шахснинг айнанлигини яъни текшириладиган хат имзолар айнан “шу шахс томонидан бажарилган” деган хулоса қилиш учун идентификацион белгиларининг барчалари бир хилда бўлмоғи лозим, айниқса хусусий бўлган алоҳида хат белгилари,

Солиштириб текшириш натижалари экспертнинг текшириладиган хат юзасидан маълум хулосаларини шакллантиради. Хулосалар қатъиян тасдиқловчи, масалан “05.05.1995 йилдаги тилхатнинг қўлёзма матни ва ундаги М.номидан қўйилган имзо М.томонидан бажарилган” ёки айланганлигини инкор қилувчи, “М. томонидан бажарилмаган бўлиб бошқа шахсга ёзган”.

Текширув натижаси қатъий аниқ бирор хулоса қилишга етарли бўлмаса, эксперт тахминий ёки аниқлаш иложи бўлмаганлиги қақда фикр беради, М; текширилувчи ёзув қисқа бўлганлиги учун (бир ҳарф ва ҳарфсиз чизиқдан иборат бўлганлиги), унда ёзган шахснинг ўзига хос бўлган белгилар акс этмаганлиги сабабли қатъий хулоса бериш иложи бўлмади...”. Шу билан бирга қисқа ёзув, имзога нисбатан уни қалбакилаштирилганлиги фактини тасдиқлаб бериши мумкин.

Амалиётда молия ҳужжатларида мавжуд бўлган мансабдор, моддий жавобгар бўлган шахслар номидан қўйилган имзоларни баъзида жиноий мақсадда кузатув ёрдамида, қўлни биров машқ қилдириб ўхшатиб тақлид қилиб ёзиш ҳоллари ҳам учраб туради. Шунингдек имзоли ҳужжатни ёруғлик манбаи остига жойлаштириб тагидан керакли қоғоз ҳужжатга ўткир предмет ёрдамида чизиб излари туширилади, сўнгра қалам-ручка билан имзонинг излари устидан юргизилади. Мазкур ва шунга ўхшаш бошқа усулда содир қилинадиган қалбакилаштириш факларини криминалистика техникаси ёрдамида аниқланади. қалбакилаштиришнинг бажарган шахснинг

айнанлигини белгилаш иложи бўлмайди, чунки ёзиш малакасини акс эттирадиган белги-аломатлар чизиш, попирка қилиш, нусха яшаш усулларда акс этмайди.

Экспертни ўтказган тадқиқот-текширув фаолияти унинг фикри бўлган “хулосада” якунловчи қисмини ташкил қилади. Бу қисмда экспертизага қўйилган саволларга қисқа аниқ жавоблар берилади. Жавоблар хулоса шаклида ёзган шахснинг айнанлигини қатъий тасдиқловчи ёки инкор этувчи бўлиши лозим. Айрим ҳолларда қатъий тасдиқлаш иложи бўлмаса эксперт тахминий хулоса ҳам бериши мумкин. Экспертиза амалиётида бундай хулосалар айниқса хатшунослик соқасида кам учрайди, кўп ҳолларда масалани объектив сабаларга кўра қал этиб бўлмаганлиги қақида хулосалар берилади.

Экспертиза хулосалари жиноий иш юзасидан далил манбаи бўлганлиги сабали, бошқа далиллар билан бир қаторда умумий қоида ва тартибда бақоланади. Хатшунослик экспертизасини тайинлаган ходим; суриштирувчи, терговчи, суд экспертнинг хулосасини иш юзасидан йиғилган бошқа далиллар билан солиштириб, иш қолатларига мос келиши келмаслигини қал этиб жиноий иш материалига қўшади.

Экспертнинг хулосаси терговчи, сўзни турли сабабларга кўра қониктирмаса. улар қайта такрорий ёки қўшимча экспертиза тайинлашга қақлидир.

Ўқорида кўрсатилган, айрим ҳолларда бериладиган тахминий хулоса, иш юзасидан фактик далил бўла олмайди. Бундай хулоса тезкорлик, тергов ҳаракатларини қайта ўтказишга асос бўлиши мумкин.

Экспертнинг хулосаси шу жумладан хатшунослик соқасидаги мутахассисларнинг хулосалари ҳам бошқа процессал ҳужжат қаби жиноят процессуал қонуни асосида расмийлаштирилади. ва хулоса берган эксперт мазку хулосага шахсан жавобгардир.

Эксперт узрсиз сабабга кўра ўз вазифасини бажаришдан бош тортса ёки қасддан ёлғон хулоса берганлик учун жиноий жавобгарлиги қақида оглантирилганлигини ўз имзоси билан тасдиқлайди.⁶ Бу масала хулосанинг процессуал ҳужжат сифатида бўлган кириш қисмида қайд этилади.

Хатшунослик экспертизасини бир неча мутахассислар (комиссия таркибида) ўтказилган бўлса уларнинг хулосалари умумий бўлиб, маъсулият ҳам умумий бўлиб комиссия таркибига кирган экспертларга бир хила тегишлидир. Айрим ҳолларда комиссия аъзоларининг фикрлари бир-биридан фарқ қилган тақдирда, улар қар қайсилари ўз фикр хулосалари маъсул бўлиб алоқида имзолари билан тасдиқлайдилар.

⁶ Ўз.Р. ЖПК нинг 68 модда Тошкент 1995 й

ИИИ БОБ. ҲУЖЖАТЛАРНИ ТЕХНИК КРИМИНАЛИСТИК ЭКСПЕРТИЗАСИ

1. Ҳужжатларни қалбакилаштириш усуллари ва уларни текшириш вазифалари

Учинчи масала ҳужжатнинг қўлёзма матни асосида унинг автори (муаллифи) ким эканлиги аниқланади. Бу текширув хатнинг, қўлёзма ёки печатланган матннинг мазмуни асосида ўтказилиб, хатнинг белгилари билан бир қаторда нутқ белгилари, грамматик ва шева белгилари аниқланади. Бу текширув ҳужжатнинг автори (муаллифи) ни аниқлаш учун ўтказиладиган экспертизадир.

Ҳужжатлар жиноий иш юзасидан ашёвий далил бўлганлиги учун, уларни олишда, жиноий ишга қўшишда ва бошқа тергов ҳаракатларида ишлатишда ўзига хос услуб ва қоидаларни қўллаш зарур. Расмийлаштириш ва далил сифатида қўллаш жиноят процессуал қонунининг 90-92 м. асосида амалга оширилади.

2. Ҳужжатларни криминалистик-техникавий усулда текшириш

Ҳужжатларнинг мазмуни матни қўлёзма ёки ёзув машинкасида бажарилган бўлиши мумкин. Ҳужжат типографик усулдаги бланка бўлса қисман босма ҳарфлар, қисман ҳарфли, рақамли ёзувлар, қўл билан ёзилган бўлади. Қўлёзма матн деганда қалам, ручка ва бошқа восита ёрдамида бажарилган ҳарфли, рақамли ёзувлар ва имзоларни тушунмоқ лозим.

Тергов жараёнида кўп ҳолларда ҳужжатларнинг қўлёзма матнини ким томонидан ёзилганлигини аниқлаш зарур бўлиб қолади. Ёзган шахсни аниқлаш унинг қўлёзмасида акс этувчи дастхатининг хусусияти асосида амалга оширилади.

Дастхат моддий дунёдаги ҳар бир предмет, воқеа сингари ўзига хос хусусиятларга эгадир, яъни ҳар бир шахснинг ўзига хос дастхати бордир.

Дастхат тушунчаси криминалистика фанида қуйидагича ифодаланади, яъни инсон фикрини ҳарфлар ёрдамида қоғоз ёки бошқа материалда ифода қилади.

Ёзма хат кишиларнинг ўз фикр-туйғуларини мустаҳкамлаш, уни маълум муддатга сақлаб қолиш талабидан вужудга келган. Ёзув жамиятнинг ва кишилар муносабатининг воситачиси бўлиб, тилнинг ривожланиши билан ўсади, тараққий қилади.

Хат тушунчаси дастхат тушунчасидан анча кенгрокдир. Хат ҳужжатда ифодаланган фикр маъносини билдирада, шунингдек ёзилиш ҳаракатини ҳам

англатади. Почерк эса ҳар бир шахснинг ўзига хос бўлган ёзилиш усулидир. Ёзма хатнинг (ҳарфли, раҳамли ёзув ва имзолар) график ифодасига ёки шаклига дастхат десак бўлади.

Ўқиш, ёзиш қоидалари болаларга мактабда ўқиш даврида, баъзан мактабгача бўлган тарбияда ўргатилади. Ёзиш малакаси рус олими И.П.Павловнинг шартли рефлекслар назарияси асосида ташкил топади ва ривожланади. Академик Павлов жониворлардаги ва инсондаги ҳамма рефлексларни икки гурӯҳга, яъни шартли ва шартсиз рефлексларга бўлган. Биринчи гурӯҳдаги рефлекслар индивидуум туғилганидан сўнг махсус тренировка асосида вужудга келади. Шартсиз рефлекслар эса туғма бўлиб, инсоннинг ва жониворларнинг туғилиши билан вужудга келади.

Ҳарфларнинг ёзма шакли ва ёзиш қоидаси бир хил бўлишига қарамай, ҳар бир ўқувчи бошланғич мактабда таълим олиш даврида ўзига хос бўлган ҳаракатини вужудга келтиради.

Физиология назарияси асосида инсоннинг ҳар бир фаолияти шартли рефлекс асосида, масалан, ёзув, тикув машинасида ишлаш, машина ёки турли станокларни бошқариш асосида вужудга келади. Шу жуладан инсоннинг ёзиш ва ўқиш фаолияти ҳам шартли рефлекслар асосида, махсус машғулот ва тренировка қилиш билан вужудга келади. Ҳосил бўлган малака қайта-қайта такрорланиши натижасида ривожланади.

Бошланғич мактабларда ўқувчиларнинг ёзиш малакаси анча паст даражада бўлади, ҳар бир ҳарф ёки раҳамни ёзишга бирмунча диққат, қўл ҳаракати ва бошқа куч сарф қилинади. Шунинг учун уларнинг ёзиш ҳаракати секин бўлиб, ҳарфлар айрим-айрим ҳолда бажарилади. Ёзиш малакаси ўсган сари, қўл ҳаракати ривожлана боради ва ҳарфлар бир-бирлари билан қўшилиб ёзиладиган бўлади, ўрта мактабни битириш даврида ўқувчиларнинг ёзиш малакаси асосан мустаҳкамланган бўлиб, уларнинг хатидаги ўзиги хос бўлган белгилар умр бўйи ўзгаришсиз қолади, яъни почерк мустаҳкамланади ва уни ўзгартириш учун кўп вақт сарф қилишга тўғри келади.

Шундай қилиб, дастхат деб ҳар бир инсоннинг хат ёзишдаги ўзига хос бўлган ҳаракатига (малакасига) айтамыз. Почеркнинг ўзига хос бўлган сифати турли белгиларда ифодаланади. Мактабда ёзиш қоидаси бир хилда бўлишига қарамай, ўқувчилар ҳарфларни ёзишда ўзига ўнғайроқ бўлган ҳаракатни, йўналишни таниб оладилар. Масалан, «о» ҳарфини чизишда ўнгдан чапга қараб ёзмасдан, балки чапдан ўнгга қаратиб ёзишга ҳаракат қиладилар. Шу хилда ёзиш одат бўлиб қолади ва уни ўзгартириш учун махсус шуғулланишни талаб қилади.

Дастхатнинг ташкил топиши боланинг мактаб тарбияси даврида бошланиб кишининг 25-30 ёшида мустаҳкамланади, ишланган дастхат вужудга келади. Ишланган, почекрни ўзгартириш жуда қийин, уни ўзгартириш учун бир мунча нерв сарф қилишга, диққат билан машқ қилишга тўғри келади. Дастхатнинг асосий хусусияти умр бўйи ўзгаришсиз қолади. Баъзи умумий белгиларни (харфларни размери, ёзиш тезлиги ва шу каби дастхат сифатлари) шахс ўз ихтиёри билан ҳаракат қилиб, диққат сарф қилиб ўзгартириши мумкин, лекин почеркнинг характеристикасини ташкил қилувчи асосий белгилар йиғиндисини ўзгартириш мумкин эмас.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, баъзида ёзиш шароити ўзгарган ҳолда хат ҳам шу шароитга мосланиши натижасида ўзгаради, қайта ишланади. Ёзиш шароитининг ўзгариши, шахснинг саломатлигининг сусайиши ва бошқа факторлар ёзувга таъсир этиб дастхатни ўзгартириши мумкин.

Бу факторларни қуйидагича турларга бўлиш мумкин:

а) ташқи шароит (тик туриб, ётган ҳолда ва бошқа одат бўлмаган шароитда ёзиш);

б) қоғоздан бошқа материалга (фанер, тахта, темир, газлама ва ҳ.к. ларга) ёзиш;

в) ёзиш қуролининг ҳар хиллиги (қалам, ручка, бўр ва бошқалар);

г) ёзиш процессида иштирок этувчи органларнинг зарарланиши (кўз, қўл, нерв системаснинг ишдан чиқиши ёки зарарланиши);

д) шахснинг психик ва физиологик ҳолати (маст ҳолда, кўркув, ҳаяжон ва шу каби бошқа ҳолатда ёзилиши);

е) шахснинг ўз ихтиёри билан хатни ўзгартириши (ниқоблаш, бошқа шахснинг хатига ўхшатиб ёзиш, дастхатнинг сифатини атайлаб ўзгартириш). Дастхат кўп йиллар давомида ишланиб, мустаҳкамланиб индивидуаллик сифатига эга бўлади. Шу билан бирга юқорида келтирилган фактларнинг таъсири остида ўзгариши мумкин, баъзида мутлақо ўзгаради, баъзида қисман. Лекин шу фактор доимий бўлиб, шароит одатдаги бўлиб қолса, хат ҳам шу шароитга мосланган ҳолда қайта ишланади ва янги почерк ташкил топади, мустаҳкамланади.

Шунинг учун ҳам дастхатнинг ўзгармаслик, мустаҳкамлик сифати нисбийдир. Шу билан бирга хат ва дастхат индивидуалдир, яъни ҳар бири шахс маълум шароитда, маълум вақт (давр) давомида ўзига хос бўлган дастхатга эга бўлади.

Дастхатнинг бу сифати эса ҳужжатларни криминалистик тадқиқ қилиш натижасида шу ҳужжатнинг қўл ёзма қисми (имзо, раҳам, харфли ёзув) ким

томонидан ёзилганлигини аниқлашга имкон беради.

Дастхатнинг индивидуал хусусияти турли белгиларда акс этади. Бу белгилар асосида идентификация ўтказилади, шунинг учун уларни идентификацион белгилар деб атайдилар.

3. Дастхатнинг идентификацион белгилари.

Хатни характерловчи ҳамма белгилар йиғиндисини икки катта группага: хатдаги тил, нутқ белгиларига ҳамда почерк белгиларига бўлиш мумкин.

Биринчи группадаги белгилари хатнинг мазмунида акс этиб, нутқнинг ўзига хос бўлган хусусиятини ташкил қилади. Булар қуйидаги белгилардир:

а) грамматик белгилар - гап тузишдаги хатолар, имло белгиларини нотўғри ишлатиш, сўз таркибидаги хатолар ва шу каби грамматик белгилар шахснинг умумий савод-савиясидан дарак беради;

б) лексик белгилар - хатда, қўл ёзмада ишлатиладиган сўзларнинг состави ва хусусиятлари, шахснинг сўз бойлиги даражаси, ундаги сўз йиғиндиси айрим атамалар ва интернационал сўзларни ишлатиш, тил шеvasи, диалектнинг хатга акс этиши белгиларидир.

Қўл ёзмани анализ қилиш натижасида асосланган грамматик ва лексик белгилар шахснинг нутқига тегишли хусусиятларидан дарак беради. Бу белгилар фақатгина қўл ёзмадагина акс этмасдан, балки почерк акс этмаган ҳужжатда ҳам бўлиши мумкин, масалан, машинкада ёзилган текстда юқорида кўрсатилган белгиларнинг ҳаммаси мавжуддир.

Шунинг учун тил-нутқ белгилари асосида ёзган шахсни эмас, балки бу текстнинг авторини идентификация қилиш (аниқлаш) мумкин. Суд ва тергов амалиётида шундай ҳодисалар учраб турадики, қўл ёзма текстини бир шахс бажарса, унинг мазмуни иккинчи шахсга тегишли бўлади, яъни бири диктовка қилади, иккинчиси бажаради.

Грамматик ва лексик белгилар ёзган шахсни идентификация қилишга ёрдамчи восита сифатида фойдаланилади, улар дастхат белгилари билан бир қаторда қўлланиши мумкин.

Иккинчи группадаги белгилар - ёзиш, чизиш малакасининг хусусиятларидир. Улар умумий ва хусусий белгиларга бўлинади:

а) умумий белгилар - қўл ёзманинг умумий кўриниши, тузилиши ва умумий тавсифидир. Буларга дастхатнинг ишланиш даражаси, ёзиш тезлиги, ҳарфларнинг тузилиши, размери, боғланиши ва бошқалар киради. Дастхатнинг ишланиш даражаси - юқори, ўрта ва паст (ёки ишланмаган)

бўлиши мумкин.

Ёзиш тезлиги - жуда тез (автоматлашган), ўрта ва секин бўлиши мумкин.

Дастхат (харфлар) тузилиши - мураккаблашган, оддий (яъни ёзиш қоида-сига риоя қилган ҳолда бажариш) ва соддалаштирилган (харфларни оддийлаштириб қисмларни камайтириб чизиш) бўлиши мумкин.

Дастхат размери харфларнинг (раҳамларнинг) йирик ўрта ва майда бўлишини ўзаро жойлашиши, равонлиги, нишаблигини ва ҳ.к. билдиради.

Умумий белгилар таркибига текстнинг ҳужжатда, имзо ва раҳамларнинг чизиқда жойлашиши хусусиятлари ҳам киради. Бу белгилар суд хатшунослик назариясида типографик белгилар деб аталади. Масалан, сўзларнинг чизиққа нисбатан жойлашуви (масофаси), размер, ёзиш чизиқларнинг оралиқ масофаси, йўналиши ва шу каби қўл ёзманинг ёки унинг айрим қисмларининг ўзаро жойланиши типографик белгилар жумласидандир;

б) дастхатнинг хусусий белгилари - айрим харфларда уларнинг элементларида (қисмларида) акс этади. Юқорида келтирилган ҳамма умумий белгилар айрим харф ва уларнинг қисмларида хусусий белги сифатида акс этади. Бу икки категориянинг бир-бирида акс этиши уларнинг ўзаро боғланиши, хусусий тушунчаси умумийдан келиб чиқишини яна бир бор тасдиқлайди.

Хусусий белгилардан энг кўп учрайдиган ва идентификация учун кўп қўланиладиганлари қуйидагилардир: харфларнинг чизиққа йўналиш томони (чапдан ўнгга ёки аксинча), харфларнинг ёки уларнинг айрим қисмларини бошлаш усули, нуқтаси, ўзаро боғлаш усули, чизиқда жойлашуви, размери ва формалари, харф элементларининг бир-бирларига нисбатан жойлашуви ва бошқалар.

Қўл ёзmani анализ қилишда хусусий белгилар катта аҳамиятга эгадир, чунки уларни ўзгартириш умумий белгиларга қараганда анча қийиндир,

Ёзган шахсни аниқлаш учун хат ва почеркнинг умумий ва хусусий белгилар йиғиндиси қўлланилади. Айрим белгиларнинг ўхшашлиги етарли эмас, албатта, хатни характерловчи ҳамма сифат ва белгилар такрорлансагина қатъий хулоса қилиш мумкин.

Қўл ёзма текстида ёзган шахс идентификация қилинади, яъни ким бажарганлиги аниқланади. Бунинг учун текшириладиган қўл ёзма текстини гумонланган шахснинг қўл ёзмаси билан солиштирилади. Текшириладиган ҳужжат далилий ашё бўлиб, гумонланган шахснинг текстлари унинг қўл ёзма

нусхалари ҳисобланади. Идентификация ўтказиш учун гумонланган шахснинг эркин ва экспериментал хат нусхаларини олишга тўғри келади.

Хат нусхалари икки турда бўлиб, биринчиси эркин иккинчиси экспериментал нусхалар деб аталади. Эркин хат нусхалари жиноят ишига алоқаси бўлмаган ҳужжатлар бўлиб, унинг қўл ёзмаси гумонланган шахс томонидан эркин шароитда, яъни келгусида экспертиза учун қўлланиши мумкин эканлигини билмаган ҳолда ёзилади.

Экспериментал нусхалар экспертиза учун махсус шароитда (диктовка, топшириқ асосида) тайёрланади. Экспертиза тайинлаётган шахс (терговчи, суд ва б.) маълум шароитда махсус текст мазмунини гумонланган шахсга диктовка қилади ёки унга шу текстни кўчириб ёзиб беришни таклиф қилади. Имзо нусхалари керак бўлса, бир неча варақ қоғозга қўл қўйиб беришни таклиф қилади. Текширилаётган қўл ёзма қисқа бўлиб, бир икки сўздан иборат бўлса, экспериментал хат нусхасини олишда шу сўзларга форма тўғри келадиган сўз бирикмалари, ҳарфлари такрорланадиган сўзларни аввалдан тайёрлаб диктовка қилиш зарур бўлади.

Чунки далилий ашё бўлган ҳужжатнинг қўл ёзмасини хат нусхалари билан солиштириш учун уларнинг ҳар иккаласи мазмун жиҳатидан ҳам, шакл жиҳатидан ҳам бир-бирига тўғри келиши керак.

Ёзган шахсни дастхат асосида идентификация қилиш методлари бир неча босқичдан иборат.

1. Айрим хат нусхалари сифатида олинган ҳужжатлар алоҳида-алоҳида кўздан кечирилиб, уларнинг ўзига хос бўлган идентификацион белги ва сифатлари аниқланади.

2. Солиштириб текшириш далилий ашё бўлган ҳужжатнинг қўл ёзма тексти билан уни ёзишда гумонланган шахснинг хат нусхалари ўзаро солиштирилади. Умумий ва хусусий белгилар, тил, нутқ ва типографик белгилар ўзаро солиштирилиб, уларнинг ўхшашлиги ёки бир-бирларидан фарқ қилиши аниқланади.

3. Солиштириб текшириш натижасида маълум хулосага келинади, буни криминалистик идентификациясида синтез деб атайдилар. Юқорида кўрсатилган ҳар иккала гурппадаги дастхатнинг сифат белгилари ўхшаш бўлса, улар бир-бирларида такрорланса, тасдиқловчи хулоса вужудга келади. Ҳар иккала ҳужжатлардаги дастхат фарқ қилса, инкор этувчи хулоса вужудга келади. Масалан, текширилаётган қўл ёзма Б. нинг хат нусхалари билан солиштирилиши натижасида улардаги дастхат бир-бирларига тўғри келмади, ўхшамади, демак, далилий ашё бўлган текст Б. томонидан ёзилмаган бўлиб,

бошқа шахс томонидан бажарилган бўлиб чиқади.

Экспертнинг бу фикри ушбу хулосасида акс эттирилади.

Баъзида жиноятчилар ҳужжатни қалбакилаштиришда ўзларининг дастхатини (имзосини) ўзгартиришга ҳаракат қиладилар.

Шу мақсадда чап қўл билан ёки ёзув қуролини тиш орасида ушлаб ёзадилар ва хат ёзиш тезлигини пасайтирадилар.

Натижада дастхатнинг ишланиш даражаси пасаяди, ҳарфларнинг боғланиши сусаяди, ёзиш ҳаракатида асоссиз тўхташлар вужудга келади. Чап қўлда ёзиш натижасида бу белгилар билан бир қаторда яна ҳарфларнинг (раҳамларнинг) тескари шаклда ёзилиши ҳам мавжуд бўлади. Бундай қўл ёзмани ким ёзганлигини аниқлаш учун гумонланган шахслардан экспериментал хат нусхаларини олиш вақтида диктовкани турли тезликда амалга ошириш лозим ва ҳар иккала қўлда ёзишни таклиф қилиш зарур.

Шахс қўл ёзмани ёзиш пайтида ўз хатини ўзгартиришга қанчалик ҳаракат қилмасин, унинг ёзувида ўзига ҳос бўлган белги аломатлар сақланиб қолади. Шунинг учун ҳам тергов ва суд амалиётида асосан қўлёзманинг эгасини аниқлашга барча имкон мавжуддир.

4. Қалбакилаштирилган ҳужжатларни текшириш.

Жиноятни содир этишда қалбакилаштирилган ҳужжатлар қурол воситасида бажарилади. Бу ҳолда ҳужжатнинг қайси қисми қалбаки қандай усул билан ўзгартирилганлигини (қўшимча ёзув киритиш, аввалги матндаги ёзувлар ўчирилиши, имзо ва муҳрларни қалбакилаштириш) аниқлашга тўғри келади. Бу текшириш баъзи бир табиий фанларнинг (физика, химия каби) илмий усуллари асосида ўтказилиш вазифалари қуйидагилардир:

- ҳужжатдаги турли ўзгаришларни (ўчириш, қўшимча ёзувни бошқага ўзгартириш ва текстни йўқотиб бошқа ёзувни киритиш ва ҳ.к.) аниқлаш, аввалги ҳақиқий текстни тиклашдан иборат;

- ёзув машинкасида босилган текстларни идентификация қилиш ва машинка маркасини аниқлашдан;

- қалбакилаштирилган ҳужжатларнинг текстини (йиртилган, қисман ёнган, захда, сувда зарарланган ҳужжатларни) тиклашдан;

- ҳужжат материалини текшириш, унинг гуруҳини аниқлаш (қоғознинг ёки бошқа материалнинг сифатини аниқлаш)дан иборатдир.

Криминалистиканинг илмий-техника воситаларини қўллаб ҳужжатларни текшириш суд экспертизаси муассасаларида амалга оширилади.

Жиноят содир қилиш мақсадида ҳужжатларнинг матнини ўчириш, йўқотиш кўпинча сўз ва раҳамларни киритиш йўли билан ўзгартирилади.

Ёзувни ўчиришда бирор ўткир предмет ёки резинка қўлланилади, ҳарф ва раҳамлар билан бирга қоғознинг устки қатлами ҳам зарарланади. Ҳужжатни ёруғлик нуруни солиб микроскоп ёки лупа ёрдами билан кўздан кечирилса, қоғознинг устки ялтироқ қатлами кўчганлиги, типографик линовкасининг ўчганлиги ва қоғознинг шу жойи юпқаланганлиги кўринади. Шу билан бирга ўчирилган жойда ёзув қуролининг (перо, қалам, шарикли ручка) излари ва бўёқнинг (сиёҳ, графит, паста) қолдиқлари қоғознинг ички қатламларида сақланиб қолади. Бу ҳол микроскоп усулда текшириш ва турли нурларни қўллаш натижасида топилади.

Ёзув қуролидан қоладиган изларни ҳужжатнинг орқа томонидан ҳам кузатиш мумкин.

Ҳужжатдаги ёзувни йўқотиш ва янги текст киритиш мақсадида жиноятчилар турли химиявий суюқликларни азот кислотаси, водород перекеси, марганцли калий, хлор ва бошқаларни қўллайдилар.

Уларни ишлатиш натижасида сиёҳ, паста ва бошқа бўёқ реакция беради ва рангини йўқотади. Химиявий моддани қўллаш натижасида қоғознинг сифати бирмунча ўзгаради. Унинг устки қатламида сариқ доғлар қолади, қоғоз толалари мўрт бўлиб буклашда синиб, йиртилиб кетади.

Ҳужжатни ультрабинафша нурларда кўздан кечирилганда унда люминесценция ҳолати юз беради. Қоғознинг ички қатламига синиб қолган бўёқ қолдиқларини кучайтириш натижасида йўқотилган ёзувни тиклаш мумкин бўлади.

Баъзи бир ёзув қуролларига (тушь, графит қалами) химиявий усул таъсир қилмайди, яъни юқоридаги химик элементлар уларга реакция бермайди. Ҳужжатларнинг асосий текстга қўшимча киритиш ва раҳамларни ўзгартириш мақсадида жиноятчи шу текстни ёзишда қўлланиладиган қуролга (ручка, паста, қаламга) ўхшаш предметни ишлатишга ҳаракат қилади. Қўшимча ёзув асосий текстни ёзган ёзув қуроли билан шу рангдаги суюқлик ёки паста ишлатилган ҳолда бажарилса ҳам уларни микроскопик текшириш натижасида ранглардаги фарқни кўриш мумкин. Бундан ташқари, қўшимча текстни хатшунослик усулда ҳам текшириш мумкин. Хат ва почерк белгилари ҳужжатнинг асосий текстидан ва қўшимча ёзувдан анча фарқ қилади.

Қўшимча ёзувнинг, ҳарф ва раҳамларнинг типографик белгилари ҳам асосий текстдан фарқ қилади. Чунки қўшимча ёзув қоғознинг бўш жойида

сўзларнинг орасига, раҳам соннинг охирига киритилади.

Сўзларни ва раҳамларни ўзгартириш мақсадида жиноятчи ҳарф ва раҳам элементларини ўзгартиради (бир раҳамини тўртга ўгартиради, учни саккизга ва ҳ.к.) ёнига элемент қўшиб, сўнгра шу ҳарфнинг ёки раҳамнинг штрихларини қайта устидан юргизиб чиқади. Бу ҳолни ҳам микроскопик текшириш натижасида аниқлаш мумкин. Сиёҳ ва паста рангларини турли ёрдамида аниқлашга тўғри келади.

Текстни ўчириб, бирор химикат билан йўқотиб, ўрнига бошқа ёзув киритилса, бу ёзувдаги сиёҳ штрихлари қоғознинг устки зарарланган қисмида ёйилиб тарқаб кетади. Қалам штрихларида эса графитнинг нотекис тақсимланиши кузатилади.

Ҳужжатларнинг қўл ёзма ёки машинкада печатланган тексти бирор бўёқ (қалам, сиёҳ, тушь ва ҳ.к.) билан ўчирилиши натижасида йўқолади ёки бирор бўёқ суюқлигининг тўқилиши натижасида ёзув кўзга кўринмас бўлиб қолади. Шу билан бирга баъзи бир табиий ҳоллар офтоб нурларининг таъсири, ҳужжатларнинг кўп йил давомида чўнтакда сақланиши, сувга тушиб кетиши натижасида ёзув ўчиб кетади, уни ўқиш анча қийинлашади.

Бундай текстларни тиклаш учун турли оптик методлар мавжуддир. Ўчирилган текстни тиклаш мақсадида уни нурларнинг турли шароитида кўздан кечириш, кўзга кўринмас (инфрақизил, ультрабинафша) нурларида сураатга олиш, микро ва макросураатга олиш усуллари билан амалга ошириш мумкин.

Ёзувни ниқоблаб, беркитиб турган сиёҳ, паста ва бўёқларни химиявий усуллар билан ҳам йўқотиш мумкин ва аввалги текстни тиклаш, кўзга кўринарли қилиш мумкин.

Баъзида жиноятчи ҳужжатни бир қисмини кўзга кўринмас масалан, симпатик сиёҳ, сўлак ва сийдик моддаси ва ҳ.к. ёрдамида ёзиши мумкин. Бундай текстни кўзга кўринарли қилиш учун уни люминесцент усулда кўздан кечириш ва ультрабинафша нурларда сураатга олиш кифоядир. Бу нурларда кўзга кўринмас сўлак ва сийдик штрихлари йилтироқ модда сифатида акс этади ва натижада уни ўқиш ва фотосураатда мустаҳкамлаш мумкин.

Ҳужжатларнинг тексти олов ва иссиқлик таъсири натижасида ҳам ўзгаради. Қоғоз ёнгандан сўнг қораяди, бу босқичида шамолнинг олдини олиб ва қорайган қоғознинг парчаланиб кетмаслигини таъминлаб сақлаб қолинса, унинг текстини ўқишга ва сураатга олишга имкон бўлади. Бунинг учун ёнган ҳужжатни авайлаб глицерин моддаси билан намлаш ва пахта

орасига жойлаштириш лозим ёки шиша орасига жойлаштириб ёзувини турли ёруғлик шароитида ўқиш мумкин.

Жиноятчи ҳужжатга жиноий мақсадда мансабдор шахснинг ёки жавобгар шахснинг номидан имзо қўяди, уларнинг дастхатига ўхшаш қилиб ёзишга ҳаракат қилади. Бу ҳолда имзони ёзувчи шахс ўзига хос бўлган дастхат белгиларини қолдиради.

Мансабдор шахснинг имзосини қалбакилаштирилган ҳужжатга кўчириш учун жиноятчи копирка қоғоздан фойдаланади. Копиркани имзо тагидан қўйиб унинг штрихлари устидан қалам, нина ва шу каби предмет юргизади. Сўнгра копирка бўёғидан тушган имзони сиёҳ билан қайта юргизиб чиқади. Бу усулда қалбакилаштирилган имзони микроскоп остида кўздан кечирилса, сиёҳ (паста) тагида копирка бўёқни ҳам кўриш мумкин. Инфрақизил нурларда фотосуратга олинса, бу имзонинг сиёҳи кўринмас бўлиб копирка бўёғи эса аниқроқ бўлиб кўринади.

Имзони қалбаки ҳужжатга кўчириш учун уни ёруғлик орасига олган ҳолда контурини (соясини) чизиб, сўнгра сиёҳ (қалам) билан устидан такрор юргизилади. Шу каби мансабдор шахсларнинг ҳақиқий имзосини қалбаки ҳужжатга тушириш учун унинг устидан бирор қаттиқ предмет (игна, бигиз) билан юргизиб, имзо тушган штрих рельефларини қайта чизиб чиқадилар.

Имзоларини бу усулда қалбакилаштиришда жиноятчи ҳақиқий имзодаги белги ва дастхат хусусиятларини қалбаки ҳужжатга кўчиради ва натижада ўзига хос бўлган дастхат (имзо) белгиларини ниқоб остида қолдиради. Шунинг учун юқорида кўрсатилган усулда қалбакилаштирилган имзоларнинг бажарувчисини аниқлаш (идентификация қилиш) мумкин бўлмайди. Имзони қайта чизма қилиш натижасида штрих чизиқлари иккиланади, чунки рельеф чизиқларни бир текисда қопламайди, ёзиш суръати пасаяди, қайта обводка қилишда ёзиш суръати сунъий равишда секинлашади ва натижада ҳарф чизиқларида тўхташлар мавжуд бўлади.

Имзонинг сўнгги нуқтаси йўғонлашади, автоматик ҳаракат ўрнига сунъий тўхташ ҳосил бўлади. Юқорида кўрсатилган ва бошқа белгилар, имзолар микроскопик текшириш натижасида топилади.

5. Ёзув машинкасида бажарилган ҳужжатларни текшириш.

Ёзув машинкасида босилган ҳужжатларнинг текстини анализ қилиш ва текширишнинг асосий вазифаси ёзув машинкасини идентификация қилиш. яъни текст шу машинкада ёзилган деган масалани аниқлашдир. Текстни

босган машинка қайси группага (системага) тегишли ва сўнгра бир группага кирувчи бир неча машинка ичида конкрет машинкани аниқлаш (идентификация қилиш) мумкин. Шу билан бирга босилган асосий текстга киритилган ўзгариш бошқа машинкада босилганми деган саволларни ҳал қилади.

Ёзув машинкаларининг группасини аниқлаш учун қуйидаги белгилар асос бўла олади.

1. Шрифтнинг тури. Уларнинг катта ва кичиклиги, узун ва калталиги, кенглиги билан фарқланади. Шунингдек шрифт ҳарфларининг тузилиши ҳам турлича бўлади.

2. Ёзув машинкасидаги босиш белгиларининг сони. Ҳар бир системадаги ёзув машинкалари ўзларининг босиш белгиларининг сони билан фарқ қилади. Ҳарф ва босиш белгиларининг сони, имло белгилари, раҳамларнинг сони, математик белгилар, скобкаларнинг сони ва тури кўпроқ ёки камроқ бўлиши мумкин. Машинка клавишларини босиш белгиларининг сонига мувофиқ бўлади.

3. Ҳарф ва белгиларнинг орасидаги масофа. Бу хусусият ҳарф ва белгиларнинг кенглигига боғлиқ. Шунга кўра бир чизикда жойлашадиган белгилар сони ҳар хил бўлади.

4. Ҳарф жойлашган чизикларнинг оралиғи. Машинканинг бу хусусияти унинг системасига қараб тўла размерда бўлади. Шу билан чизик интервалини биттага, иккитага қўйиб ёки мутлақо интервал механизмига риоя қилмасдан ишлатиш мумкин.

Кўрсатилган белги ва хусусиятлар ёзувни босишда фойдаланилган машинканинг турини (системасини) аниқлашга асос бўла олади. Бир группага кирувчи бир неча машинкалар ичидан конкрет машинкани аниқлаш учун юқорида кўсатилган белгилар ҳам қўлланилади. Бу белгилар машинкани эксплуатация қилиш, ишлатиш натижасида вужудга келадиган ўзгаришларга боғлиқ.

Машинкани таъмирлаш, айрим ҳарф ёки раҳамни ўзгартириш уларнинг умумий тузилиши, аниқлиги, клавиш механизмининг ишдан чиқиши ва ҳ.к.лар конкрет машинкага хос бўлган белгилардир. Буларга асосланиб бир системадаги конкрет машинкани аниқлаш мумкин. Шунингдек кўрсатилган ҳамма белгилар асосида қўшимча босилган текстни ҳам қайси машинкада бажарилганлигини аниқлаш мумкин бўлади.

Машинкада босилган текстларни экспертиза қилиш учун ҳамма гумонланган машинкалардан текст нусхаларини олиш лозим. Нусха

текст далилий ашё бўлган ҳужжат тексти билан солиштирилади, белгилар ўзаро таққосланади ва шунга биноан маълум хулоса келиб чиқади.

6. Қалбакилаштирилган штамп ва муҳрларни текшириш.

Муҳр ва штамп оттискасини (аксини) жинойтчилар қуйидаги усулларда қалбакилаштирадилар:

1. Печать ва штамп оттискасини суратини қўлда чизиш. Штамп ёки печатнинг шакли бирор ўқув қуроли билан чизилади (чизғич, циркуль ва бошқалар), сўнгра идора, муассаса номини ташкил қилувчи ёзувларни типографик шрифтга ўхшатиб ёзилади. Бу ҳолда типографик ҳарфларнинг шакли тузилиши билан ўша чизилган ҳарфларнинг тузилиши орасида бир қатор фарқ қилувчи аъёәёёәдйё: уларнинг ўзаро жойлашиши, ҳарф шакллари, дастхат белгилари ва ҳ.к. ни кузатамиз.

Муҳр ва штампнинг клишесини тайёрлаш. Бу усул қўлланилганда юқорида кўрсатилган белгиларни барчаси акс этади.

Баъзи ҳақиқий печать оттискасини намлаб, фотоқоғозни эмульсия томонига кўчириб, ундан қалбаки ҳужжатга босиш йўли билан ҳам тайёрлайдилар.

Бу ҳолда оттиск ноаниқ бўлиб, ундаги ёзувларни ўқиб бўлмайди, оттискадаги бўёқ суркалиб, ҳарфлар икки чизикли шаклга киради. Бу усулда жинойтчи силлиқ қоғоздан, картондан ҳам фойдаланиб копировка қилади. Бунда кўрсатилган белги ва ҳужжатладаги ўзгаришлар мавжуд бўлади.

Қалбаки штамп ва муҳр оттискаларини текширишда (экспертиза ўтказишда) уларнинг ҳақиқий асл нусхаси муҳр ва штампларнинг нусхалари билан таққосланади ва улар орасида фарқ қилувчи белгилар асосида қай усулда қалбакилаштирилгани аниқланади. Муҳр ва штамп ичидаги ёзувдан ҳам дастхат белгилари асосида ёзган (қалбакилаштирилган) шахсни аниқлаш мумкин бўлади.

Ҳужжатларни техникавий усулда тадқиқот қилиш методларидан бири ҳужжат материални ҳам текширишдир. Ёзув қуроли бўёқнинг сифати, қўлланилган қалам, ручка, елим ва ҳ.к. ларни аниқлаш билан бир қаторда, ҳужжат қандай материалда (қоғознинг сифати, группаси) бажарилганлигини ҳам аниқлашга тўғри келади. Бундай экспертиза ҳужжат йиртилган-у, сўнгра елим билан ёпиштириб тикланганми ёки бўлак-бўлак бўлган ҳужжатларнинг қисмлари бир бутунни ташкил қилганми деган масалани ҳал қилишда

ўтказилади.

Далилий ашё бўлган қалбакилаштирилган ҳужжатни экспертизага юборишдан аввал уни кўздан кечириб баённомада расмийлаштирилиши лозим.

Баённомада ҳужжатнинг номи, номери ёзилган (берилган) вақти, хусусияти ва бошқа реквизитлари кўрсатилади. Сўнг ҳужжатдаги турли ўзгаришлар қўшимча ва қалбакилаштирилганлигидан дарак берувчи бошқа белгилар кўрсатилади.

Агар ҳужжатнинг номи, номери ва ёзилиш вақтлари кўрсатилмаган, бўлса (масалан, қисқа икки-уч сўздан иборат хат) баённомада, шунингдек экспертиза тайинлаш ҳақида тузилган қарор ёки ажримда унинг бошланиш ва охириги сўларини келтириб номлаш керак. Мисол: «Салом Ваня...», -деган сўлар билан бошланиб. «хайр, дўстинг К» - деган сўзлар билан тугалланган хат деб ёзиш мумкин.

Хат ва имзо нусхалари сифатида экспертизага юбориладиган ҳужжатларни ҳам шу тариқа номлаш мумкин.

Қалбакилаштирилган ҳужжатларни экспертизага юборишда қуйидаги вазифаларни ҳал қилиши мумкин: ҳужжатнинг қайси қисми қалбакилаштирилган, асл нусхасини расмийлаштирилгандаги матнига ўзгартишлар киритилганми, қалбакилаштириш усули, аввалги йўқотилган, заҳардор ёзиқларни тиклаш, қалбакилаштириш ким томонидан содир қилинган. Кўрсатилган масалалар билан бир қаторда ёзув машинкасига оид ва муҳр-штампларнинг нусхалари-акслари қалбаки эмасми деган саволлар ҳам ҳал қилинади.

Мавзу: Трасология (изшунослик) ва трасологик экспертизасининг турлари

1. Трасология тушунчаси изларнинг класификацияси
2. Трасологик экспертиза турлари

.

1 - § Трасологиянинг тушунчаси, изларнинг класификацияси

Излар қадим замонлардан бери жиноятни очиш ва тергашда фойдаланиб келинган. Излардан далил сифатида фойдаланганлик тўғрисида, ҳатто “Русь ҳақиқати”, “Солиқ ҳақиқати”, “Мону қонунларида” ҳам ёзилиб ўтган. Лекин излардан ўша даврда ҳали том маънода фойдаланганлар.

Трасология сўзининг ўзи излар ҳақида таълимот деган маънони англатади. Трасология сўзи французча “ла трас”, яъни изшунослик деган маънони англатади.

Излар ҳақидаги илмий таълимот соҳасида Потаповнинг берган фикри муҳим аҳамиятга эгадир. Унинг фикрича излар бу жиноятни тергаш билан бевосита боғлиқ бўлган кўринишларнинг моддий предметларда акс этишидир. Бу таълимотни кейинчалик Б.И.Шевченко илмий жиҳатдан тўлароқ баён этди ва бу билан трасологиянинг чегарасини белгилаб берди. У трасологияни криминалистика техникасининг бир қисми ҳисоблаб изларни моддий объектларнинг ташқи тузилиш аксидир деган фикрини берди.

Шундай қилиб, трасология бу - изларнинг ҳосил бўлиш механизмини, из ҳосил қилувчи объектларнинг гуруҳ ва индивидуал мансублигини аниқлаш, изларнинг аксини қидириб топиш, қайд этиш ва текшириш учун қўлланиладиган илмий-техника воситалари ва методларини ишлаб чиқувчи криминалистика техникасининг бир тармоғидир.

Изларни ҳосил бўлиш механизми тўғрисида гапирсак, объектларнинг индивидуаллиги тўғрисида. Из қолдирувчи объектлар қандай хусусиятга эга бўлмасин у фақат ўзига индивидуаллиги ва ўзига хос хусусий белгиларига эга. Ана шу хусусий белгиларини бир объект иккинчи объект билан ўзаро контакта бўлган вақтда қолдиради, натижада из ҳосил бўлади. Изларнинг класификацияси бор ва улар қуйидагилардан иборат:

1. Келиб чиқиш манбаи бўйича:

- ботик излар;

- юзаки излар;

2. Ҳосил бўлиш механизми бўйича:

- статик излар;

- динамик излар;

3. Изларнинг учинчи объект ҳисобидан ҳосил бўлишига қараб:

- локал излар;

- периферик излар.

Шу изларнинг ҳосил бўлишида албатта иккита объект иштирок этиши шарт. Яъни, из қолдирувчи (ҳосил қилувчи) ва из қабул қилиб олувчи объект. Шунинг билан бирга изларнинг турлари ҳам бор.

2. Изларни топиш, қайд этиш ва олишнинг умумий қоидалари. Изларни қайд этиш ва олиш ўрнатилган талаблар асосида амалга оширилиши керак. Изларнинг қайд қилиниши асосан икки усулда олиб борилади:

1. Тергов ҳаракатлари баённомасида қайд этиш усулида (ЎзР ЖПК - 90-91).

2. Фотографик ва криминалистик усулда.

Баённомада:

- из топилган предметнинг номи;

- шу предметнинг қаеридан, қандай усулда ва қандай техник воситалар ёрдамида ушбу излар топилганлиги;

- изларнинг тури, сони;

- изларнинг размери, аниқ ифода этилган хусусиятлари;

- излар қандай усулда қайд этилганлиги ва олинганлиги баённомага қандай кўринишда илова этилганлиги;

- изларнинг схематик тасвири қайд этилади.

Фотографик усулда қайд этиш ўлчовлик методи асосида муфассал деталлик суратга олиш йўли билан қайд этилади. Фотографик усулда қайд этилиши ва изларнинг схематик тасвири баённомага қўшимча қайд этиш усули бўлиб ҳисобланади.

Механик усулда изларни қайд этиш асосан уларни гипс ёрдамида қуйма нусхалар (ботик излардан) олиш, юзаки излардан эса из кўчириб олувчи материалларга уларнинг нусхасини тушириб олишдан иборат.

Агар из қабул қолган объектнинг ўзини из билан биргаликда олиш имконияти бўлмаса ушбу усулдан фойдаланилади. Шунинг учун излардан нусхалар кўчириб олишда унинг ҳар бир катта кичик элементларини максимал даражада аниқ ва равшан қилиб кўчириб олиш зарур.

Трасологияда умуман имкони борица из қабул қилган объектнинг ўзини олган маъқул. Имкони бўлмаган тақдирдагина юқорида қайд этилган усуллардан фойдаланилади. Из қабул қолган объектдан нусха олишда моддий зарар келтирмаслик чорасини кўриш лозим.

Из қабул қилган объектни ёки унинг бир қисмини олиб кетишганда унинг асл ҳолати қайси шарт-шароитда олинганини баённомада батафсил ёзиш лозим.

Из тушган объектни олиб кетишда унга бирор ўзгариш, ташқи таъсир қилмаслигини таъминлайдиган қилиб жойлаштирилиши лозим. Даставвал изга нисбатан бирор усул қўлланишидан олдин изни тайёрлаш, яъни издан ҳар четдан келиб тушган нарсаларни (барг, чуп ва ҳакозолар) олиб ташлаш керак. Ботик излар агар сув билан тўлган бўлса, сувни резина сўргичи ёки қоғоз сўргич ёрдамида олинади. Агар ботик излар саёз, яъни унчалик чуқур бўлмаса, изнинг қолипи керакли даражадаги калинликда бўлиши учун из атрофига деворча айлантирилади.

Изларни техникавий мустаҳкамлашнинг тўртта асосий усули мавжуд:

1. Фотографик суратга олиш;
2. Изларни из олиб қолган объектни сатҳини ўзида мустаҳкамлаш.
3. Ҳажмли (ботик) излардан кўчирма қолиплар олиш ;
4. Юзаки излардан кўчирма нусхалар олиш усули.

1. Фотографик усул. Биз илгари параграфда айтиб ўтганимиздек, изларнинг асл ҳолатига ҳеч қандай ўзгариш киритилмасдан унинг тасвири тушириб олинади. Шунинг учун ҳар қандай ҳолатда изни даставвал суратга олиш керак.

Изларни суратга олишда стереоскопик, панорама, масштабни ва йирик масштаблик усулларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Изнинг характериға қараб конкрет ва соялантирувчи нур бериш.

2. Изларни ўз жойида мустаҳкамлаш. Кўпинча из майда ва ўзаро яхши жипсланмаган заррачали объектларда қолади (масалан, кум, ун, цемент, курук тупроқ ва шу кабиларда).

Шу туфайли бу изларни олиш ёки улардан нусхалар кўчириш мумкин бўлмайди. Чунки бу заррачалар тарқалиб кетиб из шаклини бузиб юборади. Бундай ҳолларда илгариги изни вақтинчалик қотириб, ундан нусха кўчириб олинади. Лекин из бор объектнинг ўзини олиб кетиш, ишга далилий ашё сифатида қўшиши жуда катта қийинчилик туғдирганлиги туфайли ҳозир изни перхлорвинил смоласи билан мустаҳкамлаш усули ишлаб чиқилди. Бу усулда сочилиб кетувчи нарсалар, ўзига пуркалган перхлорвинил смоласини аста-секин шимиб олиб, майда заррачалар бир-бири билан қаттиқ ёпиша бошлайди. Натижада улар бир бутун қаттиқ объектга айланади. Сўнгра изли объектни олиш, жиноят ишига қўшиш имконияти туғилади.

Бундай изларни мустаҳкамлаш учун ацетонда 6-8 фоизли прехловиниллик эритма тайёрланади ва пульверизатор орқали пуркалади. Тахминан 20-50 минутлардан сўнг кетади. Шундан сўнг изни кўчириб олиш мумкин.

3. Ҳажмли излардан нусха олиш. Агарда изни қабул қилувчи объект билан бирга олиш имконити бўлмаса, у ҳолда изнинг шаклини, ҳажмини ҳамда рельефлардаги хусусиятларини максимал даражада аниқ ва тўғри акс эттирадиган кўчирма нусха олиш зарур бўлади. Бу нусха бир неча усуллар билан олинади:

а) ҳажмли излардан нусха олишда гипсдан фойдаланиш мумкин. Гипсдан қаттиқ ва юмшоқ юзаларда (кумда) қорда қолган ҳажмли изларни олиш учун фойдаланилади. Гипс сувда қаймоқ суюқлигида қорилиб изга қўйилади ва тахминан об-ҳаво вақтига қараб тегишли вақтда кетади, уни олгандан кейин турли лой ва бошқа предметлардан тозаланади. Иккинчи усули қатламлаш дейилади. Бунда курук гипс намланган из устида бир қатлам қилиб сепилади, гипс бир оз қотгандан сўнг иккинчи қатлам сепилади ва шу тариқа исталган қалинлик ҳосил қилиниб олинади;

б) сўнгги вақтларда излардан нусхалар олишда янги кимёвий материаллардан фойдаланила бошланади. Бу материаллардан бири полимер ҳисобланади. Бу полимер силикон паста “К” номи билан юргизилади. Паста “К” - ярим қурувчан, кул ранг, ҳар қандай юзада яхши жойланадиган хусусиятга эга. Паста “К” нинг қўйилиб қолишини тезлатиш мақсадида унга юз қисм пастага 7-10 қисм 18 проц. Катализатор К-18 билан излардан аниқ ва ўзгармаган ҳолда микрорельфли нусха кўчириб олиш мумкин.

Компаунд исталган рангга бўялиши мумкин. Бунинг учун унга ҳар қил химиявий қотишмалар аралаштирилади. Масалан, қора ранг олиш учун қурум, оқ ранг олиш учун рух оксиди қўшилади ва ҳакозо;

в) айрим ҳажмли излардан нусхалар олишда пластилидан ҳам фойдаланиши мумкин. Аммо пластилинда ёпишиб қолиш хусусияти бўлган учун уни глицерин ёки вазелин билан юмшатиб унга эгиловчан сифат берилади, ундан кейин издан нусха кўчириб олинади.

3-§. Қўл бармоқ излари

Трасология объектлари ичида қўл изи ўзининг бир қатор хусусиятлари билан алоҳида аҳамиятга эга. Жиноят ишларини тергаш жараёнида қўл изларининг содир бўлиш механизми ва унинг устида иш олиб боришнинг аниқ ва қулай шакллар вужудга келганлиги туфайли қўл изларини ўрганиш алоҳида хусусиятлари ва улардан қолувчи излардан шахсларнинг шахсини аниқлаш имкониятлари мавжудлиги трасологияда муҳим роль ўйнайди.

Қўл изларининг трасологик тавсифномаси қўлнинг бармоқ учларидаги тур тузилиши ва ундаги папилляр чизиқлар ҳар бир инсоннинг ўзигагина хос. Бундай белгилар бошқа шахсда қайтарилмайди, ҳатто бир кишининг бармоқларидаги ушбу папилляр чизиқлар иккинчи шахснинг бармоқ изларида бўлмайди.

Бармоқдаги папилляр чизиқ шаклининг хусусиятларидан яна бири унинг ўзгармас ва индивидуаллигидадир. Инсонга тери пайдо бўла бошлаганда ташкил топган папилляр чизиқлар одам ўлганга қадар сақланиб қолади.

Агарда тери бир нарсанинг таъсирида куйиб қолса ёки ишқаланса (албатта қаттиқ жароҳатланиш бундан мустасно) тери ўсиб чиқиши билан яна уша эски пипиляр шаклида қайта тикланади.

Қўлнинг кафт қисмидан қолган изидан уни қолдирган шахснинг ўзини аниқлаш мумкин. Айниқса бармоқларнинг, тирноқ бўғинининг кафт қисмида қолган излар аниқ ва хатосиз бўлади. Чунки инсон қўл билан бирон иш қилганда аксарият ҳолларда бармоқ билан бажаради. Бармоқдаги папилляр чизик ушбу чизикларнинг оқими асосида ҳосил бўлади ва чизиклар куйидаги уч оқимни ташкил қилади.

1. Каштанинг ички шаклини чизиб борувчи чизиклар оқими.

2. Ички шаклнинг ташқари қисмини ташкил қилувчи, яъни ён атрофдаги чизиклар оқими.

3. Каштанинг базис чизиклари.

Бу чизиклар марказий шаклни бармоқдаги бўғин чизикдан ажратиб турувчи чизиклардир.

Каштанинг марказий чизиклар оқимининг атроф чизиклар оқими билан учратадиган жойи дельта деб номланади.

Изларнинг классификацияси, асосан кашта чизикларининг неча оқимдан иборатлигига ва бу оқимларнинг йўналиш шаклига қараб белгиланади. Бармоқдаги папилляр чизиклар оқимининг йўналишидаги мураккаблигига қараб уч турга: ёйсимон, сиртмоқсимон ва айлана шаклидаги чизикларга бўлинади.

Ёйсимон чизиклар асосан икки оқимдаги папилляр чизиклар бир томондан келиб кўтарилиб айлана ҳосил қилиб, қарама-қарши томонга йўналади.

Сиртмоқсимон каштада чизиклар уч оқимдан иборат бўлиб, ички оқимдаги икки ёки бир неча чизик каштанинг марказида сиртмоқ ташкил этади ва оқим эса яна қайта ўз томонига йўналади.

Сиртмоқ ҳосил қилган чизиклар оқимининг оғиши бош бармоқ томони бўйича йўналса, сиртмоқдаги каштанинг радиал формаси, агар оғиш жимжилоқ томон бўлса, улинар формаси деб аталади. Каштадаги сиртмоқларнинг ўзи оддий, берк, яримта ва букилган формаларда бўлади.

Каштадаги сиртмоқ ҳосил қилган папилляр чизикларнинг ҳар уч оқими бири-бирига яқинлашган жойда дельта деб номланувчи учбурчак ҳосил бўлади.

Айланасимон папилляр чизиклар турли шаклдаги айлана доиралардан ташкил топган бўлиб ҳар иккала томонида иккитадан дельтаси бўлади. Ушбу дельталарнинг ўзаро муносабати асосида формулалар чиқазилади.

4-§. Оёқ ва пойафзал излари.

Пойафзал, оёқ ва пайпоқлардан қолган излар трасологик текширишнинг объектлари бўлиб ҳисобланади. Бу излар ҳажмли ва юзаки кўринишда бўлади.

Оёқлардан қоладиган ҳажмли излар кўпроқ идентификация қилишга яроқли бўлади. Улар кўпинча бўш тупроқда, қорда ёки нам қумларда қолиши мумкин. Уларни ўргана туриб биз фақатгина пойафзалларнинг шакли ва размерини аниқлаб қолмасдан, балки изларда акс эттирилган баъзи характерли хусусиятларга қараб шахснинг айнан ўзилигини аниқлашга имконига эга бўлинади. Оёқ излари асосан юрганда, сакраганда ёки чопганда ҳосил бўлади. Унинг учун ҳам уларнинг ҳосил бўлиш механизми одатда ҳосил бўладиган статик излардан бирмунча фарқ қилади.

Юзаки оёқ излари - қаттиқ объектларда қолади. Бундай изларнинг идентификацион белгилари аниқ бўлмаса-да бироқ бу излар орқали оёқ изларининг шакли ва ҳажмини аниқлаб олиш мумкин бўлади.

Текшириш учун яроқли бўлган динамик излар ҳодиса содир бўлган жойларда қолиши мумкин. Чунки пойафзалларнинг тагчарми қаттиқ ва юмшоқ материаллардан қилинган бўлганлиги учун сирғаниш натижасида қолган изларда уларнинг идентификацион хусусиятлари яхши акс эттирилмайди. Бироқ, тагчарм ва пойафзалларнинг пошна қисмларининг сирғаниши натижасида изларда пойафзалда қоқилган мих ва тақалардан излар қолган бўлса, бундай вақтларда объектларни идентификация қилиш мумкин бўлади.

Оёқ излари яхши кўриниш хусусиятига эга бўлганлиги сабабли уларни топиш учун махсус усулларни қўллашга зарурат туғилмайи. Бундан

терлаган яланг оёқ излари мустаснодир. Бундай излар кўл изларини топишда қандай усуллар қўлланса бунда ҳам худди шундай усуллар қўлланади, яъни турли ёруғликлар бериш йўли билан ёки турли бурчакдан кўриш усули билан топиш мумкин. Бундай изларни топиш учун тер ва майдон қолган излар турли дағал нарсалар билан аралашиб кетган бўлиши мумкин, унда майда излар йўқ бўлиб қолади ва кейинчалик бундай изларни идентификация қилиш мумкин бўлмай қолиши мумкин.

Йод буғи билан чанглантриш усули ҳам бундай вақтларда яхши натижалар бермайди. Баъзи вақтларда нингидриндан фойдаланиш ижобий натижа бериши мумкин

Пойафзаллардан қолган изларга қараб уларнинг тагчарм қисмининг тузилиши, пошнаси, тагчармидаги алоҳидаги шакллар ва размери, тагчарм юзасининг тузилиши (силлик, кашталиқ), шунингдек тагчармнинг пояфзалга тикилиш усуллари тўғрисида мулоҳаза юритиш мумкин. Бу белгиларнинг умумий йиғиндиси пояфзалнинг размери тўғрисида аниқ хулоса юритиш имкониятини бериши мумкин.

Яланг оёқдан қолган изларни текшириш билан унинг шакли ва размери, агар изда бармоқ излари ҳам аниқ акс этган бўлса уларнинг шакли ва ҳажми тўғрисида хулоса чиқазиш имкони туғилади. Шу нарсани назарда тутмоқ керакки, ҳаракат вақтида бармоқлар бир мунча ёйилиб кетади ва уларнинг акси юрмасдан турган вақтда қолдирган изга нисбатан узунроқ ва энлироқ бўлади. Яланг оёқ изларининг умумий тузилишидаги характерли белгиларидан бири оёқ юзасининг баландлиги ҳисобланади. Оёқ юзаси анча баланда бўлса, қолдирилган изнинг ўрта қисмида шунчалик қисқа йўл қолади. Қолдирилган йўл қанчалик қисқа бўлса, оёқнинг юзаки қисми шунчалик баланд бўлади. Агар оёқнинг юзаси баланд бўлса, юзаки изларда изнинг ўрта қисми умуман акс эттирилмаслиги ҳам мумкин, из эса икки қисмга бўлиниб қолиши мумкин. Аксинча юзаси паст оёқлар энли йўл қолдиради. Ҳатто айрим вақтларда оёқнинг кенг қисмидан ҳам энли бўлиши мумкин.

Яланг оёқ ва пояфзаллардан қолган излар кўпинча сураатда фотографик усулда ва қайд этиш билан расмийлаштирилади.

Яланг оёқ изларининг узунлиги изнинг ўқи бўйлаб, товондан то катта бармоқ учигача бўлган масофада ўлчанади. Оёқнинг товон ва кафт қисмларининг эни, уларнинг энг кенг жойидан оёқ юзасининг эни ва энг қисқа жойидан ўлчанади.

Пойафзаллардан қолган изларнинг узунлигини аниқлаш учун пояфзал тагчармининг энг четидан то учигача ўлчанади. Тагчарм узунлиги, изнинг ўқи бўйлаб, тагчарм эни - энг кенг жойидан ўрта қисми энг қисқа жойидан, пошна қисмининг эни энг кенг жойидан ва пошна қисмининг узунлиги из ўқи бўйлаб ўлчанади.

Агар пояфзал пошнаси бўш ерларда ўзининг ботик шаклдаги аксини қолдирган бўлса, унинг баландлиги ҳам ўлчанади.

Агар излар ҳажмли бўлса, уларнинг баландлиги ҳам ўлчанади. Агар излар ҳажмли бўлса, уларнинг умумий узунлиги ва айрим қисмлари изнинг юзасига нисбатан чизиклар орқали ўлчанади.

Яланг оёқ изларининг умумий узунлиги товон қисмининг охиригача четидан то бармоқнинг тирноғигача бўлган масофада ўлчанади. Яланг оёқ изларининг айрим қисмлари ҳам худди пояфзал излари сингари ўлчанади.

Ҳодиса жойида бир неча оёқ излари топилган тақдирда улардан биттаси ўлчаниб қолмасдан барчаси ўлчаниши зарур. Бу ерда излар “йўлча”си ҳосил бўлади ва уларни суратга олиниб кейин масшабли режага кўчирилади. Излар “йўлчаларининг” қуйидаги характерли элементлари яъни юриш чизиклари, қадамнинг узунлиги ва эни, қадам бурчаги, товоннинг буриш бурчаги бўлади. Бу ҳолатлар тўлиқ ёзилиши шарт.

Бу элементларнинг ҳаммаси из “йўлча”си орқали аниқланади. Якка излар ва из “йўлча”лари орқали пояфзалнинг размери тўғрисида бирон фикрга келиш мумкин. Пойафзал размерларини аниқлаш шартли бирликларда штихлар билан ифодаланади. Бир штих 6,67 мм га тенг. Пойафзалнинг ҳажми қолип ҳажмига тенг келади. Қолип узунлиги пояфзалдан тахминан 10-15 мм қисқа бўлади. Пойафзал ҳажмини топиш учун оёқ изларини ўлчаганда аввал изнинг узунлигидан 10-10-15 мм олиб ташлашдан қолган раҳамни 6,67 га тақсимлаш керак.

Пойафзалнинг размерини топиш учун куйидаги тадбирлар бажарилиши керак:

- а) изнинг узунлигини ўлчаш;
- б) топилган сондан 10-15 мм олиш
- в) қолган сонни 6,67 га бўлиш керак.

Масалан: изнинг узунлиги 28 см (280) мм.

280-10 қ 270, 270 : 6,67 қ 40.

Шундай қилиб, қолдирилган из тахминан 40 размерли пойафзал дейиш мумкин.

Пойафзал изига қараб кишининг бўйини тахминан топиш мумкин, чунки киши бўйи пойафзал изидан 6-7 марта узун бўлади.

Агар из тўлиқ қолмасдан, оёқ кафти товон қисмлари аниқ акс эттирилган бўлса, одамнинг бўйи тўғрисида бирон фикрга келиш мумкин. Изнинг тўла узунлигини топиш учун оёқ кафт қисмининг энини 2,7 ёки оёқ товон қисмининг эни 3,9 га кўпайтириш керак. Масалан: оёқ кафт қисмининг эни 9,2 см га тенг. Изнинг тўлиқ узунлиги: 9,2 X 2,7 қ 24,84 см.

Юзасиз оёқ изларини топиш ва олиш. Дикқат билан кўздан кечирилган вақтда ҳажмли оёқ изларини топиш юзаси кўзга кўринмайдиган ёки кам кўринадиган изларга нисбатан осонроқдир. Терлаган яланг оёқка лой, тупроқ ёпишган бўлса, бу излар кўзга яхши ташланиб туради. Агар улар бўлмаса, изни топиш қийинчилик туғдириши мумкин. Оёқ изларида қўл изларидаги сингари ёғ моддалари кам бўлади, шунинг учун ҳам бундай изларни порошок ёки йод ёрдамида олиш мумкин бўлмайди. Уларни махсус ёруғликлар бериш йўли билан нусха олиш учун махсус тайёрланган фотоқоғозлар, плёнкалар ва “К-18” пастасидан фойдаланиш асосида қайд этиш мумкин.

Ҳажмли оёқ изларидан нусхалар олиш. Ҳажмли оёқ изларидан нусхалар олиш учун гипсдан фойдаланилади. Гипсли нусха олиш учун куруқ ва яхши бирикадиган майда гипс бўлиши керак. Гипс суюқлиги тайёрлангандан кейин оёқ изларига икки хил усулда қуйилади. Биринчи қуйилишда из яримгача тўлдирилиб, устидан гипс нусханинг мустаҳкам ва жипслиги учун турли чўплар қуйилиб из туширилади, ундан кейин иккинчи

марта гипс қуйилиб из тўлдирилади. Шунинг назарда тутмоқ керакки, гипс суюқлигини изга қуйишда изнинг чет қисмлари ағанаб тушиб кетиши мумкин. Шунинг учун гипс суюқлигини тўғридан-тўғри изга қуймасдан четроқдаги тупроқ устига қуйилса, гипс ўзи секин оқиб изга тушади, бу эса изнинг ҳамма қисмларининг тўлиқ нусхага чиқишига имкон яратади.

Агар излар юмшоқ объектларда бўлиб гипс яроқсиз ҳолатга келиб қолиш хавфи туғилса, бундай изларга гипс қуйишдан аввал 6 процентли спиртда суюлтирилган шеллак қоришмаси (лак, сурғич, пластмасса), ацетон (2,5 процент)да эритилган целлюлоза ёрдамида изнинг юзаки қисмига пуркаш йўли билан қотирилиб, кейин гипслик нусха олинса мустаҳкам чиқади.

5-§. Бузиш қуролларидан қолган излар.

Криминалистика фанида бузиш деганда турли хил объектларга ва турар жойларга жинотячилар томонидан ҳар хил бузиш қуроллари ёрдамида бузиб кириш тушунилади.

Бузиш объектлари ўзларининг тузилиши ва хизмати жиҳатидан турли хилда бўлади. Масалан, қулф, девор, пол, шип, шкаф, сандиқ ва ҳ.к. бўлади.

Бузиш қуроллари сифатида жуда кўп предметлар бузиш учун махсус тайёрланган, шунингдек ёғоч ва тахта маҳсулотлари билан ишлайдиган асбоблардан тортиб то оддий (металл бўлаклари, тош, турли темир ва ҳ.к.) асбобларгача бўлган қуроллар ишлатилади. Баъзи вақтларда бузиш қуроллари сифати автогенлар, электр пайвандлаш асбоблари ҳам ишлатилади.

Бузиш қуроллари изларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

а) кесилиш натижасида ҳосил бўладиган излар;

б) ишқаланиш ва сирғаниш натижасида ҳосил бўладиган излар кўпинча эшик ва деразаларни очишда, бузишда қолади. Эшик, деразаларни очиш ва бузишда улар ораларига қандайдир асбоб тикилади ёки мослама очқич билан қулфни очмоқчи бўлганда ўша объектларда мазкур қуроллардан турли, йўлсимон излар қолади;

г) кесишдан ҳосил бўладиган излар пичоқ, қайчи, теша, болта ва ҳ.к. қуроллардан қолади. Масалан арра, эгов ва шулар каби бузиш қуролларидан ҳажмли излар қолади. Жиноятчилар тусиқларни бузишда ёки очишда турли усулларидан фойдаланадилар. Биз шу усуллардан баъзиларини кўриб чиҳамиз.

Очқич (отмичка) - бу қулфларни очиш учун махсус тайёрланган мослама бўлиб улар мураккаб, ҳам жуда оддий усулда тайёрланган бўлиши мумкин. Очқичлардан фойдаланиб очилган қулфларда қоладиган изларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири унда ўткир қурол излари қолишидир. Очқични қул ичига солиб бураган вақтда қулфдаги қисмларда уларнинг ўткир қирраларидан тирналган излар қолиши, айрим деталлари синган ҳам бўлиши мумкин.

Омбур - бу уйни ички томонидан тикиб қўйилган калитни очишга мослантирилган учи узун, кертик тишли мосламадир. Бундай асбобдан фойдаланиш унинг ички томонидан қулфга солиб қўйилган калитни бошқа томондан туриб учидан тишланиб, қулфни очиш ёки калитни уйнинг ички томонига туртиб юбориб, махсус очқич билан очиш имкониятини беради.

Бундай асбобдан калитда статик излар қолади. Эшикларнинг ичига ўрнатилган қулфларни очишда қулфнинг тилини суриш учун ишатиладиган асбоблардан ҳам фойдаланилади. Масалан: искана, пичоқ учи. Яссиланган ломлар ёки металл парчалари ва ҳ.к. шундай асбоблар жумласидандир. Бундай вақтларда бузиш қуроли эшик орасига киритилади, қулфларнинг тили қулф ичига сурилиб эшик очилади.

Кесилиш натижасида бузиш қуролларидан объектларда икки томонлама из қолади. Қурол эшик оралиғига киритилган вақтда эшикнинг ўзида ҳамда тўсинида из қолиши мумкин. Бундай излардан айниқса бузиш қуролининг учидан қолган излардан, қурол учни қисмини группа масублигини, шаклини, размери, баъзи вақтларда ҳатто уларнинг гуруҳ мансубиғи ва айнан ўзилигини аниқлаш ҳам мумкин.

Бузиш объектлари икки гуруҳга: қулфларга ва бино тўсиқларига бўлиб ўрганилади.

Кулфни бузиш ёки синдириш деганда уни қисман ёки тулиқ яроқсиз ҳолатга олиб келтирилишига айтилади. Кулфлар асосан икки турга: ички ва осма кулфларга бўлинади.

Ички кулфларни синдириш тажрибада кам учрайди, чунки бунинг учун аввало кулф ўрнатилган объектларни ёки эшик ва ромбаларни бузишга тўғри келади. Осма кулфларни синдириш ёки бузиш эса тажрибада кўпроқ учраб туради. Осма кулфлар кўпинча кулфни объектдан юлиб олиш, кесиб олиш ёки унинг ҳалқасини арралаш, эговлаш йўли билан бузилади ёки синдирилади.

Кулфни объектдан юлиб ёки суғириб олинганда объектда бузиш қуролининг учидан ҳажмли излар қолади. Баъзи вақтларда излар кулфнинг ташқи қисмида ҳам қолиши мумкин. Кулфлар кўп ҳолларда унинг ҳалқасини кучли ўткир қайчилар билан қирқиш йўли билан бузилади. Кесиш натижасида ҳалқада қайчининг излари қолса, арралаш натижасида эса қандай турдаги арралаш асбобларидан фойдаланилганлигини билдирувчи из белгилари қолади. Арралаш изларидан фақат фойдаланилган қуролнинг тури, арралашнинг ҳаракат томонлари, арра тишининг қалинлиги ва бошқа белгиларини аниқлаб олиш мумкин. Арралаш вақтида ҳодиса жойида арралашдан чиққан қипиқлар ва синган кулф ҳалқасининг бўлакчалари қолади. Объектларни кўздан кечиришга бундай ҳолатларга алоҳида аҳамият бериш зарур бўлади. Айрим вақтларда, гумондор шахсларнинг оёқ кийимлари ва тирноқ тагидан металл қипиқлари топилиши мумкин. Мободо улар ҳодиса жойидан топилган қипиқлар билан бир хил деб топилса, жиноятни очиш учун катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Бундан ташқари кулфларни кўздан кечиришда қуйидаги ҳолатларни, яъни кулфнинг ётган жойини, турларини, эни ва узунлигини ташқи тузилиш ҳолатини, ундаги изларни, бузиш қуролларидан қолган изларнинг шакллари, размери ва ҳ.к. аниқлаб олиш зарур бўлади.

Буларни ҳаммаси объектларни бузишда жиноятчилар томонидан қўлланилган усулларни аниқлашда муҳим роль ўйнаши мумкин.

Бино тўсиқларига деразалар, форточкалар, эшиклар, деворлар, шиплар, поллар киради. Буларни бузиш учун икки хил усул қўлланилади: ёки

махсус тайёрланган асбоблар ишлатилади, ёки объект бузиб, синдириб ташланади.

Биринчи усулдан кўпинча эшик, ром, стол, шкаф ва ҳ.к. ларни очишда фойдаланилади. Бу усул тўғрисида юқорида айтиб ўтилганлиги учун батафсил тўхталиб ўтирмаймиз. Бино тўсиқлари ва бошқа хил тўсиқларни ҳам тўлиқ ёки қисман бузиш мумкин.

Бундай тўсиқларни бузиш бир қанча кўринишда бўлиши мумкин. Шулардан баъзиларини кўриб чиқамиз:

а) тўсиқнинг бир қисмини қулф билан бирга кўчириб олиш учун аввало тўсиқнинг бир неча жойидан тешиб, кейин арра ёки бошқа қуроллар ёрдамида эшикнинг бир қисми қулф билан арралаб кесиб олинади. Тешиш ёки кесиш натижасида қолган излар ўзида бузиш қуроли тўғрисида камроқ маълумот қолдиради. Бундай излардан баъзи вақтларда фақат фойдаланилган асбобнинг турини аниқлаб олиш мумкин, холос;

б) бузиш объектида уни очиш мақсадида қўл сиғадиган биронта тешик ҳосил қилиб, бу тешик орқали қулфни уйнинг ички томонидан олиш мумкин. Тешик худди эшикни бир бўлакчасини қулф билан кўчириб олишда қўлланиладиган усулда тайёрланади;

в) бузиш объектини синдириб кириш учун объектнинг энг нозик жойидан ташки предмет ёрдамида ўйилади ёки уриб синдирилади. Масалан, эшикнинг фанерини тешиб ёки оғир предмет ёрдамида уриб синдириб кириш, девор, пол шипларини ҳам худди шу тарзда бузиб кириш мумкин. Пишиқ ғиштдан ясалган деворларни бузишда аввал бир дона ғишт уриб учириб юборилади, кейин лом, болта ва ҳ.к. қуроллар билан катта тешик очилади. Дераза ёки ойнада эшикларнинг ойнаси ойна кескич, олмослар ёрдамида кесилади. Ойнанинг овозини чиқазмаслик мақсадида ойнага пластръ ёки ёпишқоқ модда суркалган материаллар ёпиштирилади. Кесиб олиш вақтида ойна ерга тўкилиб кетмасдан тўлалигича пластръ билан бирга олинади.

Иложи бўлса бузиш қуролларидан қолган изларни объектнинг ўзи билан бирга олиш керак. Агар из қолган объектни кўчириб ёки кесиб олишнинг имконияти бўлмаса, улардан нусха олинади. Нусха олишда

пластилин, парафин, гипс, шунингдек, тиш қўйиш учун ишлатиладиган пластмассалардан фойдаланилади. Лекин бу материаллардан из қолдирган объектнинг тузилиши хусусиятларига қараб фойдаланиш керак. Масалан, сувни тез ўзига тортиб олувчи материалларга гипс ишлатиб бўлмайди. Бундай объектларга пластилин ишлатилгани маъқул. Агар изда турли ҳажмдаги чуқурликлар бўлса, бундай изларга ҳам гипс суюқлигини ишлатиб бўлмайди, чунки гипс издаги чуқурликларга борма қилиши мумкин. Бундай вақтларда пластилин ёки пластмассалардан фойдаланилса яхшироқ бўлади.

Фойдаланилаётган материалларнинг изга ёпишиб қолмаслиги учун изни турли ёғлар билан ёғлаш ёки порошоклар билан чанглатиш ярамайди. Чунки изнинг майда рельефлари текисланиб кетиши мумкин, ёғдан эса ёғоч объектлар шишиб қилиши мумкин. Ҳозирги вақтларда бузиш қуролларидан қолган ҳажмли излардан нусхалар олишда полимерлардан кенг фойдаланилмоқда. Улардан бири силикон пастаси “К-18”, “У-1”, “У-4” ҳисобланади. Бу материаллар ёрдамида изларнинг бузиш қуролларидан қолган излардан кўчирма нусхалар олинади.

6-§. Транспорт воситаларидан қоладиган излар.

Транспорт воситаларининг айрим қисмларидан ҳодиса жойида излар қилиши мумкин. Мана шу моддий изларга қараб транспортнинг ўзига ҳамда ундан фойдаланиш хусусиятларига тегишли бўлган ишларни текширишда бир қатор вазиятни аниқлаб олиш мумкин.

Тергов тажрибасида ғилдиракли транспортлар излари кўпроқ учрайди. Ер юзасининг хусусиятига қараб (тупроқ йўл, қаттиқ қопламли йўл) ботиқ ёки юзаси излар қилиши мумкин. Ботиқ из юмшоқ тупроқли йўлда ҳосил бўлади. Юзаки из қаттиқ қопламли йўлда ҳўлланган ёки лойланган ғилдиракдан ҳосил бўлади. Транспорт воситаларининг ғилдираклари тормоз берилганда динамик из ҳосил қилади.

Автотранспорт воситаларидан из ҳосил бўлиш механизми ўзига хос хусусиятига эга. Автотранспорт тўғри кетаётганда тўртта ғилдиракдан тўртта из қолмасдан фақат иккита из қолади, чунки олдинги ғилдиракларни

орқадаги ғилдирақлар қоплаб ўтади. Фақат бурилиш (қайрилиш) жойида ҳамма ғилдирақдан из қолади.

Юк ташувчи мотороллернинг ҳамма ғилдирағидан (улар тўғри йўлдан кетганда ҳам) из қолади, чунки уларнинг ғилдирақлари кетма-кет ўрнатилган эмас. Уч ўқли транспорт воситалари бурилиш жойида олдинги ва орқадаги ғилдирақларидан из қолдиради, чунки орқа ғилдирақлар ўрта ғилдирақларнинг айна устидан босиб ўтиб, битта из ҳосил қилади.

Транспорт воситаларининг гуруҳ мансублигини (тури, маркаси, модели) пневматик шина изларига қараб аниқлаш мумкин.

Протекторларнинг кашталари, эни ва ташқи диаметри шина моделини аниқлашда асосий кўрсаткич бўлиб хизмат қилади.

Кейинги вақтларда автотранспорт конструкциялари сонининг тобора ўсиб бориши туфайли уларнинг қолдирган изига қараб қайси груҳга мансублигини аниқлаш анча қийинчилик туғдириши мумкин. Шунинг учун ҳодиса жойини кўздан кечиришда зарур бўлган белгиларни тўғри ва тўла ифодалаш учун автомобиль техникаси соҳасида яхши билимга эга бўлган мутахассисларни таклиф этиш мақсадга мувофиқдир.

Ғилдирақли от-арава транспортларидан қоладиган излар. Бу турдаги транспортларнинг тузилиши ғилдирақларнинг сони, ғилдирақ ораларининг эни, диаметри ва ҳ.к. белгиларига қараб аниқланади. От-арава транспортларига ишлатилаётган шиналар, темир ғилдирақларининг тузилиши аниқланиб олиниши зарур. Бундай транспортларда пневматик шиналар, бутунлай резинадан қўйилган ғилдирақлар ва темир ғилдирақлар ишлатилиши мумкин.

Бундай транспортлардан қоладиган излар кўпинча статик изларга яқинроқ бўлади. Агар ғилдирақларнинг майда ташқи қисмлари изларда яхши акс эттирилган бўлса, бу турдаги транспортларнинг изларини индивидуал идентификация қилиш мумкин. Шиналарнинг сирғаниш натижасида ҳосил бўладиган динамик излари эластик бўлганлиги учун майда рельефлари из қабул қилиб олувчи объектларда тўла акс эттирилмайди. Шунинг учун бундай излар индивидуал идентификация учун яроқсиз бўлади.

Чанғилардан, чаналардан қоладиган излар. Бундай излар сирғаниш натижасида ҳосил бўлади. Шунинг учун бундай излар динамик излар каторига киради. Чананинг бурилишида ҳар иккала томонидан қолган излар ўртасидаги масофага қараб, яъни полосларнинг эъни ва профилларига қараб чаналарнинг турлари аниқланади.

Бундай белгиларни аниқлашда шуни назарда тутиш керакки, чана ва чанғилар ҳаракат вақтида четга қараб сирғаниши мумкин. Бундай вақтларда чана изларининг эни ва унинг полослари энига нисбатан энлироқ бўлади. Чана ва чанғи излари намлироқ қорларда яхши қолади. Музларда ёки қотиб қолган қорларда чана излари яхши акс эттирилмайди. Бундай вақтларда чана ва чанғиларни идентификация қилиш учун зарур бўлан белгилар тўла ифодаланмай қолади. Юмшоқ қорларда қолган чана ва чанғи изларининг яхши акс эттирилган белгиларига қараб уларнинг айнан ўзлигини аниқлаш мумкин.

Хайвон излари. Идентификация аҳамиятига эга булган хайвон изларидан асосийси отлардан қоладиган туёк ва така изларидир.

Туёк излари буш ва тез ёйилувчан бўлганлиги учун маълум вақт ўтгандан кейин ўзининг идентификацион хусусиятини йўқотиш мумкин. Бундан ташқари туёкларда аниқ кўзга ташланиб турадиган чегаралар бўлмайди ва туёқдан қоладиган майда рельефлар идентификация қилиш вақтигача ўзининг айрим белгиларини йўқотиш мумкин.

Тақалар ва кўпроқ идентификацион белгиларга эга. Такага қоқилган михлар ва уларнинг жойлашиш системаси отларнинг айнан ўзлигини аниқлаш имконини беради. Хайвон излари ҳам юзаки ва ботик (ҳажмли) бўлиши мумкин. Хайвон изларидан нусхалар олиш ва баённомада қайд қилиш ҳам юқорида кўрсатиб ўтилган усулларда бажарилади.

Транспорт воситаларидан қоладиган излардан нусхалар олиш трасология объектларини кўздан кечириш ва қайд қилишнинг умумий қоидаларига биноан амалга оширилади. Лекин бундай излардан нусхалар олишнинг специфик хусусиятларини кўрсатувчи айрим томонларига тўхталиб ўтиш лозим. Нусха олишга киришишдан автомобиль шиналари, чаналарнинг полослари ва чанғиларнинг сирғаниб юрадиган қисмларидан

қоладиган излар уларнинг тузилиши тўғрисида тўлароқ маълумот берадиган ва гуруҳ мансублигини аниқлашга имкон берадиган, кўзга аниқ кўриниб турадиган умумий белгиларини танлаб олиш керак. Агар шу белгиларнинг баъзилари ҳодиса содир бўлган жойнинг ҳар ер ҳар ерида қолдирилган бўлса, нусха шу жойларнинг ҳаммасидан олиниши зарур. Бундай жойларда ғилдирак излари топилмаса ёки топиш қийинчилик туғдирса, ғилдиракнинг тўлиқ бир айланиши ҳажмидаги издан нусха олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай вақтларда гипсдан фойдаланиш яхшироқ бўлади.

Олинадиган нусха жуда катта бўлиб кетмаслиги учун изларга гипс қўйишдан олдин бир неча бўлакка бўлиб, кейин гипс суюқлиги қўйилса яхши бўлади.

7-§. Изларни кўздан кечириш ва баённома тузиш.

Ҳодиса содир бўлган жойларни кўздан кечириш натижасида топилган барча изларни экспертизага юборишдан олдин уларни кўздан кечириб, баённомада қайд этиш зарур.

Баённома Ўзбекистон жиноят процессуал кодексининг 90-моддасига асосан тузилиб, унда топилган изнинг хусусияти тури ва индивидуал белгилари ёзилади.

Далилий ашёларни, изларни кўздан кечириш баённомаси уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда: ким томонидан қаерда ва қачон, қандай ҳодиса юзасидан, топилган изларнинг тури, ҳосил бўлиш механизми ва шу каби маълумотлар баён этилади. Кўздан кечириш қандай шароитда, қандай ёруғликда, қўлланилган оптик асбоблар ёрдамида ўтказилганлиги кўздан кечириш қачон бошланиб қачон тугаганлиги, кўздан кечириш иштирокчилари ёзилади.

Баённоманинг иккинчи қисмида кўздан кечириш натижалари акс эттирилади. Изнинг характери, размери, шакли, қандай предметда қолганлиги, унинг умумий белгилари тегишли тартибда ёзилади.

Терговчи изларни дастлабки кўздан кечиришда изларнинг ҳосил бўлиш механизми тўғрисида бир хулосага келиши, жиноятнинг содир этилиш ҳолатлари тўғрисида версиялар юритиб уларни текшириб кўриши мумкин.

Кўздан кечириш қандай илмий техникавий воситалар ишлатилганлиги, изларни кўчириб олиш ва мустаҳкамлаш усуллари ҳам тўла ёзилиши шарт. Изларни кўздан кечиришда улар масштаби усулда суратга олиниши, қандай фотоаппаратдан фойдаланилганлиги, қандай ёруғликда қандай усулда суратга олинганлиги баённомада қайд этилиши лозим, олиш методи кўрсатилади.

Баённоманинг учинчи якунловчи қисмида кўздан кечириш иштирокчилари томонидан тушган таклифлар, изоҳлар акс эттирилади. Зарур бўлган ҳолларда мутахассис ҳам қатнашади.

Махсус билимга эга бўлган мутахассис изларни тўғри упаковка қилинган, экспертизанинг қайси турини тайинлашга қандай саволлар қўйишга ёрдам бериши мумкин.

Бу қисмда қандай излардан нусхалар олинганлиги, ҳодиса жойидан далил сифатида нималар олинганлиги ёзилади.

Баённома барча иштирокчилар томонидан имзоланади.

Трасологик экспертизаси ҳал қиладиган масалалар.

Суд трасологик экспертизаси криминалистик экспертизасининг бир тури ҳисобланади. Трасологик экспертизаси ёрдамида турли-туман масалалар ҳал этилиши мумкин, шулардан энг муҳими из ҳосил қилувчи объектни унинг қолдирган изи бўйича индивидуал идентификация қилишдир. Суд-трасологик экспертизасининг объектлари бўлиб қўл, оёқ, бузиш қуроллари, транспорт воситалари ва ҳ.к. ташқи тузилишини ифода этувчи излар ташкил қилади.

Суд трасологик экспертизаси қуйидаги турларга бўлинади:

- дактилоскопик экспертиза;
- оёқ (пояфзал) излари бўйича ўтказиладиган экспертиза;
- бузиш қуроллари ва инструментлардан қоладиган излар бўйича ўтказиладиган экспертиза;
- транспорт воситаларидан қоладиган излар бўйича ўтказиладиган экспертиза;
- тишлардан қоладиган излар бўйича ўтказиладиган экспертиза;

- бўлақлардан бир бутунликни аниқлаш бўйича ўтказиладиган экспертиза.

Дактилоскопик экспертизасининг предмети бўлиб суд дактилоскопияси ва криминалистика техникаси соҳаларидаги махсус билимларига асосланиб ҳодиса жойида бармоқ изларини қолдирган шахсни, из ҳосил бўлган вақт ва шароитни аниқлаш ҳисобланади. Дактилоскопик экспертизасининг объектларига қуйидагилар киради:

- бармоқ излари қолдирилган предметлар ёки уларнинг қисмлари;
- кўзга кам кўринадиган бармоқ излари мавжуд бўлган предметлар;
- дактилоскопик плёнкага кўчириб олинган бармоқ излари;
- предметлардаги изларнинг масштаби усулда олинган фотосурати;
- ҳажмли бармоқ излардан олинган гипслик нусхаси;
- жиноий ишнинг бошқа материаллари (баённомалар, дастлабки экспертиза хулосаси);
- таққослаб текшириш учун гумонланувчининг бармоқларидан олинган нусхалар.

Оёқ (пояфзал) излари бўйича ўтказиладиган экспертизанинг предмети бўлиб ҳодиса жойида оёқ изини қолдирган шахс ва унинг айрим хусусиятларини (бўйи, ёши ва ҳ.к) аниқлаш ҳисобланади. Бу турдаги экспертизанинг объектлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- у ёки бу предметда юзаки қолдирилган оёқ изларидан дактилоскопик плёнкага кўчириб олинган нусалар;
- ҳажмли оёқ изларидан олинган гипслик нусхалар;
- оёқ излари олинган фотосурат;
- жиноий иш материаллари;
- гумонланувчидан олинган пояфзал;
- агар ҳодиса жойида пайпоқ изи топилган бўлса, гумонланувчидан олинган пайпоқлар;
- агар ҳодиса жойида яланг оёқ изи топилган бўлса, улардан гипслик нусхалар олинган бўлса, гумонланувчининг оёғидан олинган 2-3 экспериментал нусха;

Бузиш қуролларидан қоладиган излар бўйича ўтказиладиган экспертизасининг предмети бўлиб ҳодиса жойида қолдирилган излар бўйича бузиш қуроллари ва инструментларни идентификация қилиш, ҳамда суд трасологияси бўйича мавжуд бўлган махсус билимга асосланиб изларнинг ҳосил бўлиш механизмини аниқлаш ҳисобланади:

- бузиш қуроллари излари мавжуд бўлган предмет ёки унинг бир қисми;
- ҳодиса жойидан топилган излардан олинган нусха;
- из топилган предмет ва изнинг фотосурати;
- ҳодиса жойидан топилган ёки гумонланувчидан олинган бузиш қуроллари;
- ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси;

Транспорт воситаларидан қолдирилган излар бўйича ўтказиладиган экспертизанинг предмети бўлиб йўл транспорт ҳодисасида иштирок этган транспорт воситасини идентификация қилиш. Уни содир этиш ҳолатини ва суд трасологияси, суд автотехникаси бўйича махсус билимга асосланиб ҳодиса механизмини аниқлаш ҳисобланади. Экспертизанинг объектларига қуйидагилар киради:

- транспорт воситаси ёки унинг қисмлари;
- транспорт воситасининг ҳодиса жойидан топилган қисмлари (чайка, синган ойна бўлаклари ва ҳ.к.);
- одамни босиб кетиш жиноий ҳодисаси содир этилган бўлса, жабрланувчининг кийими;
- ҳодиса жойида мавжуд бўлган излардан олинган гипслик нусха;
- фотосуратлар;
- жиноий иш материаллари;
- текширилаётган транспорт воситасининг ғилдирагидан қоғоз ёки газмолга олинган нусхалари;
- ҳодиса жойидан топилган транспорт воситасидан синиб тушиб қолган бўлакчаларга ўхшаш бўлган гумон қилинган транспорт воситасидан олинган қисмлар.

Тишлардан қоладиган излар бўйича ўтказиладиган экспертизасининг предмети бўлиб суд трасологияси соҳасидаги махсус билимни қўллаш асосида ҳодиса жойидан топилган турли объектларда (жабрланувчининг танасида, озиқ-овкатларда, сигарета колдикларида ва х.з) қолдирилган тери излари орқали шахсни идентификация қилиш ҳисобланади. Экспертизанинг объектлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

-тиш излари мавжуд бўлган предмет агар у катта ҳажмда бўлса тиш изи бор қисми,

-тиш изидан олинган нусха,

-тиш излари олинган фотосурат,

- жиной иш материаллари;

- гумонланувчининг тишидан олинган экспериментал нусха;

Бўлаклардан бир бутунлиқни аниқлаш бўйича ўтказиладиган экспертизанинг предмети бўлиб ҳодиса жойидан топилган объект бўлакчаси бўйича ушбу объектнинг топилган бошқа бўлаклари асосида ушбу объектнинг бир бутунлигини аниқлаш ҳисобланади. Экспертиза объектлари бўлиб ҳодиса жойидан топилган бир жинсли предметга оид бўлган барча бўлакчалар ҳисобланади. М: йиртиб ташланган кулёзма бўлакчалари, бўлакчаб ташланган одам танаси ва х.з. бу бўлакчалар бир-бири билан таққослаб текширилиб бир объектга тегишли эканлиги аниқланади.

Суд трасологик экспертизаси ҳал этадиган масалаларни уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин.

1. Изларни ҳосил бўлиш механизмини аниқлаш бўйича ҳал этиладиган масалалар,

2. Объектларнинг гуруҳ мансублигини аниқлаш бўйича ҳал этиладиган масалалар,

3. Из қолдирган объектнинг индивидуал мансублигини аниқлаш бўйича ҳал этиладиган масалалар.

1. Изларнинг ҳосил бўлиш механизмини аниқлаш экспертизанинг мустақил вазифаси ҳисобланиб у из қолдирувчи ва из қабул қилиб олувчи объектларнинг ўзаро контактда бўлишлиқ характери тўғрисида гувоҳлик берувчи белгиларини ўрганиш орқали аниқланади. Изларнинг ҳосил бўлиш

механизмини кўрсатувчи белгиларини бевосита из мавжуд бўлган объектнинг ўзини текшириш ўрганиш орқали ҳал этилиши мумкин. Экспертизага текширилиши лозим бўлган объектлар билан бирга жиноий иш материалларини (баённома) фотосуратлар, режа, схемалар ҳам юборилганлиги мақсадга мувофиқдир.

2. Объектларнинг гуруҳ мансублигини аниқлаш экспертизага юборилган предметларнинг умумий белгиларини текшириш орқали эришилади.

3. Объектларнинг индивидуал мансублигини аниқлаш трасологик экспертизасининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бундай вазифани ҳал этишда экспертлар экспертизага юборилган ҳар иккала нусхадаги белгиларини солиштириб топшириб маълум хулосага келадилар ва идентификацион вазифани ҳал этадилар.

Суд трасологик экспертизасини ўтказиш учун барча материаллар тўплангандан кейин терговчи Ўз.Р.ЖПКнинг 180-моддасига асосан қарор чиқаради ва унда эксперт олдига қўйиладиган конкрет саволлар, экспертиза текширувига юборилади, материаллар кўрсатилади.

Барча материаллар эксперт ихтиёрига келиб тушгандан кейин, улар экспертиза ўтказишга яроқли ва етарли бўлса у экспертизани ўтказишга киришади. Экспертиза текшируви қуйидаги босқичлардан иборат.

1. Экспертизага келган объектлар ва эксперт олдига қўйилган саволлар билан танишиб чиқиш босқичи. Бу босқичда эксперт экспертизага юборилган материалларнинг тўлиқлигини текширади, унинг олдига қўйилган саволлар билан танишиб чиқади, агар қўйилган саволлар унинг махсус билими доирасидан четга чиққан бўлса экспертизага ўтказмайди.

2. Объектларни алоҳида-алоҳида текшириш босқичи. Бу босқичда эксперт текширишга юборилган объектларнинг ташқи тузилиш белгиларини ва уларнинг экспертиза ўтказишга яроқлилигини аниқлайди.

3. Солиштириб текшириш босқич. Бу босқич эксперт текширувининг асосий ва муҳим босқичи ҳисобланиб, унда текширилаётган изларнинг ўхшашлик ва фарқ қилувчи белгилари аниқланади ва улар баҳоланади.

4. Хулоса ёзиш ва уни баҳолаш.

Ҳозирги вақтда экспертларнинг ихтиёрида суд-трасологик экспертизасини ўтказиш учун зарур бўлган барча илмий-техникавий воситалар ва методлар мавжуддир. Экспертизани ўтказишда кўз билан кузатиш, микроскопик, фотографик, профилографик методлар кенг қўлланилмоқда. Трасологик объектларни текширишда ҳозирги вақтда электрон микроскоплар (РЭМ) дан ҳисоблаш техникавий воситалардан фойдаланилмоқда.

**Мавзу: Баллистика (отиш қуроллар юзасидан ўтказиладиган)
экспертиза**

Режа:

1. Баллистика тушунчаси ва текширув объектлари.
2. Ўт отиш дориларининг турлари ва ўқ-дорилар. Суд баллистика текшируви.
3. Отишдан қоладиган жароҳатлар, отиш масофаси, ўқнинг йўналиши масалаларини текшириш.
4. Портловчи моддаларни экспертизаси.
5. Савуқ қуролларнинг экспертизаси.

адабиётлар:

1. И.А.Каримов “Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” Т. 1997 й.
2. И.А.Каримов “Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари” Тошкент “Ўзбекистон” 2002 й.
3. Криминалистика дарслик. “Адолат” нашриёти. Тошкент 2003 й.
- 1,2-қисм проф.Абдумажидов Ғ.А, доц.А.Норбоев, доц.Р.А.Алимова ва бошқалар.

4. проф. М.Х.Рустамбоев, доц.А.Норбоев “Криминалистик схемалар” ўқув қўлланма
Т. ТДЮИ. 2002 й.
5. “Жиноят процесси” (махсус қисм) Дарслик. ТДЮИ. Ҳам муаллифликда.
Тошкент 2003 й.
6. Ўзбекистон Республикаси ЖПК. Тошкент 2001 й.
7. Ўзбекистон Республикаси ЖК. Тошкент 2001 й.
8. Криминалистик учебник. Москва 1999 г.
9. М.Б.Вандер. “Криминалистические экспертизы материалов, веществ и изделий”
Санки-Петербург. 2001 й.
10. Отахўжаев С, Алимова Р.А, “Суд экспертизасини ташкил қилиш ва ўтказиш масалалари”
Т. “Янги аср авлоди” 2002 й.
11. “Одородология нима” мақола Н.Шокиржонова, А.Баратов “Хаёт ва қонун”
журнали
2002 йил № 5-сон.
12. “Портловчи воситалар билан боғлиқ бўлган ҳодиса жойини кўздан кечириш, экспертиза
тайинлаш ва ўтказиш тартиби ” А.Норбоев, Т.Ахмедов. Тошкент 2005 й.

1-§ Баллистика тушунчаси ва текширув объектлари

Суд баллистикаси криминалистика техникасининг бир тармоғини ташкил қилиб, жиноят ҳодисаси билан боғлиқ бўлган ўқотар қуроллар, ўқ-дорилар, портлатиш моддалари, ўқ отишдан, портлатишдан ҳосил бўладиган ўзгаришлар, излар ва қолдиқ моддаларни текшириш билан шуғулланади.

Баллистика (грек тилида “балло” “отаман” сўзини билдиради) нинг асосий моҳиятини ўқ (сочма ўқлар)нинг қурол ичидаги ва ҳаводаги ҳаракатини ўрганиш ташкил этади.

Криминалистика баллистикасида ҳарбий баллистика ва техниканинг айрим таълимотларини, ҳозирги кун ютуқларини ўз вазифасига мослаштирилган ҳолда фойдаланилади. Баллистика соҳасига отиш қуролларининг тузилиши, турлари, отишдан ҳосил бўладиган ўзгаришлар, ўқ-дориларни (патрон, ўқ-гильзаларни) қайси қуролдан отилганлигини текшириш масалалари киради.

Криминалистик баллистика фанининг бошқа соҳалари, айниқса трасология билан чамбарчас боғлиқдир. Отишдан ҳосил бўладиган ўқ ва гильзалардаги изларнинг вужудга келиш механизмини ўрганиш ва текшириш, трасология назариясининг умумий илмий асосларига таянади.

Ўқ отишдан ҳосил бўладиган турли аломат ва жароҳатлар инсон танасида юз берса, улар суд-тиббиёт текширувига объект бўлиб ҳисобланади, бошқа тўсиқлардаги барча ўзгариш, жароҳатлар криминалистик баллистикаси соҳасига тегишлидир.

Криминалистик баллистикаси текширувига қуйидаги объектлар киради: ўқ-отар қурол, унга ўхшаш бўлган мослама ва ясама қуроллар, қуролнинг айрим қисмлари, отилган-отилмаган ҳарбий снарядлар, портловчи моддалар ва уларнинг қолдиқ заррачалари, отишдан ҳосил бўладиган турли тўсиқлардаги излар ва жароҳатлар, алоҳида отилган ўқ (снаряд), гильза, сочма ўқ доналари (дробь, картечь) ва бошқалар.

Ҳодиса жойидан, жабрланувчи танасидан топилган ва олинган ўқ-гильзалар билан бир қаторда, солиштириб текшириш учун экспериментал отишдан ҳосил қилинган ўқ ва гильза, порох қолдиқлари, сочма ўқ намуналари ҳам текширув объектлари қаторига киради.

Баллистик тадқиқот ўтказиш вазифаси қуйидаги масалаларни ўз ичига олади.

1. Классификацион масалалар, булар қуйидагилардир: ўқ-отар қуролларининг тузилиши бўйича турлари, уларнинг ҳар бир тури ёки гуруҳ мансублиги асосида тегишли бўлган ҳарбий қисмлари;

- отилган ўқ, гильза асосида қандай қуролдан отилганлигини (айнанлик ёки гуруҳ мансублигини) аниқлаш;

- отиш қуролларини, патрон, портловчи моддалар ва уларнинг қисмларини келиб чиқиш (ишлаб чиқиш) усулини аниқлаш;

- отиш қуролига ўхшаш объект буюмларининг отиш қуроли қаторига киритиш.

2. Диагностик масалалар:

- отиш қуролининг соз-носозлиги, отишга яроқли эканлиги ва қуролдан ўқ ўз-ўзидан отилиб кетиши мумкинлигини аниқлаш;

3. Идентификацион масалалар:

- отилган ўқ ва гильза аввал битта патронни ташкил қилганлигини аниқлаш;

- отилган ўқ ва гильзалар асосида қайси қуролдан отилганлигини айнанлигини аниқлаш.

4. Отиш қуролини қўллашдаги турли вазиятлар:

- отиш шароити - ҳолати (жойи, масофаси, ўқнинг йўналиши) ва бошқа ҳолатларни аниқлаш).

Ўқ отишдан ҳосил бўладиган излар, жароҳатлар инсон танасида, кийимида юз берса суд-тиббиёт текшируви билан бир қаторда криминалистик текшируви ҳам ўтказилади. Масалан, жабрланувчига ўтқир кесиш-чопиш, отиш қуроли билан жароҳат етказилганда унинг суяк тўқимларида акс этувчи излар тиббиёт ва криминалистика соҳасидаги мутахассисларнинг ҳамкорлигида ўтказилади, яъни комплекс текширувлар экспертизаси.

Шунингдек комплекс текширувлар жабрланувчининг ўқ отишдан жароҳатланиш вақтида турган жойи, ҳолати ва бошқа вазиятларни аниқлашда ўтказилади.

Ҳозирги кунда криминалистик баллистика соҳасида муаммоли масалалар қаторида қуйидагиларни айтиб ўтиш жоиздир: қуролдан ўқ отилган вақтини аниқ ёки нисбий белгилаш, бир неча ўқнинг олдинма-кетин отилганда, қайсилари олдин, қайси бири кейинлигини, қуролдан неча мартаба ўқ-отилганлигини аниқлаш ва бошқа масалалар.

Ушбу муаммоларни ҳар бирини ечилиши алоҳида услублар ва техник воситаларни талаб қилади. Аммо келтирилган масалалар ўзаро боғлиқлиги сабабли уларни бир вақтнинг ўзида комплекс тартибда ҳал этмоқ лозим.

2-§. Ўқ-отиш қуролларининг турлари ва ҳарбий қисмлари.

Тергов ва экспертиза амалиётида жинойий мақсадда ишлатиладиган ўқ отиш қуролларидан кўп ҳолларда кичик, калта стволли қўлда отишга мўлжалланганлари учраб туради. Отиш қуролининг стволи (ўқ чиқадиган йўли) силлиқ цилиндр шаклида бўлиб бошланиш жойи даста устида бўлиб, чиқиш (учи) дан биров диаметри жиҳатдан каттароқ бўлади. Бу жойни баллисткада “патронник” - ўқ билан гильзанинг биргалигини ташкил қилувчи патронларнинг жойлашув жойи ҳам дейилади. Отишга тайёрланган патрон стволнинг бош томонида жойлашган бўлиб, ҳарбий ҳолатга келтирилганда патроннинг гильза устидаги капсули (портловчи порохни ёндирувчи қисми) тепки тўғрисида жойлашади.

Стволнинг ўзун ва қисқа бўлишлиги нуқтаи-назаридан узун стволлик қуроллар (узунлиги 40 смдан юқори бўлганлари) ўрта узунликдаги стволлар 20 смдан 40 смгача бўлган узунлиги ва қисқа стволлари узунлиги 20 смдан кам бўлганларидир. Узун стволликларга ҳарбий ва ов милтиқлари, карабинлар киради, ўрта стволлик қуроллар қаторига турли автоматлар, жумладан, «Калашников» автомати “АК”лар киради, қисқа стволлик қуролларга револьвер (тўппончалар) пистолетлар ва баъзи қўлда ясалган қуроллар ва қирҳамалар (стволни қисқартириш мақсадида кесилганлари) киради.

Қўлда отишга мўлжалланган барча қуроллар икки гуруҳга бўлинади, стволнинг ички тузилиш жиҳатдан силлиқ стволлик ва нарезли қуроллар. Силлиқ стволли қуролларнинг гуруҳини ов милтиқлари (сочма ўқ отишга мосланган) эски ишлаб чиқишдан тўхтатилган шомполлик пистолетлар ва қўлда ясалган (мосланган) қуроллар ташкил қилади.

Нарезли қуролларнинг хусусияти - стволнинг ички тузилиши силлиқ бўлмай свол деворида айланма шаклида бўлган чуқурликлар мавжуд бўлиб улар отилган ўқни катта куч билан сиқилиб чиқиш ва узоқ масофага кетишни, айланма шакли эса ўқнинг стволдан чиқиб мўлжалга йўналиши (траекториясини) ўзгартирмасдан нишонга тўғри боришини таъминлайди.

Криминалистик идентификация учун нарезларнинг оралиғидаги майдончалар стволдан чиқаётган ўқнинг ён қисмида тирналиш, сирғалиш шаклидаги изларни ҳосил қилади. Булар қуролни идентификация қилиш учун асосий аҳамият касб этади.

Нарезларнинг сони турли қуролларда турличадир: кўпчилик қўлда отишга мўлжалланган пистолетларда, тўппончаларда тўртта, баъзиларида олти, етти ва кам учрайдиган саккизта нарезли қуроллардир. Нарезларнинг айланма йўналиши ўнг томонга баъзилари чап томонга қаратилган бўлади.

Нарезли қуроллар гуруҳига барча ҳарбий, баъзи хилдаги ав ва спорт - ўқув милтиқлари ва қўлда айрим қисмлардан йиғилган қуроллар киради.

Стволнинг ички нарезлар оралиғидаги мм.да ўлчанади. Стволнинг диаметри унинг “калибри” дейилади. Энг кўп учрайдиган қурол системалари 5,6; 6,35; 7,62; 7,62; 8 ва 9 мм.ли калибрга тегишлидир.

Қуролнинг ҳарбий қисми бўлган патронлар (гильза ва ўқлар) ҳам ана шундай ўлчовдаги калибрга эга бўлиб, тегишли қуролларга мослашгандир. Масалан; Калашников автомати 7,62-АК; баъзилари АКМ, АКС, АКСУ системадагилари 5,45 мм.ли калибрга эгадирлар. ТТ (токарев) ПМ (Макаров пистолети), АПС ва ПСМ қуроллари қуйидаги хусусиятлари билан тавсифланади:

ТТ- Тулада ишланган Токарев пистолети 7,62 мм.ли калибр, тўртта ўнг томонга йўналган нарезли стволга эга, патронник, (магазинда) саккизта патрон жойлашадиган ҳарбий ҳолатга келтирилиши автоматлашган;

ПМ - Макаров пистолети - зарядкаси (ҳарбий ҳолати) автоматлашган, 9 мм калибрли тўртта, ўнг томонга йўналган, патронник-магазини саккизта патрон сиғдиради, стволи ва тепкиси (спусковой курок) очиқ ва ҳаракатчан;

АПС - автоматлаштирилган Стечкин пистолети калибри 9 мм, тўрт нарезли, магазин- патронникда 20 та патрон жойлашади.

ПСМ - ўзи ўт оловчи кичик габаритли пистолет ихчамлаштирилган, автоматлаштирилган, (Лапашеев, Симарин ва Куликовлар томонидан ишланган) тўрт нарезли, 5,45 калибрли магазинида 8 та патрон жойлашади;

Револьвер - (тўппонча) қисқа стволлик автоматлаштирилмаган тўрт нарезли, патронлар жойлашадиган қисми айланма думалоқ барабан шаклида бўлиб, 7 патрон кирадиган алоҳида (скамораси) уялари бўлиб, зарядка қилиш, ҳарбий ҳолатга келтирилиши, қўл билан амалга оширилади. Отиш жараёнида барабан айланиб уясидаги патрон стволга тўғриланади. Тергов ва экспертиза амалиётида кўпроқ револьвернинг “Наган” системасидагилари учраб туради, уларнинг калибри 7,62 мм.

Ҳарбий милтиқ ва карабинлар узун стволлик бўлиб, тузилиши жиҳатидан бир-бирига ўхшаш бўлиб, калибри 7,62 мм. Ҳарбий ҳолатга келтирилиши (зарядка қилиниши) қўл билан амалга оширилади, затворни орқага тортиш билан патрон магазинидан стволга узатилади, магазин патронникда 5 та патрон жойлашади. Амалиётда шунингдек Семенов конструкцияси асосида ишланган СКС автоматлашган карабинлар, Драгуновнинг снайпер карабини (7,62 калибрли) учраб туради. Кичик калибрли автоматлашмаган узун стволли милтиқлар 5,6 мм.ли тўртта нарезли, баъзи моделларида олти нарез бўлиб тузилиш жиҳатидан ҳарбий милтиқларга яқинроқдир.

Силлиқ стволли милтиқлар асосан икки турда бўладилар. Дастаси билан ствол қисми букланадиган ва букланмайдиганлари. Букланадиган ов милтиқлари бир отар, икки, кам ҳолларда учрайдиган уч отар, (яъни

стволнинг сонига қараб бўлади) курак тепкиси ичкарида баъзилари ташқарисида жойлашган бўлади.

Баъзида жинойтчилар силлиқ стволли милтиқларнинг стволларини ккесиб арралаб қисқартирадилар, яширин олиб юришга мослайдилар. Булар амалиётда “обрезлар” дейилади. Обрезлардан отилган ўқнинг тезлик масофаси ов милтиғидан бир мунча пастроқ бўлади. Масалан, 16 мм калибрли ав милтиқларининг стволи 200мм га қисқартирилган бўлса ўқнинг бошланиш тезлиги 11 м/с бўлади. 400 мм.га қисқартирилган бўлса ўқнинг стволдан чиқиш тезлиги 35-40 м/с ни ташкил қилади.

ТОЗ-8 системадаги милтиқларнинг обрези ҳам шундай хусусиятга эгадир. Баъзида қуролни патроннинг калибрга мослаб ўзгартирадилар, масалан, револьвернинг патрон жойлаштирадиган камора (учси)ни эговлаш билан кеншайтирадилар. Амалиётда газли ва сигнал (старт) қуролларини ўқ отишга мослашган ҳолатлари ҳам учраб туради.

Ясама қуроллар бир мунча соддалаштирилган силлиқ стволли якка ўқ отишга мўлжалланган ҳолда тайёрланади. Булар одатда 5,6 мм калибрли патронларга мослашган бўлади. Ташқи кўринишини ниқоблаш мақсадида уларга турли асбоб-буюм шаклини берадилар: (ҳассанинг дастаси, ёзиш чизиш қуроли кўринишини). Буларни “атипичнўй” яъни типик бўлмаган отиш қуроллари дейилади.

Қўлда ясалган шомполлик қуроллар якка ўқ отишга мосланган бўлади. Уларга ўқ ва порохни шомпол билан стволга жойлаштирадилар, баъзида кўп (икки, уч) отишга мўлжалланганлари ҳам учраб туради. Булар 5,6 мм калибрли патронларга мослашган бўлади. Ясама қуролларга порох сифатида кўп миқдорда гугурт чўпини бошидаги модда йиғиндиси ишлатилади.

Отиш қуролларининг айрим қисмлари патрон билан ўзаро ҳаракатда бўлиб, уларда турли изларни ҳосил қилади; булар қуролни отишга ҳозирлашда патрон магазинидан стволга узатилади. Пусковой механизми тепкини (боёкни) ҳаракатга келтиради ва капсулга зарба бериш билан ўт учқуни порохни ёндиради ва порох газини босими (кучи) ўқни стволдан итариб чиқаради. Ўқдан ажралган гильза орқага ҳаракат қилиб отражатель (қайтариш) қисмига урилади ва ташқарига кручок шаклидаги выбрасиватель ёрдамида чиқариб ташлайди. Отилган гильзада магазин пружинкаларидан, тепки- боёкдан, отражатель чиқариб ташлаш илгагидан излар ҳосил бўлади. Отилган ўқда эса стволнинг ички қисмидаги нарезларнинг оралик майдончасидан (тўрт, олти, нарез сонига мувофиқ) тиркалиш, трасса шаклида излар ҳосил бўлади.

Қуролнинг ҳарбий қисми бўлган патронларнинг тузилиши ҳам турлича бўлади; учқун ҳосил қилувчи капсулнинг жойлашувига қараб марказли ва доира чеккасида бўлиб, кўп қуролларда иккинчи турга киради, хусусан 5,6 мм калибрли милтиқлар, карабинлар ва пистолетлар шулар жумласидандирлар.

Ҳозирги кунда ишлатиладиган барча ҳарбий патронларнинг таркибини гильза, капсул, порох заряди ва ўқ ташкил қилади. Ов милтиқларининг патронига порох билан сочма ўқ аралашиб кетмаслиги учун уларнинг орасига прокладка ва ўқнинг устидан “пыж” қопламалари ишлатилади.

Гидьзалар темир ва латунь металдан тайёрланади, ов милтиқлари учун қоғоз-картондан ҳам ишланади, пастки қисмини метал ва устки деворини картон ташкил қилади. Гильзанинг бош қисми ўқ жойлашадиган жойи, девори ва остки қисми асосида идентификация қилиб, қуролнинг гуруҳ мансублиги ва айнанлигини аниқлаш мумкин.

Ҳодиса жойидан топилган ўқ ва гильзани кўздан кечириш натижасида улар қандай системадаги - моделдаги қуролан отилганлигини, яъни ўқ ва гильзанинг калибри, тузилиши ва хусусиятлари асосида қандай (пистолет, револьвер ва Ҳ) турдаги қурол гуруҳига тегишли эканини аниқлаш мумкин. Бу масала ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнида алоҳида ашёвий далил сифатида кузатилиши натижасида ҳам ҳал этилиши мумкин. Сўнгра жиноятда ишлатилишда шубҳаланган қурол топилган тақдирда индивидуал идентификация ўтказилиб мазкур қуролнинг айнанлиги, яъни отилган ўқ ва гильза “мана шу қуролдан отилган” - деган масала ҳал этилади.

Қуролнинг ўзи топилмаган ҳолларда ўқнинг қандай патрон турига тегишли эканлиги, умумий тузилиши, шакли, ўлчови (диаметри, узунлиги), оғирлиги, қандай металдан ясалганлиги, гильзага қандай услубда бириктирилганлиги ва бошқалар аниқланади.

Отилган гильзанинг ҳам умумий шакли бош қисми ва асосларини тузилиш, ўлчови (диаметри ва узунлиги) бош қисмининг ички ўлчови, оғирлиги маркировка белгилари ва бошқаларни кузатиш билан қандай турдаги (гуруҳдаги) қуролдан отилганлиги ҳақида фикр юритилади ва шубҳаланган қуролни излашда қидириш доирасини анча қисқартиради, енгиллаштиради.

Силлиқ стволли қуролларга мўлжалланган сочма ўқнинг айрим доналари (дробь, картечь) топилган тақдирда уларнинг заводда ёки кўлда ишланганлиги, қандай усулда тайёрланганлиги шакллари, оғирлиги, кимёвий таркибини спектография таҳлили каби хусусиятлари аниқланилади. Бу масала текшириладиган сочма ўқнинг гуруҳ мансублигини аниқлаш билан бирга ҳар қил жойларда топилган бир неча ўқлар доналарининг бир манбага тегишли эканлигини ҳам аниқлаш мумкин бўлади. Ов милтиқларига мўлжалланган патронларнинг пыжлари - (қопқоқ вазифасини бажарувчи қоплама)ни текшириш, кўздан кечириш билан патроннинг калибри, қандай материалдан ишланганлиги, ишланиш услуби ва бошқалари аниқланади.

Пыжлар уй шароитида кўлда ясалганда унинг материалига (қоғоз, картон, жун, наъмат) каби ўхшаш материаллар ва уларнинг бўлаклари бир хил жойларда топилган тақдирда трасологик текшируви ҳам ўтказилиши мумкин.

3-§ Отилган ўқ ва гильзалар асосида отиш қуролини идентификациялаш

Қуролларни идентификация қилишнинг илмий асослари қуролнинг из ҳосил қиладиган қисмлари, отилган ўқ ва гильзаларнинг ўзларида изларни акс эттирадиган устки тузилишлари индивидуаллик хусусиятига эга эканлигидадир.

Индивидуал ташқи тузилиши хусусияти стволнинг ички тузилишидаги нарез оралиқларига ҳам хос бўлиб ўқ стволдан чиқиш жараёнида сиқилиб, сирғалиб кўрсатилган индивидуал ташқи тузилиш (микрорельф)ни ўзида акс эттиради. Патроннинг гильза қисмида эса отилмасдан олдин зарядка қилиш пайтида отражатель ва вўбросиватель излари акс этади. Кўрсатилган излар умумий ўлчовии, шакли биринчи навбатда қуролнинг гуруҳ мансублигини аниқлашга ёрдам беради, умумий белгилари билан бир қаторда микрорельфни ифода этувчи хусусий белгилар йиғиндиси индификаул идентификация ўтказишга асос бўлади. Отилган ўқ ва гильзалар асосида ўтказиладиган тадқиқот ҳодиса жойида топилган ўқ ва гильзаларни умумий белги хусусиятларини ўрганишдан бошланади. Сўнгра улардаги изларни қуролнинг муайян қисми билан солиштирилади. Кўп ҳолларда солиштириб текшириш учун шубҳаланган қуролдан экспериментал отиш билан намуна (ўқ ва гильза) ҳосил қилинади. Шундан сўнг улардаги излар - аломатлар ўзаро солиштириб текширилади. Экспериментал ўқ отишни махсус тайёрланган пахтадан, сув ва бошқа сунъий тўсиқлардан амалга оширилади, бунда ўқнинг тезлик ҳаракати юмалоқ тўсиқда сусаяди ва ҳосил бўладиган излар ўзгармайди.

Ҳозирги кунда қуролларни тадқиқ қилишда ва солиштириб текширишда бирнеча услублар қўлланилади. Эен қулай ва кўпрқ ишлатиладиган услубни солиштириб текширишга мосланган микроскоп ёрдамида амалга оширилади. МСК; ДМС; ЛЕКА микроскоплари майда объектлар,хусусан қуролнинг айрим қисмларини улардаги, яъни текширлувчи ва намуна объектларидаги изларни бир вақтнинг ўзида иккига бўлинган изларни бир хилдаги кузатув майдонида текширувга мўлжаллангандир. Кузатиш ва текшириш жараёнида иккала текширилаётган объектларни турли томонларини узунлик - кенглик ва бошқа ҳолатларини (изларни кузатиш ва солиштириб текшириш) имконини беради. Шу билан бирга объектларнинг айрим ҳолатлари фотосуратга олиш билан мустаҳкамлаб ва кимёвий таркибини спектографик таҳлилини ҳам белгилаб олиш мумкин. Отиш қуролларининг айрим қисмларини, патроннинг гильза, ўқ, сочма ўқ доналари, порох ва бошқа объектларнинг спектографик таҳлили асосида текшириш ҳодиса жойида топилган қисмлар билан шубҳаланувчидан олинган ўхшаш объект, модда ва ашёларни гуруҳ ва турдош мансублигини аниқлашда кенг қўлланиладиган услубдир.

Сочма ўқларнинг айрим қисмлари ҳодиса жойида ва шунга ўхшашлари бошқа жойлардан топилганда уларни ясалиши, материали, сақланиш шароитлари, аломатлари каби белгилари йиғиндиси асосида икки ҳар хил жойлардан топилган сочма ўқ доналарининг манбаъси битта эканлиги аниқланади. Бу масала идентификация ўтказишнинг бошланғич босқичи бўлиб гуруҳ мансублиги ва айнанлик ҳақидаги хулосага замин тайёрлаши мумкин. Баллистика экспертизасига юбориладиган қурол, топилган жойида кўздан кечирилади, унинг умумий ҳолати баённомада қайд этилади, шу билан бирга қуролни ҳолати ўзгармасдан кўздан кечирилиши, отиш қуролларини расмийлаштириш қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади. Қурол зарядланган, ҳарбий ҳолатга келтирилган бўлса ундаги патрон чиқариб олинади, патронник-магазинда неята патрон борлиги қайд этилади. Қуролнинг умумий кўриниши унда қандай излар, моддалар

мавжудлиги, тури, маркировкаси ва бошқа кўринарли аломатлари баённомада батафсил қайд этилади.

Қуролни отишга яроқли-яроқсиз эканлигини текширишда уни қисмларга ажартиб кўздан кечириш қатъиян ман этилади, чунки экспертиза текширувига аҳамиятли бўлган изларни яроқсиз қилиб қўйиш хавфи бўлади.

Экспертиза ўтказиш учун аҳамиятли бўлган турли тўсиқлардаги ўқ отишдан ҳосил бўладиган (ўзгариш, жароҳатлар) изларни кўздан кечиришда шу соҳадаги мутахассисни таклиф этиш ва уни иштирокида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Жиноят ҳодисаларида учрайдиган ов милтиқлари ва уларнинг патрон қисмларини кўздан кечириш ҳам криминалистика техникаси тавсияларига мувофиқ ўтказилади. Отиш натижасида патрондан ажралиб чиққан ўқ, қуйма ёки сочма (доналари) қисман ёнган - куйган пиж ва бошқа қисмлари ҳар бири экспертизага алоҳида-алоҳида упаковка қилиниб юборилади.

4-§ Отишдан қоладиган жароҳатларни, отиш масофасини, ўқнинг йўналиш томонини аниқлаш.

Отишдан қоладиган жароҳатлар (одам танасидан ташқари бўлганлари) турли тўсиқларда, масофаси ва йўналиши бўйича турли изларни ҳосил қилади. Амалиётда ўқ тўсиқ қалинлигини тешиб ўтиши, ички қисмида қолиши ва қиялаб тўсиқни тирнаб ўтиши ҳоллари учраб туради. Тешиб ўтган жароҳатларда ўқнинг тўсиққа кириш ва чиқиш жойлари ўқнинг тўсиқ қатламида йўналиш ҳаракати (канал) белгиланади.

Ўқнинг тўсиққа кириш жойи ва ўқ канали, ўқ тўсиқнинг ички қисмида қолиши ёки “кўр” жароҳатларда ҳам бўлиши ажратилади. Ўқнинг зарарлаш кучи тўсиқ материалининг бузилиши ва синиши парчаланиш хусусиятларига боғлиқдир. Жисми қаттиқ бўлган ёғоч, темир, тўсиқларни ўқ тешиб, (масофага қараб) ўтади ва тешик диаметри ўқнинг ўлчовидан кичик, мўрт бўлган материалларда ғишт, шиша кабиларда синиш, парчаланиш натижасида жароҳат ўлчови ўқнинг диаметридан бир мунча каттароқ бўлади. Ўқ матолардан тешиб ўтишида материалнинг тешилган жойидан ўқнинг шаклида бўлган бир парчаси куйиб, узилиб кетганлигини кўзатиш мумкин бўлади. Ўқ яқин масофада ёки тақаб отилганда матода (инсоннинг кийими, устки қатламида) куйиш ва эриш аломатларини ҳосил қилади. Булар стволдан чиқаётган порохнинг газ ва ўқнинг қизиб чуғ бўлиб ҳали совушига улгурмаганлиги ҳисобига юз беради.

Тўсиқдаги ўқдан ҳосил бўлган изларни кузатиш ва ўрганиш билан отиш масофасини яқиндан отишда ҳосил бўладиган аломатларини, ўқнинг тури, шакли, калибри, ишлатилган порох турини, отишда ўқнинг йўналиши, отган шахснинг қаердан туриб отганлиги- жойи каби маълумотларни аниқлаш мумкин.

Мазкур маълумотларни ҳодиса жойида терговчининг ўзи ёки тегишли мутахассис иштирокида кўздан кечириш билан аниқланади ва улар баллистик экспертиза предмети бўлиб уни ўтказиш зарур бўлган ҳолатлар сифатида хизмат қилади. Тўсиқдан отиш жароҳатларини битта ёки бир неча ўқдан қолганлигини аниқлаш учун ўқдан ҳосил бўладиган кириш-чиқиш

тешиклари уларнинг сони, шакли, ўлчови ва бошқа белгиларини кузатиш билан амалга оширилади.

Отиш жароҳати атрофида порохдан қолган дутларни ва ёнмай қолган порох заррачаларини кимёвий усулда текшириш билан унинг тури; (дутли, дутсиз) ишлаб чиқарилган заводнинг маркаси каби маълумотларини олиш мумкин.

Ўқнинг йўналишини аниқлаш учун тўсиқдаги жароҳатдан ўқнинг ҳаракати йўналиши, нуқтасини бирлаштирувчи жойни белгилаш билан эришилади. Эшик, дераза, шишаларнинг синиғи ва бўлакларнинг шакли ва синган тешилган жойнинг қирғоқлари орқали қайси томондан ўқ отилганлиги маълум бўлади. Ўқнинг узилган жойида айлана шаклида дарз кетган чизиклар ва шишанинг устки қатламини кўчиши, ўқнинг йўналиш томонига қараган бўлади. Ўқнинг чиқиш жойидаги қатлам сиртга қараб, кириш йўлига нисбатан биров каттароқ ўлчовда юз беради. Икки қаватли рама шишаларида юқорида кўрсатилганидек кириш жароҳат тешиги биринчи қаватда каттароқ, иккинчи қаватда кичикроқ радиусда ҳосил бўлади.

Бу ҳолат ўқнинг ҳаракати, тезлиги, кучи биринчи қават тўсиқдан ўтиб сусаяди ва иккинчи қаватда анча уриниш кучи камайганлиги сабабли бўлади.

Ўқ яқин масофадан отилганда, ўқнинг иссиқлиги, порох газларининг таъсири натижасида тўсиқнинг устки қисмида куйиш аломатлари порохни дути ва ёнмай қолган заррачалари қолади. Буларни оддий куз билан ҳам кузатиш (кўриш) мумкин, айниқса ранги оқ бўлган материалларда. ҚОра ва хира рангли тўсиқ материалларни микроскоп орақил кўриш, текшириш ва фотосуратга тушириш мумкин. Шунингдек кўзга кўринмайдиган жумладан, инфрақизил нурларда текшириш, кимёвий ва электрокимёвий ва бошқа услубларни қўллаш билан амалга оширилади. Отиш масофаси “яқиндан туриб отилган” деган тушунчани асослайдиган белгилар, тўсиқдаги эриш, дутланиш, ёнмай қолган порох заррачаларини тўсиқ қатламига сингиб қолиши ва бошқа аломатлари мавжуд бўлган ҳолда аниқланади. Бошқа ҳолларда отиш масофаси, яъни стволнинг охириги ўқ чиқадиغان жойидан тўсиқгача бўлган ўлчовини нисбий равишда (тахминий) белгиланади.

“Яқин масофа” тушунчаси ҳарбий қуроллар, ов ва спорт милтиқлари учун турличадир. Жумладан, порох газларида ҳосил бўладиган механик ва термик аломатлар 5-10 см. Дутлари эса 30-40 см да ёнмай қолган порох заррачалари тўсиқда сақланиши 80-100 см.гача кузатилади. Ов милтиқларида дутли порох ишлатилганда дутлари 150-170 см ва порох заррачалари 2-3 метргача етиб бориши мумкинлиги маълумдир. Дутсиз порох қўлланилганда бу масофалар бир мунча қисқаради.

Ўқнинг отилиш жойидан тўсиқгача бўлган масофани аниқлаш учун, тўсиқдаги отишдан ҳосил бўлган изларни тадқиқ этиш ва экспериментал отишдан ҳосил қилинган изларни маълумотларини ўзаро солиштириш усули қўлланилади.

Тўсиқ қатламида отишдан сингиб, сақланиб қолган моддаларнинг спектография анализи ёрдамида отиш масофасини аниқлаш, ҳақиқатга яқин бўлган ахборотни олиш мумкиндир. ҚУролдан отиш жойи яъни шахснинг қаердан туриб отганлигини аниқлаш эса ўқнинг йўналишини, отиш масофаси ҳақидаги маълумотларнинг ўзаро боғлиқлиги асосида ўтказилади. Отиш масофаси нисбатан узоқ бўлмаган ҳолларда, тўсиқдаг жароҳатнинг кириш

йўли бўйича тўғри чизикни ташкил қиладиган ип ва бошқа буюм билан ўқнинг йўналиш томонига қараб тортилади ва ҳосил бўлган тўғри чизикнинг давоми бўйича кузатилади. Жароҳатда кириш ва чиқиш тешиклари ҳосил бўлган бўлса, бу йўналиш қоғоздан ясалган тўғри - текис найчани жойлаштириш билан кузатилади. Ўқнинг кириш ва чиқиш жойлари бир-биридан ўзоқроқ жойлашган бўлса, ундай ҳолларда ип-канаф ёки тўғри текис сим ёрдамида улар бирлаштирилиб, йўналиши бўйича ички қисмига жойлаштириш билан ўқ йўналишини қарама-қарши томонига қараб кузатилади. Олинган маълумотларни ўзаро бир-бирига солиштириб, тегишли ҳисобларни ўтказиш билан отиш жойи аниқланади.

Силлиқ стволли қуролларини (ов ва спорт милтиқларининг баъзилари) идентификация қилиш имкони асосан улардаги отилган патрон -гильзаси ёрдамида ўтказилади. Отилган снаряд (сочма ва бошқа хил ўқларда) силлиқ стволнинг индивидуал хусусиятлари акс этмаганлиги туфайли уларга нисбатан гуруҳ - тур мансублигини аниқлаш билан чекланилади. Мазкур қуроллардан етказилган зарар - жароҳатларни текшириш, отиш масофаси, ўқнинг йўналиши, отиш жойи каби масофаларни аниқлашда юқорида келтирилган услубларни қўлланилиши деярли бир хилда, фақат айрим ҳолларда қуролнинг нотипик ясама ва амалиётда кам учрайдигани турларига нисбатан қўлланиладиган услубларни ўзига хос бўлган шарт-шароитини ва комплекс билимларни тадбиқ қилишни талаб қилади.

5-§ Портловчи моддаларнинг текшируви

Портловчи моддаларни техника соҳасининг предмети, соҳаси портловчи моддалар, уларнинг қурилмалари бўлиб, буларни тадқиқ қилишда қатор комплекс вазифаларни вужудга келтиради. Бу вазифаларни бажариш учун техника соҳасидаги махсус билимга асосланиб ўтказиладиган текширув тегишли услуб ва техника воситаларини талаб қилади ва уларнинг ёрдамида ҳал этилади.

Мазкур экспертиза ҳал қиладиган масалалар турлича бўлиб, уларни асосан уч гуруҳга тақсимлаш мумкин:

Биринчи гуруҳ масалаларини портловчи моддаларнинг қўлланилганлиги, портлаш жойида қолган қроликлар ва қурилманинг қисмлари ҳодиса жойида портлашдан қолган излар ташкил қилади.

Иккинчи турдаги вазифалар портлаш, портлатиш қурилмаларининг тузилиши, ишлатилган портловчи модданинг тури ва миқдори, портлатиш воситаси ва услуги ва бошқа тасвирловчи хусусиятларини аниқлашдан иборатдир.

Учинчи гуруҳ вазифаларига қуйидагилар киради:

- портлатиш учун тайёргарлик кўрилганлик ҳолатини аниқлаш;
- портлатишдан келиб чиққан оқибат ва содир бўлиши мумкин бўлган оқибатларни белгилаш;
- ҳодиса жойининг портлатишдан аввалги ҳолатини тиклаш;
- портлатиш қурилмасининг ўрнатилган жойини аниқлаш;
- портловчи моддаларнинг ўз-ўзидан ўт олиши мумкинлиги ва б.

Шунингдек солиштириш, қиёслаш усули билан бир неча жойларда ҳар хил вақтларда содир бўлган портлатишларнинг ўзаро ўхшашлиги - боғлиқлигини аниқлаш масаласи ҳам шу гуруҳга тегишлидир. Мазкур экспертиза предмети ва унинг вазифаларидан келиб чиқадиган ва экспертиза ҳал қиладиган масалалар қуйидагилар:

1. Содир бўлган портлашнинг хусусияти ва уни келтириб чиқадиган сабаблар;
2. Экспертизага юборилган, объектларда портлатиш моддаларнинг қолдиқлари мавжудми, агар бор бўлса уларнинг тури, хусусияти ва ишлатиш соҳаси;
3. Портлатиш қуримламасининг ва унинг қисмларининг тузилиш жиҳатдан тайёрланиш - ишланиш услуби (саноат ишлаб чиқаришда, қўлда ясалган ясама ва ҳакозо).
4. Портлатиш қурилманинг ўт олдириш усули ва уни амалга оширишнинг олдинма-кетинлиги;
5. Портлаган тротилнинг эквивалентҳажмига кўра портлаш кучи ва порталтилган қурилманинг зарарлаш хусусияти;
6. Портлатиш қурилмаси саноат ишлаб чиқаришида тайёрланган бўлса, унинг тури маркаси (артеллерия снаряди, мина, гранат ёки ясама воситалар);
7. Портлаган қурилма ҳарбий турдаги боеприпаслар қаторига кирадиган восита эканлиги;
8. Портлатиш қурилмаси қўлда ясалган бўлса уни бажарган шахснинг бу соҳадаги мутахассислик малакаси.

Портловчи моддалар қўлланишлик соҳасига кўра 4 гуруҳга мансубдир: (бирламчи) портлатишни таъминловчи моддалар; бризантли - (иккиламчи) отувчи ёки порохли ва пиротехник қўшилма моддалар ташкил қилади.

Портлашни бошлаб берувчи (пиротехник) портлаш моддалари оз миқдордаги иссиқлик хусусиятига эга бўлиб, улар қисқа муддатда ёниши ва детонация реакциясига ўтиши билан сифатланади. Бу моддалар портлаш жараёнида биринчи бўлибёнади ва тезда асосий портловчи қурилмани ўт олишига келтириб портлатади. Мазкур модданинг энг кўп тарқалган тури мисоб (гремучий). қўрғошин азиди, қўрғошиннинг тринитроризорциати (ТНРС) бўлиб ҳисобланади. Бризантли (иккиламчи) портлатиш моддаларига ташқи шароит муҳити унчалик таъсир этмайди. Бу моддаларни ўт олиши портлатиш учун юқорида кўрсатилган бирламчи модданинг кам миқдори (бир неча грамм)ишлатилиши кифоядир.

Бризантли портловчи моддаларига турли индивидуал қўшимча воситалар киради: жумладан, тротил, гиксоген ТЭН, тетрил, пикреент кислотаси ва портловчи қурилмалар: аммонит, угленит, динамон гранулитлар киради.

Отишга мўлжалланган (порох) моддаларининг асосий хусусияти портлашга олиб келувчи, тезда ўт олиб ёнувчилигидир. Қўлланиш оҳаси асосан турли қурилмалардан отилиб чиқиши, ҳаракатга келтириш кучи сифатида ишлатилади. Порох моддалари шашака шаклида, турли ўлчовларда бўлиб ракета ёгилғиси сифатида ҳам қўлланилади. Ёниш тезлиги бир сония (сек) бир неча мм дан юзлаб метргачани ташкил қилади. Бу сифати

порохнинг кимёвий таркибига, физикавий ҳолатига ва қўлланиш шароитига боғлиқдир. Порохнинг ёеиш тезлиги ва кучи унинг мустаҳкам ва ёпиқ қопланма ичига жойлаштирилишига боғлиқ. Бу хусусият эса унинг ёиш тезлигини секундига бир неча юз метрга қўпайишига сабаб бўлади.

Мазкур портлаш моддалари туркумига дутсиз ёнадиган порохлар (масалан, пераксинил, нитроглицирин) ва дутли порохлар киради. Шунинг эслатиб ўтиш жоизки, дутсиз ёнадиган порохларнинг баъзи турлари унинг детонация кучи (ёиш тезлиги) уларнинг қопламага жойланиш ва бирламчи портловчи модданинг кучига боғлиқ равишда бир неча км/сек ни ташкил қилиши мумкин. Дутли порохларнинг ёиш тезлиги ёпиқ қоплама ҳажмига жойлаштирилган бўлса, максимал даражаси 400 м/с ни ташкил этади.

Пиротехник қўшилма моддалар таркибини турли механик аралашмалар, ачитқич, ёнилғи, уларни боғловчи моддалар ташкил қилади. Булар асосан ёруғлик товуши ва тутун эффектларини ҳосил қилишга мўлжалланган воситалардир. Мазкур моддалар ёиш тезлиги мм бўлагидан бир неча см/сек.ни ташкил этади, шунинг учун уларнинг портлаш кучи минимал даражага эгадир. Лекин баъзи хлорат, перхлорат, пиротехник бирикмалари ва шунингдек бризантли портловчи моддаларнинг қўшилмалари мавжуд бўлган бирикмалар маълум шароитларда кучли детонацияга айланиб кетиши мумкин. Мазкур перотехник бирикмалар берк ва маҳкам бўлган қоплама ҳажмига жойлаштирилган ҳолларда уларнинг ёиш, ўт олиш тезлиги бир мунча юқорилаштирилганлиги кузатилади.

Портлаш қурилмаси деганда махсус ишланган ва маълум шароитларда портлаш қобилиятига эга бўлган турли восита қурилмалар тушинилади.

Булар ишланиши ва тузилиши бўйича саноатда ёки қўлда тайёрланган бўлади. Портлатиш қурилма (мослама)ларнинг бирорта қисми қўлда ясалган ёки айрим қисмлари саноат нормалари белгиланган тартибдан ташқари усулда йиғилган бўлса, ясама қурилмалар бўлиб ҳисобланади.

Саноат ишлаб чиқаришда физикавий портлатишдан ҳосил бўладиган энергиядан фойдаланиш учун тайёрланган портлатиш қурилмалари шунингдек газ, чанг - ҳаво парлари қўшилмаларидан фойдаланувчи қурилмалар экспертиза амалиётида деярли учрамаган.

Портлаш моддаларининг физикавий экспертиза объектларига: детонатор капсуллари, электр- детонаторлар, олов ўтказувчи шнурлар, қўл гранаталари (Ф-1, РГД-5 ва РГ-42, УЗРГМ (қўл гранатасининг учқун берувчи қисмлари) шунингдек тротил шашкалари, аммонит зарядлари, тақлидли патронлар, портловчи пакетлар ва петардлар киради. Портловчи воситаларга ишлатиладиган портловчи модда ва материалларнинг хилма-хил бўлишлиги, уларнинг жиноий мақсадда ишлатилиши ва оқибатларини криминалистик тадқиқ этишда, гуруҳ мансублигини аниқлаш учун ўтказилдиган талқиқот ўзига хос услубиётларни ишлаб чиқиш ва қўллашни талаб этади.

Портловчи моддалардан қолган изларни тадқиқ этишда асосан аналитик реакцияни, юпқа қатламли хроматография услублари қўлланилади. Шунингдек уларнинг таҳлили газ суюқлиги ва суюқлик хроматографияси таҳлили ёрдамида текширилади.

Перотехник қўшилмалар таркибига кирувчи моддаларнинг турини аниқлаш учун одатда элементли спектрал ва микроспектрал усулбалар қўлланилади.

Портлаш ҳодисасининг хусусиятини аниқлаш, портлаб кетган қурилманинг ташқи кўринишини тиклаш, унинг тузилиши, ишлатиш ва қўлланишлик принципларини текшириш, шу экспертиза ўтказувчи махсус билимга эга бўлган мутахассислар томонидан амалга оширилади. Ҳал этиладиган баъзи масалалар комплекс ҳарактерга эга бўлиб, улардан олинадиган маълумот, - натижалар, мутахассиснинг амалий тажрибасига, мутахассислик малакасига боғлиқдир.

6-§ Совуқ қуроолларнинг текшируви

Совуқ қуроолларни яшаш, олиб юриш ва сотиш учун амалдаги жиноят қонунида, жиноий жавобгарлик кўрсатилмаган, лекин совуқ қуроол ёрдамида содир қилинган жиноятларни таснифлашда аҳамиятли бўлиб, тегишли экспертиза тайинлашга зарурат туғилади.

Совуқ қурооллар кўп ҳолларда қотиллик, баданга шикаст етказиш, бандитизм, босқинчилик, оммавий тартибсизлик ва безорилик жиноятларини содир этилганда қўлланилади.

Кўрсатилган жиноятларнинг баъзиларида қўлланилган ёки ўқлаш таҳдиди мавжуд бўлган ҳолларда (босқинчилик, бандитизм каби) жиноий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат бўлиб ҳисобланади. Жиноятни содир қилишда отиш ва совуқ қурооллардан ташқари, турли предмет, ашё, жиноят қуроли бўлиб ишлатилади, баданга турли оғирликдаги шикаст етказилади, бу ҳолда ишлатилган қуроол совуқ қурооллар қаторига кирмайди ва экспертиза тайинлашга ҳам асос бўлмайди. Зарур бўлганда экспертизанинг бошқа турлари суд тиббиёт, трасологик текширувлари ўтказилади.

Совуқ қурооллар қаторига махсус жиноий мақсад учун тайёрланган (ясалган) бўлиб, улар жиноятни содир қилишда шикаст етказиш ёки ўзини ҳимоя қилиш учун қўлланилади.

Совуқ қуроолларни тузилиши, ўлчовлари ишлатилган материали бўйича хўжаликда, рўзғорда ишлатиладиган асбоб-ускуналардан фарқ қилади. Шаклига ва тузилишига кўра улар санчилувчи, кесилувчи, чопилувчи, санчилиб кесувчи, санчилиб чопувчи, мажағлаб майдаловчи ва комбинация қилинган бўлиши мумкин. Юқорида кўрсатилган белгилар совуқ қуроолларнинг ҳар бирига тегишли бўлиб, белгиланган мақсадига ва хусусиятига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

- совуқ қурооллар ишлатилишида кўзланган мақсадига кўра жанговор, ҳарбий ва фуқаролик овчилар учун мўлжалланган бўлади; ҳарбий совуқ қурооллар асосан инсон танасига жароҳат етказиш учун кўзланган. Булар асосан ҳарбий кўшинларнинг қўл билан олиб бориладиган жангида ишлатилади (қиличнинг барча турлари, штиклар, десант ҳарбийларининг пичоқлари ва б);

- Овчиларнинг қуроолларига миллий пичоқлар, ханжар ва ҳакозолар киради. Булар овда ҳайвонларни тутишда, жароҳатлашда, терисини гўшtidан ажартишда ва бошқа ёрдамчи хўжалик ишларида қўлланилади.

Спорт оламида ишлатиладиган қурооллар: штиклар, шпага, рапира, қилич, эспандрлар, ўзининг эгилувчанлиги, учининг тунтоқлиги билан жароҳат етказиш хусусиятига эга эмасдир. Шунинг учун улар совуқ қурооллар қаторига кирмайдилар.

Ишланиши (тайёрланиши) нуктаи назаридан совуқ қуроллар уч гуруҳни ташкил қилади: заводда, ҳунармандлар томонидан ва қўлда яасаладиган қуроллар.

Заводда, фабрикада, фирмада тайёрланадиган қуроллар маълум давлат ва фирманинг стандарти асосида ва техник талабларга жавоб берадиган бўлади.

Ҳунармандлар ишлаб чиқарадиган қуроллар баъзида техник ва стандарт талабларига жавоб бермасаларда, ҳунарманднинг мутахассислиги малакасига биноан уларнинг миллий, маҳаллий ташқи тузилиши, беағи ва ҳарбий хуссуиятлари билан заводда тайёрланадиган қуроллардан қолишмайди. Совуқ қуроллар ва уларнинг ғилофлари миллий нақшлар, турли ҳикматли (диний) сўзлар баъзида ишлаган уста-ҳунарманднинг исми-шарифи белгилари билан безатилади.

Қўлда ясалган совуқ қуроллар айрим ҳунарманд бўлмаган шахслар томонидан қуролларнинг намуналарига тақлид қилиб ишланади. Бундай қуролларга ишланиш жараёнида, уларнинг тузилишига баъзи мураккабликни ёки соддалаштиришни киритадилар. Амалиётда заводда ёки ҳунармандчилик фирмаларида ишланган қуролларни ўзгартириб қайта ишланганлари ҳам учраб туради.

Совуқ қуролларнинг экспертизада текшируви асосан уларнинг қайси тур ва гуруҳ мансублигини аниқлашдан иборатдир. Ҳал қилинадиган масалалар доираси текширилувчи қуролнинг техник ҳолати турдошлиги, идентлигини белгилашдан иборатдир.

А) техник ҳолатини аниқлашда қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:

1. Қуролнинг соз ёки носозлиги, агар носоз бўлса тегишли соз ҳолатга келтириш мумкинми?

2. Ишлатиш учун мазкур қурол яроқлими, агар яроқсиз бўлса тузатиш, қўллашга яроқли қилиш иложи борми?

3. Қуролнинг гуруҳ мансублигини аниқлашда қуйидаги саволлар ҳал қилинади.

4. Мазкур предмет (нарс-буюм) совуқ қуролми?

5. Текширилувчи предмет совуқ қуролларнинг қандай турига, кўринишига тааллуқлидир.

Б) Идентификациялаш масалалари турлича бўлиб, фақат совуқ қуролларга тегишли бўлибгина қолмай бошқа турдаги экспертизалар ёрдамида, жумладан, трасологик тешируви билан ҳам ҳал қилинади. Бунда теширувнинг ўзига хос услублари билан бир қаторда кимёвий фотография, физика ва техника усулларини қўллаш билан амалга оширилади. Ҳал қилинувчи саволлар қуйидагича бўлиши мумкин.

1. Мазкур қуролни тайёрлашда қандай материал қўлланилган, текширишга юборилган материал қўлланилганми, қуролни ясашда қандай қолип ишлатилган, қандай асбоб, қурилмалар ёрдамида бажарилган.

2. Текширилувчи қурол (қуроллар)ни тайёрлашда мазкур асбоб-ускуна, қурилмалар қўлланилганми?

3. Текширишга юборилган ғилоф мазкур қуролнинг ғилофими?

4. Қуролнинг ташқи қисмларида қандай ёзув, маркировка белгилари бўлган ва улар қандай усулда йўқотилган.

5. Текширувга юборилган бўлак-қисм мазкур қуролнинг қисми эмасми.

Жиноятни содир қилишда ишлатилган совуқ қуроллар топилган, олинган жойида (ҳодиса содир бўлган, тинтув ўтказилган жойларда ёки терговнинг хизмат хонасида) кўздан кечирилиб, процессуал қонун нормалари асосида расмийлаштирилади ва жиноий ишга ашёвий далил сифатида илова қилинади. Мазкур тергов ҳаракатини ўтказишда зарур бўлса, процессуал қонун назарда тутган қоида асосида тегишли мутахассис таклиф этилиши мумкин.

Совуқ қуролларни кўздан кечиришда криминалистиканинг умумий бўлган кузатиш, ўлчаш ва хатлаш услублари қўлланилади.

Қуролни кўздан кечиришда дастлаб унинг умумий тузилиши ва ўлчовига эътибор берилади, сўнгра ҳамма қисмларини мужассамлиги, қуролнинг дастлабки асосий қисмига маҳкамланиш усули, қандай материалдан ишланганлиги, ранги, ўлчови, мустаҳкамлик хусусияти, қурол дамини силлиқ ва ўткирлиги, учининг шакли, ўткирлиги, қурол юзидаги ёзув ва бошқа аломатлар аниқланади.

Қуролдан ҳосил бўлган изларни турли модда қолдиқларини ва бошқани зарарлаб, ўзгартириб қўймаслик учун кўздан кечиришни ўтказувчи қўлларига тоза оқ резинадан тайёрланган қўлқоп кийилиб ўтказилади.

Қуролнинг олди, орқа ва бошқа қисмларини текшириш учун унинг дастаси ва учидан яъни излардан ҳоли бўлган жойларидан ушлаб кўриш лозим.

Совуқ қуролларни жиноий мақсадда ишлатилганлиги натижасида уларда турл излар: қўл, бармоқ ва бошқа биологик моддалар ҳосил бўлади, шунинг учун экспертизага юборишда тегишли юишоқ материалга жойлаштириб юбориш лозим. Совуқ қурол эканлигини аниқлашдан олдин ундаги изларга оид текширув ўтказилади, суд тиббиёт, биологик, трасология ва бошқа экспертизалар. Қайсилари олдин, қайсилари кейинги навбатда текширилиши ишнинг экспертиза материали ва объектларига қараб олдинма-кетинлиги белгиланади. |

Мавзу: ОДАМЛАРНИ ТАШҚИ ҚИЁФА БЕЛГИЛАРИ АСОСИДА ИДЕНТИФИКАЦИЯ ЎТКАЗИШ.

Режа:

1. Одамнинг ташқи қиёфа тузилиши тушунчаси ва ундан идентификация қилиш учун фойдаланиш
2. Ташқи кўриниш белгиларининг классификацияси.
3. Ташқи қиёфа белгиларининг амалий қўлланиши.

адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент 2003 й.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони «Ҳамма ҳолатда олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида». 2005 й. 8 август Фарм...

3. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз-жамиyatни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир”. Т., Ўзбекистон. 2005 й.
4. Каримов И.А. «Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди». Т., Ўзбекистон. 2005й
5. Каримов И.А. «Янгича ҳаётни эскича қараш ва ёндошувлар билан қуриб бўлмайди». Халқ сўзи газетаси. 17 феврал 2005 й.
6. Каримов И.А. «Бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким қайтара олмайди». Халқ сўзи газетаси. 17 май 2005 й.
7. Каримов И.А. «Минтақада хавфсизлик ва барқарорлик йўлида» Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида сўзлаган нутқи. Халқ сўзи газетаси. 7 июн 2005 й
8. Криминалистика, учебник, 1-қисм Тошкент 2003 йил.
9. Криминалистика, учебник, Москва, 1999
- 10.Криминалистика техникаси, ўқув қўлланмаси. “Комолот-қатортол” Тошкент.1999й
- 11.Проф.М.Х.Рустамбоев, доц.А.Норбоев “Криминалистика схемалар” Т. ТДЮИ. 2002 й.
- 12.Р.С.Белкин “Курс Криминалистики” 1,2том М. 1997 г.
- 13.Г.О.Зорин “Теоритические основў криминалистики” Минск “Амалфея” 2000г.
- 14.А.В.Дулов “Криминалистика” Минск 1998 г
- 15.“Криминалистика” учебник под редакции Н.П.Яблокова Изд “Бек” М.1996 г.
- 16.“Криминалистика” учебник под редакции В.А.Обрцова М. “Юрист” 2002 г.
- 17.ЎзР ЖПК Тошкент 2003 й
- 18.А.А.Токорков “Словестный портрет” практическое пособия. М.Юрист 1999г.

1. Одамнинг ташқи қиёфа тузилиши тушунчаси ва ундан идентификация қилиш учун фойдаланиш

Криминалистика техникасининг бу қисми одамларнинг ташқи қиёфа тузилишидан, унинг индивидуаллигидан, ҳар бир киши ўзига хос бўлган қиёфага эга бўлишидан тергов ва суд амалиётида қандай фойдаланишни ўргатади.

Диалектик материализмда моддий дунёдаги барча предметлар, жонсиз ва жонли объектлар, одамлар индивидуалдир, яъни уларнинг ҳар бир ўзига хос бўлган сифат ва хусусиятлари билан ўзига ўхшаш бўлган бошқа объектлардан фарқ қилади деб айтилган.

Ҳар бир одамнинг ташқи қиёфа тузилиши ўзига хос белгиларга эгадир. Гарчи ака-ука, опа-сингиллар, эгизаклар ташқи кўриниши жиҳатидан қанчалик ўхшаш бўлса ҳам, уларнинг айрим хусусий белгилари асосида бири-биридан фарқ қилиши мумкин.

Шунинг учун ҳам суд, тергов ва суриштирув амалиётида одамларнинг ташқи қиёфа белгилари асосида идентификация қилиш илмий жиҳатдан асослангандир.

Атоқли рус антропологи Д.Н.Анучин айтганидек, инсоннинг ташқи қиёфа хусусиятлари умр бўйи ўзгаришсиз ўтади, фақат баъзи бир белгилари, бўйи, қадди-қомати ва баданинг баъзи қисимлари размер жиҳатидан ўзгариши мумкин. Бу ўзгаришлар нисбий ҳарактерга эгадир.

Шу билан бирга инсон ташқи қиёфаси маълум муддат давомида ўзгаришсиз қолиб алоҳида индивидуалликка эга бўлади.

Одамни унинг ташқи тузилиш белгилари асосида тасвирлашни криминалистика фанида “Шахсни оғзаки тасвирлаш” деб атайдилар. Бу тасвирлаш усулини тергов ва суд амалиётида қўлланиши маълум аҳамиятга эгадир. Дастлабки тасвирлаш усули француз криминалисти А.Бертильон томонидан ишланган бўлиб, кўп вақт жиноятчиларни рўйхатга олиш учун қўлланилган. Кейинчалик рўйхатга олиш учун жиноятчиларнинг бармоқ изларининг хусусиятлари асос қилиб олинди, яъни дактилоскопик рўйхатга олиш учун қўлланадиган бўлди ва ташқи қиёфани тасвирлаш фақат идентификация қилиш учун асос бўлиб қолди.

Одамларнинг ташқи қиёфа белгилари асосида идентификацияни ўтказиш қуйидаги усулларда амалга оширилади.

1. Дастлабки тергов жараёнида таниб олишга тақдим этиш пайтида таниб олувчи киши танилувчи шахсни илгари кўрган бўлиб, унинг ташқи қиёфа тузилиш белгилари таниб олувчининг хотирасида сақланиб қолади.

2. Фотосуратда тасвирланган кишиларни идентификация қилиш усули асосан фотосуратларни ўзаро солиштириш методи билан амалга оширилади. Одамни ёки номаълум мурданинг фотосурати билан йўқолган кишининг фотосуратини ўзаро солиштириш йўли билан улар бир одамнинг суратини ёки бошқа-бошқа кишиларникими деган масала ҳал қилинади.

3. Кишиларни ташқи қиёфа белгилари асосида қидириш ва таниш усули қўлланади. Бунда жавобгарликдан бош тортиб, бедарак йўқолган кишиларнинг ташқи қиёфа белгилари асосида тасвирлаш методи ёрдами билан қидирув эълон қилинади.

4. Кишининг мурда, суяк қолдиқлари бўйича ташқи қиёфа хусусиятларини тиклаш мумкин. Бу ҳолда мурданинг бош суяги мум, парафин, пластилин ёрдами билан бет мускул қисимларини тиклаш мумкин ёки бош суягига ҳаёт вақтидаги фотосуратни солиштириш усули билан тиклаш мумкин.

Кишини аниқлаш, идентификация қилиш вақтида кийим-бош ҳам аҳамиятга эга бўлади. Бедарак йўқолган одамнинг яқин қариндош, оила аъзолари томонидан ариза тушади. Шу йўқолган одамнинг ташқи қиёфаси аризада тасвирлаб берилади, шу билан бирга қидирувни ташкил қилиш учун йўқолган киши қандай кийим-бошда эканлиги аниқланади, кийимнинг белги-хусусиятлари ташқи қиёфа белгилари билан бир қаторда таниб олиш ва идентификация қилиш учун фойдаланилади.

2.Ташқи кўриниш белгиларининг классификацияси.

Ташқи қиёфа белгиларини асосан икки гурппага бўлиш мумкин:

1. Анатомик белгилар кишининг умумий гавдасини, калла суягини, юзининг тузилишини ўз ичига олади. Бу гуруҳ белгилар киши туғилган вақтдан то умрининг охиригача ўзгаришсиз қолади. Одамнинг болалик вақтидан вояга етиши, ўсиши билан белгиларнинг размери ҳам катталашади,

лекин асосий моҳияти, тузилиши ўзгармай қолади. Шунинг учун ҳам бу қисимдаги белгиларни статик белгилар деб ҳам атайдилар.

2. Функционал белгилар кишиларнинг маълум ҳаракатлари жараёнида ҳосил бўлади. Масалан, юриш, кадам ташлаш, қўл ва бошқа аъзоларининг ҳаракати билан вужудга келувчи белгилардир. Бу группага кирувчи белгиларни динамик белгилар деб атайдилар.

Биринчи группа белгилар асосий ўрин тутди ва кишиларнинг ташқи қиёфасини тасвирлаганда муҳим роль ўйнайди, чунки уларни кўриш ва таърифлаш учун қандайдир шароитлар талаб қилинмайди.

Иккинчидан группа белгилар эса аксинча маълум шароитдагина вужудга келади. Масалан: кадам ташлаш хусусияти юриш вақтида, қўл ҳаракати, гапириш, нутқ сўзлаш вақтида ҳосил бўлади ва уларни ўша вақтдагина кўриш мумкин. Баъзи бир функционал белгилар анатомик белгилар билан боғлиқдир. ҳар қайси группадаги белгиларни алоҳида кўриб чиқамиз.

1. Анатомик белгилар. Уларга қуйидагилар киради:

а) одамнинг тана тузилиши, бўйи, баланд, ўрта ва паст бўлиши мумкин, эркаклар учун 165 см ўрта бўй, 170 см.дан юқори баланд, 160см.дан кам паст бўй ҳисобланиши мумкин, аёллар учун 155 см, ўрта, 150см.дан кам паст ва 160 см.дан юқориси баланд бўйли ҳисобланиши мумкин. Агар инсон бўйи 1 метрдан кам бўлса, пакана ҳисобланади;

б) шахснинг қадди-қоматининг умумий тузилиши: тўла семиз, қотма ва ориқ, баъзи ҳолда жуда ориқ бўлади;

в) калла шакли думалоқ, чўзинчоқ, тўртбурчаксимон, баъзида учбурчаксимон, размери катта, ўрта, кичик бўлади;

д) сочининг ранги: қора, малла, жигарранг, тузилиши жиҳатдан текис, тўлқинланиб турувчи ва жингалак, ўсиш ва тўқилиш жойига нисбатан тепа мияда, орқа қисмида соч кам ёки умуман кал бўлади;

г) бўйин: узун, йўғон, ўрта, тўла, ориқ;

е) елка курак тузилиши: тўғри ёки букчайган, олдинга қараган;

ж) қўллар: узун, калта, ўрта, кафт қисми катта, кичик, оёғлари узун, калта, тузилиши тўғри, қийшиқ;

з) бет-юзининг тузилиши шакл ва размерлар билан ифодаланади:

думалоқ, чўзиқроқ ёки тўртбурчаксимон. Пешана катта, кичик; ён

томонидан: текис, дўнг пешана ёки қийшиқ,

қош тўғри, ёйсимон; ўсиши: қалин, сийрак, бир-бирига қўшилган ёки оралиғи кенг, ранги сочидан фарқ қилса алоҳида кўрсатилади. Кўзлар: катта, ўрта, кичик; ранги: қора, ҳаво ранг, кўк, жигар ранг; шакли: юмалоқ, қийиқ (монгол-хитойларникига ўхшаш); жойланиши: чуқур, ўрта, бўртиб чиққан.

Бурун ён томондан: текис, ёйсимон ва паст (пучук), узун, калта ва ўрта; кенглиги (бурун асоси ёки катталигига нисбатан), катта, кенг, ўрта ва тор, кичик буруннинг учи кўтарилган ёки пастга қараган бўлади.

Лаблар: қалин, ингичка, йўғон. Энгак: шакл жиҳатдан думалоқ, учбурчак ёки тўртбурчаксимон, орқага ёки олдинга чиққан, ўртаси чуқурча, ариқча, қўшалок энгак ва ҳ.к.

Кулоқлар: катта, кичик, ўрта; шакли: думалоқ, учбурчак, чўзиқроқ, калла суягига нисбатан яқин жойлашган ёки аксинча шалпанқулоқ. қулоқнинг асосан, пастки зирак безаклари тақадиган жойи унинг шакли ва айрим белгилари алоҳида кўрсатилиши керак.

2. Функционал белгиларига гавданинг умумий ҳаракати, қадам ташлаши, қўл ҳаракати, овоз ва сўзлаш хусусиятлари киради.

а) гавданинг умумий ҳаракати: одамнинг юрган ёки бир жойда турган вақтида гавда ўзига хос шаклни ифода этади. Баъзилар бошини юқори кўтариб, кўкрак қафасини кенг, елкаларни тўғри, текис тутиб юради. Баъзилар бошни олдинга ёки ёнбошига энгаштириб, елка орқага чиққан бўлиб, гавда олдинга эгилган бўлади. Гавданинг ўзига хос ҳаракат хусусиятлари ёшлиқдан шаклланиб кўп йиллар ўзгаришсиз қолиши мумкин. Лекин шахс жисмоний бадан тарбия қилса, унга хос бўлган айрим белгилар ўзгариши мумкин, шунинг учун баъзи ташқи қиёфа белгилари ўзгарувчан бўлиб, уларнинг идентификация қилиш учун фақат бошқа белгилар йиғиндиси билан бир қатордагина қўлланиш лозим;

б) Қадам ташлаш: одам юриш процессида фақат унинг оёқларигина ҳаракат қилмай, балки гавдаси, қўллари ҳам ўзаро мосланиб ҳаракат қилади. Қадам ташлаш оғир, енгил, тез, секин, майда қадам, нотекис юриш, гавданинг чайқалиши ва шу каби хусусиятлари мавжуддир.

в) сўзлаш вақтида қўл ҳаракат қилади (жестикўляция). Бу хусусият турли шаклда ифодаланади, гапираётиб одам бир ёки иккала қўли билан ҳаракат қилади, ҳаракат тез ёки секин, қўллар кенг қулоч ёзади ёки сезилар-сезилмас қимирлайди, қўллар бир-бирини ушлаб, бармоқлари маълум ҳаракатда бўлади. Айрим шахслар қўлларини чўнтакда тутиб туришга одатланиб қолади, сўзлаганда ҳам шу ҳолат сақланади;

г) бет мускулларининг ҳаракати (мимика); кишининг ички кечирмалари асосида юзнинг мускуллари турли ҳаракатга киради, лабларни тишлаш, қошларни чимириш, баланд ёки паст тушириб сўзлаш ва кўзларни маълум вақтларда қисиб қараш одат бўлиб қолади.

д) инсоннинг овоз хусусиятлари: гапириш вақтида намоён бўлгани учун кишининг овоз хусусияти функционал белгилар қаторига киради. Овоз: баланд, ўрта, паст, йўғон, ингичка ва жарангловчи бўлади. Айрим шахслар бўғиқ (хирилловчи) ёки бурундан чиқувчи овозга эга бўладилар. Овоз тембри бўйича: бас, баритон, тенор, сопрано каби турларга бўлинади;

е) сўзлаш хусусиятлари: нутқ тез, ўрта, секин, хотиржам ва шошилиб сўзлаш, жумлаларни бир-биридан айрим, тўхтаб-тўхтаб сўзлаш. Сўзлаш жараёнида юз берадиган нутқ камчиликлари идентификация учун катта аҳамиятга эгадир. Буларга қуйидаги аломатлар киради: айрим ҳарфларни, товушларни нотўғри ифода этиш, тутилиш, дудуғланиш, нутқда маҳалий шевадаги сўзларни ишлатиш ва шу кабилар. Инсон ташқи қиёфасини тасвирлашда айрим кўзга ташланувчан белгилар алоҳида ўрин тутади. Улар тузилишидан мавжуд бўлади, шу билан функционал белгилар қаторида ҳам бўлиши мумкин. Оёқ ва қўлларнинг касаллик аломатлари, букри, қийшиқ, организмнинг бирор аъзосининг камчилиги, нор ва ҳоллар, сўғал ва тиртиғлар, чечак ёки бирон жаҳорат излари, татуировка (баданга игна билан ёзиш, расм чизиш), чўлоқланиш, тана аъзоларида камчилик ёки айрим белгилар (уч-тўрт бармоқли кафт ёки олти бармоқли қўл)ларни учратиш мумкин.

Кўрсатилган белгилар айниқса қидирув ишларида кейин қўлланилади. Одам портретини оғзаки тасвирлашда бу белгилар алоҳида группани ташкил қилади ва жинойтчиларни рўйхатга олишда, қидирувда катта роль ўйнайди.

Ташқи қиёфа белгилар асосида идентификация қилиш қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

Криминалистик экспертизасининг бир тури мурда суяк қолдиқлари (скелети) асосида ҳам ўтказилади. Бу метод атоқли рус антропологи А.М.Герасимов томонидан ишланган бўлиб, ҳозирги вақтда экспертиза практикасида кенг қўлланилмоқда.

Кишини аниқлаш асосан бош (калла) суяги орқали амалга оширилади. Калла суякдан фотосурат тайёрланади, сўнгра ўша кишининг ҳаёт вақтидаги суратидан шу размер ва шаклда репродукция тайёрланади. Иккала фототасвир позитив плёнкада тайёрланиб ва бир-бирининг устига қўйиб монтаж қилинади. Айрим асосий нуқталар бир-бирини қопласа бир шахснинг суяги ва фотосурати деган хулоса келиб чиқади. Бу метод фотомонтаж усули билан одамларнинг суяк қолдиқлари асосида шахсни аниқлаш дейилади.

Анатомия фанининг назарияси одамнинг суяк моддалари мускуллари билан пропорционалдир деб таъкидлайди. Криминалистика шу назарияга асосланиб скульптура реконструкцияси ёрдами билан калла суяк қисмига пластилин, мум ёпиштириш йўли билан бет қисмини тиклайди. Сўнгра ундан фото тайёрлаб ҳаётий фото билан фотомонтаж қилинади.

Экспертиза амалиётидан мисоллар: шахси номаълум аёлнинг мурдаси юзасидан ўтказилган экспертиза (Т. 1989-90)

- 12 ёшли ўғил болани суяк қисми (скелети) юзасидан ўтказилган скульптура ва фотоаникация орқали ўтказилган экспертиза, шахси конкрет аниқланган, жинойт содир қилиниб мурда чуқурга ташланиб, дарахт шахслари билан беркитилган 2 ойдан сўнг суяк қолдиқлари (скелети топилган ва антропологик-криминалистик экспертиза ўтказилган).
- Подшо Николайнинг суяк қолдиқлари асосида ДНК методи билан ўтказилган экспертиза текширувлари (Лондон-1997-1999) асосида аниқ хулосаларга келганликлари ҳақидаги маълумотлар. Ўз.Р да ана шу янги услубиёт ҳақидаги экспертиза имконлари ва криминалистик экспертиза муаммоларини ҳал қилиш перспективаси – Криминалистик Марказ директори Атохужаев С.нинг ўтказган маърузасидаги маълумотларнинг қисқача мазмунини келтириш.

**Мавзу: Материаллар, моддалар ва маҳсулотлар
экспертизаси**

Режа:

1. Материаллар, моддалар ва маҳсулотлар экспертизаси тушунчаси
2. Гиёҳванд воситалар ва психотроп моддалар экспертизаси
3. Экспертиза предмети, вазифалари ва ҳал этиладиган саволлари
4. Экспертиза объектлари
5. Экспертиза имкониятлари

Адабиётлар:

1. И.А. Каримов «Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» Т. 1997 й.
2. И.А. Каримов "Ислоҳатлар стратегияси-мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир" Тошкент - "Ўзбекистон" 2003 йил
3. И.А. Каримов "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқоролик жамияти асосларини шакиллантиришнинг асосий йўналишлари" Тошкент - "Ўзбекистон"

2002 йил

4. И.А. Каримов "Х,аётимизнинг, тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси"
Тошкент - "Ўзбекистон" 2002 йил
5. Криминалистика. дарслик Тошкент-2003й.
6. Криминалистики. учебник. Москва-2002г.
7. Зорин Г.А. «Теоритические основы криминалистики» Минск-
2000г.
8. Ўзбекистон Республикаси ЖПК. Тошкент-2001й.
9. Беков В.М. «Преступная группа криминалистические проблемы».
Тошкент-19 91 г.
10. Алимова Р.А, Отахўжаев С. «Суд экспертизасни ташкил қилиш ва
ўтказиш масалалари» Тошкент-2002й.
11. Рустамбоев М.Х., Норбоев А. «Криминалистика схемалар» ўқув
қўлланма. Тошкент-2002й.
12. Алимова Р.А, Норбоев А.Н ва бошқалар. «Криминалистика техникаси»
ўқув қўлланма. Тошкент-1999й.

Материаллар, моддалар ва маҳсулотлар криминалистик экспертизаси.

Материаллар, моддалар ва маҳсулотлар криминалистик экспертизаси тушунчаси .

Криминалистика техникасининг янги йўналиши материаллар, моддалар ва маҳсулотларнинг экспертизаси 1970-1980 йиллар мобайнида вужудга келган. Бу экспертизанинг илмий асослари ва амалиётда қўлланилиши А.Р.Шляхов, М.С.Митричев, М.В.Салтевский ва бошқа олимлар асарларида ўз ифодасини топган.

Экспертизанинг янги турлари вужудга келиши тергов ва суд амалиётида жиноий ишларнинг айрим ҳолатларини, белгилайдиган аҳамиятли фактларни аниқлаш учун махсус билимлар зарурати билан боғлиқдир. Масалан, амалиёт эҳтиёжида кийим-кечакларнинг ўзаро контактда бўлганлик фактини уларнинг юзасидаги бир-биридан ўтган микро толалар орқали аниқлаш зарурати толалари материаллар ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизасини вужудга келтирди. Бундай микротолаларнинг ўлжанинг ва жиноятчининг кийим-кечаклари курашиши пайтида бир-бири билан контактда бўлишлиги натижасида, транспорт воситасининг йўловчининг босиб ўтиш жараёнида, ўғрининг девордаги ёки шипдаги (томдаги) тор тиркичлардан ўтаётганида ҳосил бўлиши табиий воқелиқдир. Айрим кийимни ушбу ўтган микротолалар орқали таниб олиш ва шунингдек ўша объектларнинг ўзаро контактда бўлганлик фактини аниқлаш фақатгина криминалистик тадқиқотлар ёрдамида, криминалистиканинг методологик асосларига таянган ҳолда амалга ошириш мумкин. Бу шундан далолат берадики, фақат криминалистика жиноят содир қилинган жойидаги индивидуал-аниқ элементни аниқлаш, предметлар ўзаро алоқада бўлганлиги механизми ва шу каби масалаларни илмий асослари ва услубини илмий исботлаб ишлаб бериши мумкин.

Худди шу каби, лок-бўёқ материаллари ва қопламалари экспертизаси ҳам тергов ва суд амалиётидан, содир қилинган жиноятнинг илдизларини ўрганиш кераклиги эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда вужудга келди. Масалан, транспорт воситаси йўловчини уриб юбориши натижасида унинг кийимларида ҳар хил излар (пачоқланиш, йиртилиш ва лок-бўёқнинг микробўлаклари) пайдо бўлиши мумкин. Жиноятчининг ойна ёки эшикдан ўтаётганида, ёки сейфни, қулфни бузаётганда ҳам одатда шу каби излар пайдо бўлади.

Предметни ташқи кўринишининг хусусиятлари ёки ундан ажралган лок-бўёқ бўлакчалари билан солиштириш, ҳар хил излар орқали ушбу предметни бошқа предметлар билан ўзаро контактда бўлганлик фактини аниқлаш - буларнинг ҳаммаси ҳам индивидуалликни криминалистика услуобиётининг принциплари ва кўрсатмалари асосида англашга киради. Хусусан, мана шу мисолда жиноий ишнинг вазиятини аниқлаш, асосан, криминалистик техниканинг трасология бўлимининг услубий кўрсатмаларини комплекс равишда тадбиқ қилишга асосланади.

Нефт маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларининг экспертизаси ҳам терговнинг эҳтиёжи, яъни ишнинг батафсил вазиятини нефт маҳсулотларининг қолдиқларини тадқиқот қилиш йўли билан аниқлаш заруриятидан келиб чиққан. Масалан, қуролларни ўғирлаш ишларини тергов қилинаётганда ҳар хил предметлардаги мойлаш матириалларининг қолдиқлари (излари) ўрганилади. Шу каби излар жабрланувчининг кийимларида унга транспорт воситаларининг текканлиги натижасида ҳам пайдо бўлади. Ёқиб юборишлик фактлари бўйича ҳам жиноий иш вазиятини аниқлашда нефть маҳсулотларини таққослаб олиб бориладиган тадқиқотлари муҳим натижалар беради.

Материаллар, моддалар ва маҳсулотлар экспертизасини криминалистиканинг янги йўналишдаги мустақил бўлими тарзда вужудга келишлиги янги илмий муаммоларни қўйиш ва уларни ҳал қилишга олиб келди. Бундай муаммолар айниқса криминалистик идентификация назариясига тааллуқли бўлди. Ўз-ўзидан маълумки, бундай объектларнинг экспертизаси исботловчи маълумотларни ўзида сақлаган материал, модда ва маҳсулотларнинг ўзига хос хусусиятларга эгалиги билан боғлиқ. Хусусан, исботларни йиғиш пайтида ушбу объектларнинг субстанционал хусусиятлари (моҳияти) кўп жиҳатдан уларнинг табиати, келиб чиққан манбаи, қайси мақсадга мўлжалланганлиги, умумий ишлатиш шароитлари ва шунга ўхшашларга ҳам боғлиқ эканлигини инобатга олиш зарур. Бунда объектнинг қайси хоссалари мавжудлиги ва нима учун улар кўриляётган ишнинг вазияти билан боғлиқ эканлиги, улар исботлаш учун манба бўла оладими каби саволларни ечиш қийин масала бўлиб ҳисобланади.

Материаллар, моддалар ва маҳсулотларнинг криминалистик тадқиқотида идентификацион жараён деганда объектларнинг аниқ бир туркумга ёки гуруҳга тааллуқлиги ёки иш бўйича қидириляётган объектнинг айнанлигини аниқлашни тушуниш керак. Кўпинча уларнинг ўзига хос хусусиятларини анъанвий криминалистик идентификация

услуглари ёрдамида текшириб, шунинг учун бу объектлар бўйича асосан бир туркумга ёки гуруҳга эга эканлик масалалари ҳал қилинади.

Фан ва техникада қабул қилинган синфланиш бўйича объектларни аниқ бир кўпчиликка белгилаш уларни маълум бир туркумга тааллуқлигини кўрсатади. Масалан, текширилаётган шиша бўлакчаси қайси мақсадда ишлатишга мўлжалланганлиги бўйича нур ўтказувчи техник шишалар турига (материал тури аниқланган) ёки автомобил фарасининг нур тарқатувчи қисмига (маҳсулотнинг тури аниқланган) тааллуқли эканлиги кўрсатилган. Материаллар моддалар ва маҳсулотлар экспертизаси аниқ бир туркумга тааллуқлигини аниқлаш материалшунослик ва товаршунослик ҳар хил соҳаларининг кўрсаткичларидан фойдаланишга асосланган. Шу сабабли ҳар хил объектлар (текстиль маҳсулотлари, лок-бўёқ маҳсулотлари, нефт маҳсулотлари, пластмассалар ва улардан тайёрланган буюмлар ва ҳ) бўйича, рецептур-технологик кўрсаткичларни ўрганиш ва маълум тартибда йиғиш, сақлаш масалани ечишга катта ёрдам беради.

Материаллар, моддалар ва маҳсулотларнинг криминалистик экспертизасининг ўзига хослиги кўп жиҳатдан у ҳал қиладиган қуйидаги саволларда ўз аксини топган:

- экспертизага тақдим қилинган материал, модда ва маҳсулотнинг номи, келиб чиқиш манбаи ва қандай мақсадга мўлжалланганлиги аниқлансин;

- предмет ташувчида маълум бир турдаги материал, модда ёки маҳсулотнинг микро бўлакчалари борми;

- терговчи топган материаллар (материаллар моддалар ва маҳсулотларнинг микро бўлакчалари ёки микроизлари) маълум тукумдаги объектлар қатоорига кирадими;

- ушбу материаллар, моддалар ва маҳсулотлар умумий _/_ туркумга ёки гуруҳга тааллуқлими, агар шундай бўлса, қай бирига тааллуқли;

- тадқиқотга юборилган объектлар (материаллар, моддалар ва маҳсулотларнинг микро бўлакчалари ёки микро излари) иш бўйича қидирилиётган элементларни идентификация қилиш учун яроқлими, агар шундай бўлса улар қидирилаётган бутунлиқнинг бир қисмими ёки бир хил манбага эгами;

- микро бўлакчалар ва микро изларнинг пайдо бўлиш механизми қандай;

- аниқ предметлар бир бири билан ўзаро контакт таъсирида бўлганми;

- материал, модда ва маҳсулотнинг ишлаб чиқиш усули, тайёрлаш технологияси, ишлаб чиқарилган вақти аниқлансин.

Материаллар, моддалар ва маҳсулотлар криминалистик экспертизасининг объектлари бўлиши маълум шартлар билан: биринчидан, агар ушбу • предметларнинг айнан ўхшашлиги ҳал қилинса, иккинчидан фақат объектларнинг криминалистлар билан ўрганиладиган технологик ва эксплуатацион хусусиятларига тегишли саволлар ечиладиган бўлса, учинчидан идентификацион масалалари ҳал қилишда қўлланиладиган усулларни ҳақиқатдан ҳам ишонлилиги (илмий асосланганлиги) исботланса ва тўртинчидан, диагностик масалалар идентификацион масалалар билан биргаликда ҳал қилинса. Материаллар, моддалар ва маҳсулотларнинг криминалистик экспертизаси ҳар бир турининг мавзуси ва объектлари кўрсатилаётганда шу тўртта талабга риоя қилиш керак. Акс ҳолда бу экспертизаларни нокриминалистик экспертизалардан ажратиш қийин бўлади ва ушбу экспертизаларнинг назарий масалаларини ва эксперт тадқиқот услубларини мақсадга мувофиқ равишда ишлаб чиқишликда маълум қийинчиликларга дуч келиш мумкин.

Материаллар, моддалар ва маҳсулотларнинг криминалистик экспертизаси умумий бир йиғинли тушунча бўлиб аслида далилий ашёлар криминалистик экспертизаларининг кўпгина мустақил турларини ўзида мужассамлаштиради. Бу экспертизалар бажарилишида, айниқса, оз миқдорда бўлган намуналарни текшириш учун кимёвий, физика-техник, биологик ва математик усуллар қўлланади. Улар ёрдамида текширилаётган объектларнинг мофологик хусусиятлари, ультрамикроструктураси, физик хоссалари, кимёвий элемент ва молекуляр таркиблари ўрганилади. Бу гуруҳга ривожланиб бораётган қуйидаги ўндан ортиқ криминалистик экспертиза турлари киради:

1. Гиёванд воситалар ва психотроп моддалар экспертизаси;
2. Нефт маҳсулотлари ва ёнилғи-мой материаллари экспертизаси;
3. Лок-бўёқ материаллари ва қопламалари экспертизаси;
4. Тола, толали материаллар ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизаси;
5. Металлар, қотишмалар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар экспертизаси;
6. Тупроқли объектлар (тупроқшунослик) экспертизаси;
7. Шиша, керамика (сопол), фарфор ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизаси;
8. Полимер моддалар, пластмасса ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизаси;
9. Таркибида спирт бўлган суюқликлар (вино, ароқ, коньяк экспертизаси).

10. Биологик объектлар (ўсимликлар, тери, ҳайвон жуни, қушлар пати, пар-пати, балиқлар ва ҳ) экспертизаси.
11. Табиати номаълум бўлган органик ва норганик маоддалар экспертизаси.

Ўзининг хилма-хил табиатига эга эканлиги (толали ва лок-бўёқ материаллари, нефт маҳсулотлари, тупроқ, шиша, металл ва қотишлар, ўсимлик хом-ашёси ва ҳ) ва ҳар хил мақсадлар учун мўлжалланганилигидан қатъий назар, материаллар, моддалар ва маҳсулотларнинг криминалистик экспертизаси, криминалистик техника ривожланишининг ягона бир йўналиши бўлиб ҳисобланади. Барча турдаги объектлар учун бир хил тоифадаги вазифалар (излаб топиш, табиатини белгилаш, идентификация қилиш, ўзаро контакта бўлганлик фактини аниқлаш) ҳал қилинади, жумладан, керакли тадқиқотлар-криминалистиканинг бир хилдаги услубиёт (методологик) принциплари ва услубий (методик) кўрсатмалари асосида олиб борилади. Ушбу тадқиқотларни олиб бориш учун криминалистик фонд кўрсаткичлари ҳамма объектлар учун ҳам ягона бир йўналиш бўйича (маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ бўлган рецептура ва технологик кўрсаткичларни маълум бир тартибга солиш, ишлатилганда вужудга келган махсус хусусиятларини аниқлаш ва хоказо) яратилади. Тадқиқотларни тўлиқ ҳажмда бажариш учун ҳам иш учун муҳим бўлган бирламчи аниқ кўрсаткичларнинг барчаси (объектнинг келиб чиқиши, ишлатилганлигининг хусусиятлари ёки кўрилатган ишнинг вазиятларидан вужудга келган ўзгаришлар) керак бўлади. Экспертизани тайинлашдан аввал олиб борадиган терговчининг ҳаракатлари ҳам (объектларни топиш, бирламчи кўздан кечириш, қўшимча маълумотлар йиғиш, намуналарни экспертизага тайёрлаш ва хоказо) барча объектлар учун бир хил йўналишда олиб борилади.

Жиноий ишлар бўйича тергов ҳаракатларини олиб бориш жараёнида материаллар, моддалар ва маҳсулотларнинг криминалистик текшируви асосан икки шаклда олиб борилади: ашёвий далилларнинг бирламчи тадқиқоти кўздан кечириш терговчи, суд томонидан олиб борилса, криминалистик экспертизалар махсус экспертиза муассасаларида ўтказилади. Турли хилдаги микробўлакчалар, микрозаррачаларни аниқлаш, объектларнинг ташқи кўриниш хусусиятлари бўйича ажратиш мақсадида ўтказиладиган бирламчи тадқиқотларни бажаришда объектларнинг сарфланишига ва уларнинг кимёвий ва физикавий хусусиятларининг бузилишига йўл қўймайдиган усуллар (фотография, микроскопия, ультрабинафша ва инфрақизил нурлари, оддий кимёвий тестлар) қўлланилади.

Криминалистик техника воситалари ва усулларнинг асосий қисми ушбу объектларнинг экспертизасини бажарилиш жараёнида қўлланилади. Бу воситалар ва усулларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

-материаллар, моддалар ва маҳсулотларнинг кимёвий-физикавий ва бошқа хоссаларини ўрганишга имкон берадиган техник воситалари ва усуллар;

-таққослаш тадқиқотларида объектларнинг бир-бирига ўхшашлик ёки фарқ қиладиган хусусиятларини аниқлаш учун қўлланиладиган техник воситалари ва усуллар;

-эксперт томонидан олинган натижаларни тўғри баҳолаш учун ишлатиладиган усуллар ва техник воситалари.

Объектларнинг ташқи ва ички тузулишини ўрганиш оптик ва электрон микроскопия усуллари ёрдамида амалга оширилади. Морфологик тадқиқотлар макро, микро, ультрамикро даражасида олиб борилади.

Материал ва моддаларнинг таркибий анализи (элемент, изотопли, молекуляр, фазали, фракцион) юпқа қатламли ва газ, суюқлик хроматография, хромато-масс-спектрометрия, элемент-спектрал анализ, лазерли ёки рентген микроспектрал анализлари, атом абсорбцион усуллари ёрдамида ўтказилади.

Моддаларнинг тузулишини (структурасини) ўрганишда молекуляр анализ (ультра-бинафша ва спектрнинг кўринадиган қисмидаги спектрофотометрия усуллари, инфрақизил спектрометрия) ва рентгенография ва металлография усуллари қўлланилади.

Аналитик мақсадлар учун кўпинча кенг тарқалган илмий асбоб-ускуналар, (спектрограф, спектрофотометр, хроматограф, хромато масс-спектрометр, микроскоплар, рентген аппаратлари, палярограф, ишлатиладиган бўлсада криминалистик мақсадлар учун (масалан, микро заррача, микро бўлакчаларни ўрганишда, объектларнинг айрим хусусий хоссаларини аниқлашда) махсус аппаратлар, микрофотографик жихозлар қўлланилади.

Бу усул ва техник воситалардан ташқари материал ва моддаларнинг айрим хосса ва хусусиятларини (масалан, термоэлектрик хоссаси, ранги, магнит сингдирувчанлиги, шиша ва минералларнинг синдириш кўрсаткичи, шишаларнинг оптик бир-жинсли эмаслиги, толаларнинг нурни қутблантириши ва ҳоказо) ўрганиш учун махсус техник воситалари ҳам ишлатилади.

Гиёванд воситалар ва психотроп моддалар экспертизаси

Экспертизанинг предмети, вазифалари ва ҳал этиладиган саволлари

Турли хил тоифадаги жиноий ишлари (одам ўлдириш, зўрлаш, кўзбўямачилик, ўғрилиқ ва бошқалар) кўриш жараёнида гиёванд ва кучли таъсир қилиш хусусиятларига эга бўлган дорилар: наша, кўкнор, кока ва бошқа ўсимликлардан қўлда тайёрланган гиёванд воситалари ва психотроп моддалар ашёвий далил сифатида учраши мумкин. Ушбу воситалар ва уларни қўлда ёки саноат усули билан тайёрлашда ишлатиладиган хом ашёлар (прекурсорлар) гиёванд воситаларини ноқонуний тайёрлаш, сақлаш, сотиш, истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган жиноят ишларини (Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 270-276 моддалари) юритиш жараёнида асосий ашёвий далил бўлиб ҳисобланадилар.

Махсус билимлар асосида текширилаётган моддаларни, табиатини аниқлаш, маълум бир синфга, турга тааллуқлигини текшириш, муайян масса билан солиштириш, ўхшатиш билан боғлиқ бўлган ҳамда уларнинг ўсган жойи, вақти ва ишлаб чиқариш усулини аниқлаш ёрдамида иш ҳолатларини таърифламоқ ушбу экспертизанинг предметиدير.

Гиёванд воситалари ва психотроп моддаларнинг криминалистик экспертизаси орқали қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш мумкин:

- модданинг гиёванд воситаларига тааллуқлигини ва унинг турини аниқлаш;

- гиёванд воситаларининг майда зарраларини, юкларини ҳар хил буюмларда, кийимда, чўнтакда рўмолчада, транспорт воситаларида ҳамда гиёванд воситаларни тайёрлашда ишлатиладиган асбобларда (элак, шприц, игна, чилим) топиш;

- гиёванд воситаларини ишлатилган хом-ашёнинг хусусиятлари, қайта ишлаш усули, сақлаш шароитлари бўйича умумий бир гуруҳга тааллуқлигини аниқлаш;

- гиёванд воситаларининг муайян массасини ундан бўлак ҳолдаги парчаси билан таққослаш, ва умумийлигини аниқлаш;

- гиёванд воситаларининг ишлаб чиқариш усули, технологияси ва қўлда ишлаб чиқаришнинг бошқа хусусиятларини аниқлаш.

Ҳар хил буюмларда сақланадиган кам миқдордаги моддаларни аниқлаш, уларнинг табиатини ўрганиш ва

таққослаш билан боғлиқ бўлган масалаларни текшириладиган объектларнинг умумий турдош(туркумдош)лигини билиш, маълум бир объектни солиштириш йўли билан субстационал ва функционал белгилари бўйича бирлигини топиш, келиб чиқиши умумий манбага тааллуқлигини аниқлаш гиёванд моддалар криминалистик экспертизасининг муҳим вазифаларидир.

Ушбу экспертиза олдига юқорида қайд этилган вазифалардан ташқари солиштириш йўли билан боғлиқ бўлмаган, чунончи гиёванд воситаси ёки психотроп моддасининг тайёрланган вақти, усули ва техник ҳолатини аниқлаш каби вазифалар ҳам қўйилиши мумкин.

Экспертиза олдига қўйиладиган саволлар қисқа аниқ, экспертнинг билимига тааллуқли бўлиши керак. Юқорида кўрсатилган вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидаги саволлар қўйилиши тавсия этилади.

-Мусодара қилинган модданинг табиати аниқлансин, агар у гиёванд воситаси ёки психотроп моддаси бўлса, қайси турга мансуб?

-Экспертизага тақдим этилган объектларда (шприц, игна, шиша идишда, кийимда, қоғозда пактеларда) гиёванд воситалари ва психотроп моддаларнинг қолдиғи борми.

-моддалар таркибидаги гиёванд компонентларнинг миқдори қанча.

-экспертизага тақдим қилинган ўсимлик қайси турга мансуб ва унда гиёванд моддалар борми.

-гумон қилинаётган шахсдан ва унинг уйдан олинган моддалар умумий бир тур ёки туркумга мансубми, агар шундай бўлса, айнан қайси тур ёки туркумга тааллуқли.

-мусодара қилинган моддалар умумий манбаага (умумий массага) мансубми?

-ушбу моддалар олинган хом-ашё, ўсган жойи, тайёрланиш, ишлаб чиқариш усули ва сақланиш шароити бўйича умумий манбаага мансубми?

-мусодара қилинган ўсимлик маълум бир томорқада ўсганми?

Юқорида келтирилган кўп ҳолларда учрайдиган саволлардан ташқари экспертиза олдига жиноят ишлар бўйича тергов олиб бориш жараёнида туғиладиган бошқа саволлар ҳам қўйилиши мумкин.

Экспертиза объектлари

Гиёванд воситалар ва кучли таъсир этувчи дори-дармонларни криминалистик тадқиқоти қуйидаги объектларга нисбатан олиб борилиши мумкин.

Наша ўсимлигидан қўлда тайёрланган гиёванд воситалари (гашиш, каннабис, каннабис смоласи, суюқ гашиш, каннабиснинг экстракти ва эритмалари); кўкнори ўсимлигидан тайёрланган гиёванд воситалари (опий, унинг эритмалари ва экстракти, унинг концентрати) ҳамда наша ва кўкнори ўсимлиги ва уларнинг майдаланган бўлаклари.

-саноат усули билан ишлаб чиқарилган гиёванд воситалари;

-гиёванд воситаларининг юкларини, изларини ўзида сақлайдиган турли хил предмет ва буюмлар (шприц, игна, элак, чилим, рўмолча, чўнтак ва ҳ);

-табиати ноаниқ бўлган моддалар, шу жумладан дори воситалари.

-одам ҳаётига салбий таъсир қиладиган ҳар хил касалликларни, нерв психологик ўзгаришларни, шу жумладан, гиёвандликнинг оғир турларини келтириб чиқарадиган фармакологик жиҳатдан ўта кучли бўлагн ўсимликлардан ёки сунъий усул билан олинган воситалар (БМТнинг 1961 йилдаги Конвенциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июлдаги 293 сонли қарорига асосан гиёванд воситалар туркумига 159 та моддалар киради.)

Наша ўсимлигидан (СаппаМз Ъ.) олинадиган гиёванд воситалари. Бу гуруҳга таркибида физиологик актив модда титрогидроканнабинол бўлган, наша, каннабис (марихуана) наша смоласи, сўюқ наша, нашанинг экстракти ва эритмалари киради, булар қуйидагилардир;

-Наша ўсимлигининг гулидан иборат ўсимлик массаси (каннабис);

-наша ўсимлигининг йирик поя барглари ва гулидан иборат ўсимлик массаси (каннабис);

-майдалаш даражаси ҳар хил бўлган наша ўсимлигининг гули ва йирик поя баргларида иборат аралашма (каннабис);

-кукун ҳолатигача махсус майдланган наша ўсимлигининг гули ва барглари (наша кукуни);

-прессланган наша кукуни (ҳар хил шаклда, катталиқда пресслаш даражаси билан фарқланади: плита, соққача, бўлакча ва сочма шаклида);

-наша ўсимлигидан олинган тозаланган смоладан иборат бўлган ҳар қил суюқликдаги смоласимон наша (кичик плита, бўлақлар ва соққачалар шаклида);

-суюқ ва қуюқ ҳолатидаги наша ўсимлигининг органик таркибий қисми экстрактидан иборат бўлган масса-суюқ наша;

-суюқ нашадан эритувчи моддани бутунлай буғлантирилгандан кейин олинган экстракцион суюқ наша;

-ўсимлик мойи билан қовурилган ҳар ҳил майдаликдаги наша ўсимлигининг массаси.

Юқорида кўрсатилган гиёванд воситалари атайлаб экиб ўстириладиган наша ўсимлигидан, кўпинча эса ёввойи наша ўсимлигидан кўлда тайёрланади.

Кўкнори ўсимлигидан (Рарапег 8оттҒегит Ы/) олинадиган гиёванд воситалари.

Бу гуруҳга таркибида опийнинг алколидлари (борвин, кадин, тибайн, папаверин, наркотин) бўлган гиёванд воситалари; опий, кўкнори ўсимлигининг бошоғи ва бошқа қисмларининг майдаланган бўлаклари, уларнинг экстракти ҳамда эритмалари киради.

Опий кўкнори ўсимлигининг бошоғи қирқилган жойларидан ажралиб чиқадиган, тезда қуриб қолиш хусусиятига эга бўлган ширадир. У ташқи кўриниши билан смолага ёки қаттиқ бўлакчага ўхшаган масса бўлади, гоҳо тўқ жигарранг ёки қўнғир рангли таъми аччиқ порошок сифатида ҳам учрайди.

Қуритилган опий (опий-хом-ашёси) тўқ кулранг ёки қўнғир рангли, қўланса ҳидга эга. Опийнинг 25 фоизини алкалоидлар ташкил қилади, уларнинг асосийлари морфин, кодеин, тебайн, папаверин ва наркотиндир. Бу алкалоидлардан ташқари опийнинг таркибида смолалар, тўйинган кислоталар, оксил ва бошқа моддалар ҳам мавжуд. Кўкнори ўсимлигининг майдалангани-кўкнори ўсимлигининг бошоғи ва барча қисмлари (уруғидан ташқари) дан тайёрланади.

Майдаланган кўкнорининг концентрати кўкнори ўсимлигининг майдаланган қисмларини қайноқ сув еки бошқа бир эритувчи ёрдамида экстракция қилиниб олинган экстракцияни смола ёки қаттиқ ҳолатгача буғлантириб тайёрланади

Сунъий гиёванд воситалари. Бу гуруҳга гиёҳванд воситаларининг кўпчилиги-ишлаб чиқариш, тиббий амалиётда одамлар учун қўллаш ҳамда китоблар ва услубий қўлланма. рецептураларга киргизишга ман этилган воситалар киради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июлдаги 293-сонли қарорининг 1 рўйхатида кўрсатилган 150 та сунъий гиёҳванд воситалари бошқа бир камроқ активли гиёҳванд воситаларидан еки бошқа хом-ашелардан кимевий усул билан олинади. Ушбу воситаларининг кўпчилиги аморф ва кристалл порошок бўлиб, тоза кимевий модда эма, балки, уларнинг таркибида бошқа моддалар ҳам мавжуд. Ушбу моддалар таркибида гиёванд моддалари жуда оз миқдорда бўлса-да, лекин улар наркотик эффект бериш хусусиятига эга.

чиқариладиган гиёванд воситалари.

Ушбу гуруҳга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июлдаги 293-сонли қароридаги 2 рўйхатда кўрсатилган 61 та дори воситалари киради. Улар гиёвандлик хусусиятига эга воситалар ва психотроп моддаларга бўлинади. Биринчи гуруҳга асосан опий алкаоидлари, унинг ҳосилалари ва сунъий равишда олинган моддалари киради (омнопон, морфин, кодеин, тебаин, промедол, фенадол, фентанил ва бошқалар) Психотроп моддаларга фенамин психостимуляторлари (феномин, метилфенидат, фенатин, фенциамидин ва бошқалар) киради. Булардан ташқари гиёванд воситаларига кокаин, промедол ноксирон ва сомбревин каби моддалар ҳам киритилган.

Материалларни экспертиза таҳлилига сифатли ва етарли ҳажмда тайёрлаш катта аҳамиятга эга. Кўпгина гиёванд воситалари ўсимликлардан тайерланганлиги еки суюқ ҳолда бўлганлиги сабабли уларнинг хусусиятлари ўзгариб кетмаслиги учун айрим эҳтиёткорликларга риоя қилиш керак. Бу моддаларнинг микроқолдиқлари еки микроизлари турли хилдаги ташувчи-объектларда уларга қўшилган еки суркалган ҳолда -айниқса кийим чўнтақларида, шиша идишлар, пиелалар, шприцлар, игналар сатхларида, қўлбола усулида тайерлаш жараенида ишлатиладиган ҳар хил материал ва жиҳозларда (пресс-форма, элак, пичоқ ва ҳакозо) бўлиши мумкин. Гоҳида эса, сигарет ва папирослар гиёванд воситаларининг эритмалари билан шимдирилган ҳам бўлади.

Гиёванд воситаларининг ўзига хос хусусиятлари, ҳажми ва шаклини ҳисобга олган ҳолда экспертиза объектларини тайерлаш керак. Чунончи ушбу воситаларининг ҳар хил ташувчи-объектларида мавжудлигини аниқлаш учун улар шундай ўралиши керакли, бошқа бегона моддалар билан ифлосланмасин еки ўша оз миқдордаги модда йўқолмасин. Бир хил органик моддаларининг, айнақса наша ва марихуанадаги каннабиноидларнинг вақт ўтган сари таркибий жиҳатдан ўзгарувчанлик хусусиятларини ҳисобга олиб, улар экспертиза муассасига иложи борица тезликда юбориш керак.

Гиёванд воситаларининг эритмалари, экстрактлари буғланиб кетмаслиги, қотиб қолмаслиги учун оғзи маҳкам епилган идишга беркитилиши лозим.

Айнақса идентификацион саволлар ҳал қилинадиган бўлса, суюқ, еки кукунсимон ҳолдаги моддаларни экспертизага иложи борица олинган миқдорини ҳаммасини юбориш керак, агар кўп миқдорда олинган бўлса, экспертизага тақдим қилинган қисми

умумий олинган массанинг фракцион ва компонент таркибини, морфологияси ва шу каби барча хусусиятларини ўзида акс этиши лозим. Бу мақсадда олинган массаларининг турли жойларидан ва чуқурликларидан 10-20г.дан жами 4-5та намуна 50-100 г олинади. Суюқ ҳолдаги моддалар намуна олишдан олдин яхшилаб аралаштирган бўлиши керак.

Наша, кўкнори ўсимликлари экспертизага қуритилган ҳолда юборилиши керак, ҳўл ҳолатида уларнинг кимёвий таркиби

ўзгариши, ҳар-хил хашоратлар, масалан, куя таъсирига дучор бўлиши мумкин.

Ўсимликларнинг турини аниқлаш керак бўлса, уларнинг барча бўлаклари, (илдизи, шахи, гули, баргалари) сақланган бўлиши лозим.

Гиёванд воситаларнинг ишлаб чиқариш усулини аниқлаш учун уларнинг намуналаридан ташқари ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган асбоблар (пресс, форма, элак, майдалагич ва ҳоказо) юборилиши керак.

Наша ва кўкнори ўсимликларининг ўсган жойини ёки ривожланиш фазасини аниқлаш мақсадида бу ўсимлик бошқа ашёвий далиллар олинган куниёқ олинishi лозим. Ўсимлик билан бирга тупроқ намуналари ҳам (15-20 см чуқурлигидан 100-150 грамм) олинib, экспертизага юборилиши керак.

Экспертиза имкониятлари

Қўйилган масалаларни илмий асослаб ҳал қилишлик гиёванд воситалари ва психотроп моддаларининг криминалистик экспертизасини комплекс усуллари қўллаш йўли билан эришилади. Бу воситаларнинг комплекс таҳлили: экспертлик кўздан кечириш, морфологик ва биологик тадқиқот, молекуляр, элемент таркибини аниқлаш; топилган хосса ва хусусиятларига баҳо бериб, улар асосида хулоса беришдан иборатдир.

Тадиқикотларнинг аниқ бир йўналишини (схемасини) танлаб олиш қўйилган саволлар, таҳлил қилинадиган объектлар эксперт қўллайдиган техник воситаларга боғлиқдир.

Тадиқикотнинг бошланиш босқичи объектлар синчиклаб кўздан кечирилади (аввал визуал тарзда, сўнгра микроскоп орқали ултрабинафша нурури остида). Бунда объектнинг умумий кўриниши (шакли), ҳажми, консестенцияси, ҳиди, ранги майдаланганлик даражаси, унда бегона моддаларнинг бор йўқлиги, трасологик хусусиятлари аниқланади.

Объектларда (намуналарда) бегона моддаларнинг (тупроқ, тамакаи, кристалл моддалар, ўсимлик қолдиқлари) бўлиши ушбу объектни тайёрлаш усули, сақланган ва истеъмол қилинган шароитлари тўғрисида муҳиммаълумотлар бериши мумкин. Тадқиқотнинг ушбу босқичидаёқ гиёванд воситаларини олиш технологияси (усули), қўлланилган хом-ашё, сақланиш шароитлари ва шу кабилар асосида бирламчи дифференциация қилиш мумкин. Тадқиқотнинг иккинчи қисмида трасологик, морфологик ва микроскопик таҳлиллар ўтказилади.

Трасологик тадқиқотлар таҳлил қилинаётган объектларнинг бир бутунга ёки бир манбаага тааллуқлилиги, сақлаш шароити ишлаб чиқариш усули каби ҳолатларни аниқлаш учун ўтказилади. Одатда бандай тадқиқотлар ўзгармас шаклга эга бўлган гиёванд воситаларига, гиёванд воситаларини тайёрлашда ишлатиладиган асбоблар ва кадоқловчи материалларга тааллуқлидир.

Морфологик ва микроскопик тадқиқотлар наша ва кўкнори ўсимлигининг тузулиш хусусиятларини, бегона моддаларнинг (бегона ўсимлик микроорганизмлар) бор йўқилигини, кристалл ёки аморф гиёванд воситаларнинг анатомик-морфологик хусусиятларини ўрганишда қўлланилади.

Гиёванд воситалари ва психотроп моддаларининг молекуляр таркиби кимёвий хроматография, ультрабинафша ва инфрақизил спектрофотметрия, масс-спектрометрия усуллари ёрдамида ўрганилади.

Кимёвий усуллар гиёванд воситалари қайси турига тааллуқлилиги, уларнинг таркибида органик моддаларнинг қайси гуруҳлари борлигидан дарак беради.

Хроматография усуллари (юпка қатламли хроматография, газ суюқлик хроматография) гиёванд воситалар ва психотроп моддаларини сифат ва миқдорий жиҳатдан таҳлил қилишда кенг қўлланилади. Улар ёрдамида ушбу воситаларни таркибида қандай актив компонент борлигини ва уларнинг миқдори аниқланади.

Наша ўсимлигидан олинган гиёванд воситалари таркибида асосий каннабиноидлар (тетрагидроканнабиноит, каннабидион, каннабинол) ва уларнинг пропил гомологлари ҳамда оз миқдорда бўлган бошқа моддалар хроматография усуллари билан аниқланади.

Кўкнори ўсимлигидан олинган гиёванд воситаларида эса опийнинг алколоидлари: морфин, кодеин, тебаин, наркотин, папаверин ва бошқалар аниқланади.

Психотроп моддалар, сунъий гиёванд воситалари таркибида асосий актив компонент ва қўшилган бегона моддалар аниқланади, масалан. героинни таҳлил қилишда ундаги актив компонент диацетилморфин ва унга қўшиладиган бошқа моддалар (кофеин, амидопирин, диазепам) аниқланади.

Хромато-масс-спектрометрия усули аниқ ва сезгирлиги жуда юқори бўлганлиги учун гиёванд воситалари, психотроп моддаларнинг молекуляр таркибини ўрганишда, айниқса, уларнинг экспертизага юборилган миқдори кам бўлганда, қўлланилади.

Ультрабинафша ва инфрақизил спектрофотометрия усуллари. Гиёванд воситалар ва психотроп моддалар ҳамда табиати ноаниқ моддаларнинг молекуляр таркибини аниқлашга имкон беради. Бу усуллар ҳам ўта сезгир бўлганлиги учун кам миқдордаги ашёвий далилларни таҳлил қилишда ишлатилади.

Спектрал усуллар. (эмиссион, атом-абсорбцион, нейтрон-активацион ва рентген спектрал усуллари) ёрдамида гиёванд воситалари ва психотроп моддаларининг элемент таркиби (макро ва микро элементлари) аниқланади.

Текшириладиган объектларни бир гуруҳга тегишлигини ишлатилган хом-ашё, тайёрланиш услуби, ишлаб чиқариш усули ва сақланиш шароити бўйича умумий манбаага мансублиги каби масалаларни ҳал қилиш учун юқорида кўрсатилган комплекс усулларни қўллаш лозим.

Мавзу. Металлар, қотишмалар ва улардан тайёрланадиган маҳсулотлар экспертизаси

Экспертизанинг предмети, вазифалари ва ҳал қилинадиган саволлари.

Металлшунослик, физика ва криминалистика соҳасидаги махсус билимлар асосида олинadиган маълумотлар орқали кўриладиган иш вазиятини, ҳақиқатни аниқлаш, металлар, эритмалар, (қотишмалар) ва улардан тайёрланадиган буюмлар экспертизасининг предмети ташкил қилади.

Бу экспертизанинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

-металларнинг қолдиқларини ва турларини топиш, уларни қандай мақсадларларда ишлатилишини аниқлаш;

-металларнинг сифат ва миқдорий жиҳатдан кимёвий таркибини аниқлаш;

-металлар ва улардан тайёрланган буюмларнинг туркумий (гуруҳий) тааллуқлигини аниқлаш;

-металлардан тайёрланган муайян буюмларни таққослаш ва уларнинг ишлаб чиқариш манбаини аниқлаш;

-металл бўлакчалари бир бутунни ташкил қилганлигини аниқлаш.

Биринчи гуруҳ масалаларни ҳал қилиш учун саволлар қуйидагича таърифланиши мумкин;

-ашёвий далилларда қимматбаҳо металл (олтин, кумуш, платина) борми?

-текширишга тақдим қилинган ашёвий далилларда металл заррачалари борми, бўлса металлларнинг қандай турига киради?

-гумон қилинаётган шахснинг кийимида металл (масалан, пўлат, мис) қириндилари, кукунлари борми?

-текширишга юборилган металл қандай буюмлар тайёрлашга мўлжалланган?

-автомобиль қанотининг ботган юзасида мис ва хром борми?

-жабрланувчининг ярасидан олинган заррача металлданми, агар шундай бўлса, унинг таркибида қандай металллар бор?

Иккинчи гуруҳ масалалар қуйидаги саволларни қўйишни тақозо этади:

-текширишга юборилган буюмлар (билакузук, тиш қопламаси) бир хил қотишмалардан тайёрланганми?

-воқеа жойидан олинган пичоқ ва А.нинг уйдан олинган пичоқлар, пичоқларни тайёрлаш учун ишлатиладиган пўлатнинг бир навидан тайёрлангани, агар шундай бўлса айнан қайси навидан?

-узукларнинг метали ва гумонланувчидан олинган металл бўлакчалари таркиби бўйича умумий бир гуруҳга тааллуқлими?

-воқеа жойидан олиган тугмача ва гумонланувчи шахснинг шимидаги тугмачалар ишлаб чиқарилганлик ва ишлатилганлик хусусиятлари билан умумий гуруҳга тааллуқлими, шундай бўлса қайси гуруҳга?

Муайян объектларни таққослаш мураккаб масала, бунинг сабаби ҳалқ хўжалигини стандартлаштириш ва металл қотишмаларидан тайёрланган буюмларнинг кенг тарқалганлигидандир. Таққослаш тавсифига эга бўлган саволларни қуйидагича таърифлаш мумкин.

-воқеа жойидан олинган металл бўлаги гумон қилинаётган шахсдан олинган пичоқнинг қисми бўлиши мумкинми?

-текширишга юборилган тиш қопламалари гумон қилинаётган шахсдан олинган қотишмадан ясалган бўлиши мумкинми?

-гумон қилинаётган шахсдан олинган ясама пичоқ унинг уйидаги пўлат варақлардан ясалганми?

-олинган узуклар умумий бир ишлаб чиқариш манбаига эгами?

Экспертиза объектлари

Металл қотишмалар ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизаси объектлари сифатида қуйидагилар кўпроқ тарқалган:

- пўлат металллар;
- нодир қимматбаҳо металллар (олтин, кумуш, платина)дан ясалган буюмлар ва қопламалар;
- мис, алюмин ва уларнинг қотишмаларидан ясалган буюмлар;
- қўрғошин, қалай, мис ва ҳоказо буюмларнинг металлашган излар тушган маҳсулотлар;
- жиноятни содир қилишда ишлатилган санчадиган, кесадиган ва чопадиган қуроллар (пичоқ, болта, ханжар ва б);
- қулф ва сейфларнинг металл қипиқлари ва қолдиқлари;
- пўлат, алюмин ва мисдан ясалган симлар;
- автотранспорт ва бошқа механизмларнинг бузилган металл қисмлари;
- симлари шикастланган электр лампалар.

Кўпинча қимматбаҳо металллардан ясалган буюмлар. қопламалар (узуклар, билакузуклар, занжирлар, тиш қопламалари), махсус техник мақсадларига мўлжалланган буюмлар экспертиза объектлари бўлади.

Ашёвий далилларни ва намуналарни экспертизага тайёрлашда ўта эҳтиёткор бўлиш ва бу жараёнга диққат билан ёндошиш лозим: металл буюмларнинг текшириладиган юзалари ёки улар билан туташиб турган буюмлар (масалан, таққосланаётган маҳсулотлар, металланиш изи бор деб тахмин қилинган кийимнинг бир қисми, қиринди) бўлак-бўлак паектларга жойланади.

Саноат усулида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга қўйиладиган талабларни белгиловчи ГОСТ, ОСТ, ТУ ва бошқа ҳужжатлар мавжуд бўлиб, уларда ушбу маҳсулотларни таркиби, шакли, ўлчамлари, чекланишлари ва маҳсулотдан фойдаланиш жараёнига бўлган талаблар келтирилади. Бу талаблар объектнинг материали, таркибининг умумтехника кўрсаткичларига боғлиқ. Экспертизани мувоффақиятли ўтказиш учун буюмларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишнинг айрим хусусиятлари тўғрисида имконият борича кўпроқ техника маълумоти зарур. Бундан ташқари кимёвий таркиб, металл тузилиши, буюмнинг ташқи кўринишининг муайян белгилари ҳақида маълумотлар керак бўлади. Масалан, тиш қопламалари, ўқ, кастет, пичоқ учун қотишмаларни қўлда тайёрланганда фойдаланган хом-ашёни эритиш ва ишлаб

чиқариш технологияси ҳақида маълумотлар муҳим аҳамиятга эга.

Металл буюмнинг ишлаб чиқариш усулини (келиб чиқиш манбаини) аниқлаш учун керак бўладиган маълумотларни уни ясаш (тайёрлаш) жараёнида фойдаланилган ускуна ва қурилмаларни текшириш йўли билан олиш мумкин.

Ухшашликни топиш учун буюмнинг барча белгилари аниқланади, шу туфайли экспертизага ашёвий далиллар ҳақида батафсил маълумотлар берилиши ва солиштириш учун текширилувчи буюмларнинг стандарт намуналари юборилиши керак.

Экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорда ёки бошқа ҳужжатларда ходиса натижасида вужудга келган аҳвол яъни, металлнинг ташқи кўриниши, кимёвий таркиби ва структурасидаги ўзгаришлар тўғрисида кўрсатиб ўтилиши муҳим, баъзан, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Экспертиза имкониятлари

Металлар, қотишмалардан тайёрланган буюмлар ўзига хос ташқи кўриниши, ички структураси, элемент (кимёвий) ва фазали таркиби, физикавий ва механик хусусиятлари эга бўлганликлари учун улар ҳар хил усуллар билан текширилади.

Микроскопия усуллари (оптик, электрон микроскопия) ёрдамида намуналарнинг морфологик хусусиятларини, уларнинг ишлаб чиқариш, ишлатиш, сақлаш жараёнида металлнинг ташқи юзасида пайдо бўлган ўзгаришларни, микротросологик хоссаларни ўрганиш мумкин.

Металлография усули билан металл ва қотишмаларнинг микроструктурасига қўшилган бегона моддаларнинг ўзига хос типографияси, фазалар сони, ҳар фазадаги заррачаларнинг ўлчов кўрсаткичлари аниқланади.

Рентген усуллари ёрдамида металлларнинг фазали таркибини, ҳар бир фазадаги кристаллик структураси ўрганилади.

Атом спектрал усули билан буюмларнинг элемент (кимёвий) таркиби ўрганилади. Бу усулда намунадан оз миқдорда ишлатиб, металл ва қотишманинг турини (қора, рангли, нодир, қимматбаҳо) ва аниқ бир маркасини билиш мумкин. Металлнинг элемент таркиби ва ундаги бегона моддалар, технологик арашмалари бўйича уларни келиб чиқиш манбаи (ҳом ашё хоссалари бўйича), баъзан эса ишлаб чиқариш услуби (саноат, қўлбола) ни аниқлаш мумкин.

**Мавзу: Тола, толали материаллар ва улардан тайёрланган
буюмлар экспертизаси**

Режа:

1. Экспертизанинг предмети ва ҳал этиладиган саволлари
2. Экспертиза текшируви объектлари
3. Экспертиза имкониятлари

Фойдаланилган адабиётлар

1. ИА. Каримов «Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» Т. 1997 й.
2. ИА. Каримов "Ислоҳатлар стратегияси-мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир" Тошкент - "Ўзбекистон" 2003 йил
3. ИА. Каримов "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқоролик жамияти асосларини шакиллантиришнинг асосий йўналишлари" Тошкент - "Ўзбекистон" 2002 йил
4. ИА. Каримов "Хдётимизнинг, тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси" Тошкент - "Ўзбекистон" 2002 йил
5. Криминалистика дарслик. Адолат нашриёти. Тошкент-2003й.
6. Ўзбекистон Республикаси ЖПК. Тошкент-2001й.
7. Алимова Р.А, Отахўжаев С. «Суд экспертизасни ташкил қилиш ва ўтказиш масалалари» Тошкент-2002й.
8. Криминалистик. учебник. Москва-1999г

9. Зорин Г.А. «Теоритические асновы1 криминалистики»
Минск-
2002г

Ю.Белкин Р.С. «Курс криминалистики» в 3х томом юрид. лит.
Москва-1997г П.Алимова Р.А. Норбоев А. ва бошқалар-
«Криминалистика
тактика» ўқув қўлланма Тошкент-2000й

Толали материаллар ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизаси.

Экспертизанинг предмети, вазифалари ва ҳал этиладиган саволлари.

Ҳар хил тоифадаги жиноий ишлар тергов қилинганда толали табиатга эга бўлган объеклар (тўқимачилик материаллари, кийим-кечак) воқеа вазиятларини аниқлашда катта роль ўйнайди. Чунончи, зўрлаш, одам ўлдириш ва автомобиль ҳалокати бўйича жиноий ишлар бўйича кийим-кечаклар ва ҳар хил буюмлар юзасида қолган майда толаларни текшириш алоҳида аҳамият касб этади. Толали материаллар ва улардан тайёрланган буюмлар (қоп, газлама, чойшаб ва бошқалар), ҳамда арқонлар, боғичлар ва ип қопламали электр симлар жиноят тавсилотлари ҳақида муҳим маълумот беришиш мумкин. Айрим толалар, иплар ва ҳатто жиноятчи кийимининг кичик бўлаклари тўсиқлардан ўтишда, бошқа объектларда (жабрланувчининг кийимида) қолиши мумкин. Кўпинча ашёвий далиллар сифатида ёнган (алангадан ёхуд ўчоқдан, печкадан олинган) кийим қолдиқлари ёки бошқа тўқимачилик материаллари учрайди. Куйган кийимларнинг қолдиқлари бўйича, уларнинг дастлабки тури ва қандай мақсадларда қўлланиш мумкинлиги аниқланади.

Толали материаллар ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизасининг предмети махсус билимлар асосида аниқланган фактларнинг содир бўлган воқеа билан боғлиқ бўлганлигини толали материаллар ёки уларнинг қолдиқлари орқали белгилашдир.

Ушбу экспертиза қўйидаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилган:

- толали материаллар, иплар, газлама, трикотаж ва бошқа толали объектларнинг умумий тур ва гуруҳий хоссаларга эғалигини аниқлаш;

- ҳар хил предмет-ташувчиларда аниқланган микротоаларнинг ушбу предметга ўрнаб қолган жойини ва уларнинг текширилаётган воқеага тааллуқлигини аниқлаш;

- кийим-кечаклардан ўлдириш қуроли (пичоқ, ханжар...) ёки транспорт воситасида қолган микротоалар орқали улар ўзаро контактда бўлганлигини аниқлаш;

- кийим-кечаклар ҳосил бўлган микротоалар орқали улар бир-бири билан ўзаро контактда бўлганлиги аниқлаш;

- ёнишдан қолган қолдиқлар орқали кийимларнинг ва бошқа толали объектларнинг аввалги(бирламчи) турини ва уларнинг қандай мақсадларга мўлжалланганлигини аниқлаш;

-бутунликни (кийим, матонинг аниқ бўлаги) унинг бўлаклари орқали аниқлаш;

-материалларнинг йиғиндисини орқали (тола, мато, ранглар) кийимларнинг айнанлигини (қўлқоплар, свитер) аниқлаш.

Ундан ташқари кийимлар ва толали материалларнинг аниқ ва умумий манбага эга эканлиги, ишлаб чиқариш усули, шикастланиш сабаблари ва шароитлар каби вазифалар ҳам қўйилиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган вазифаларни ҳал қилиш учун толали материаллар ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизаси олдига қуйидаги саволларни қўйиш мумкин:

-жабрланувчи А. ва гумон қилинаётган Б.нинг кийимларида бир-бири билан умумий туркумга эга бўлган майда толалар борми?

-агар бор бўлса, бу майда толалар кийимларда қандай ҳосил бўлган (улар ўзаро бир-бири билан контактда бўлганми)?

-воқеа содир бўлган жойдан топилган ип бор тугма гумон қилинаётган В.да олинган ип билан тикилганми?

-ушбу кийим бўялганми, агар бўялган бўлса, унинг дастлабки ранги қандай бўлган?

-экспертиза учун юборилган кийимлар қандай усулда (қўлбола ёки фабрикада) тикилган ва бўялган?

-воқеа жойидан олинган кул таркибида кийим қолдиғи, материал ва бошқа толали материаллар қолдиғи борми? Агар бўлса, уларнинг табиати ва ишлатиш соҳаси аниқлансин.

-жабрланувчининг тирноқ ости қолдиқларида микротолалар мавжудми, бўлса гумонланувчининг кийимлари толалари билан бир гуруҳга (туркумга) тааллуқлими?

Экспертиза объектлари.

Толали материаллар ва улардан тайёрланган буюмларнинг асосини ягона (бир донагина) тола ва ип ташкил қилади. Толали материалларга текстил толалари, техник мақсадларга мўлжалланган толалар, иплар, газмоллар, трикотаж, тўқималар ва бошқалар киради. Ушбу материалларнинг куйган бўлакчалари, қолдиқлари ҳам экспертиза амалиётида кўплаб учраб туради. Толали материалларнинг турлари (ассортименти) жуда ҳам кенг ва хилма-хилдир. Фақатгина текстил материалларининг ассортиментига буюмларнинг бир қанча минг номлари ёки артикуллари тааллуқлидир. Барча толали материаллар ва улардан тайёрланган буюмлар аниқ бир тартибда синфларга бўлинган. Шу мақсадда илмий-техник (масалан, толалар учун), технологик (тола. ип ва газмоллар учун) ва савдо

(газмоллар. кийимлар учун) синфлари қўлланилади. Криминалистик масалаларни ҳал қилишликда ушбу объектлар учун махсус ишлаб чиқилган синфланиш эътиборга сазовордир. Бу синфланиш бўйича ҳамма толали материаллар синфларга бўлинган, масалан: ягона тола, толалар тўплами, толалар ҳажми; ипнинг ягона бўлаги, иплар тўплами, иплар ҳажми (калава); аниқ кийим предмети, кийимнинг аниқ комплекти, кийимнинг бўлаги. Синфлар эса турларга, турлар эса гуруҳларга бўлинади. Масалан, бир хил рангдаги толалар, яъни қизил, кўк, сарик, қўнғир рангдаги толалар 1-чи турни ташкил қилади; бир хил рангдаги аниқ турдаги толалар (қизил пахта толалари, яшил капрон толалари ва ҳоказо) II-чи турни ташкил қилади; бир хил рангдаги аниқ турдаги бир хил усул билан бўялган толалар (қизил рангли пахта толали босма усули билан бўялган толалар. яшил капрон толалари масса усули билан бўялган толалар) III-чи турга тегишли бўлади. Бу синфланишни билиш аниқ бир воқеа бўйича қайси турдаги толали материаллар ашёвий далил бўлиб ҳисобланишини аниқлашда ва иш бўйича аниқ бир элементни жиноятга алоқадорлигини билишликда қулайлик яратади. Синфланиш экспертиза олдига қўйиладиган саволларни тўғри ифодалашга ёрдам беради.

Ашёвий далилларни ўз вақтида тўғри олиниши ҳамда уларни ўзгартирмай экспертиза муассасасига етказилиши текширувларни муваффақиятли олиб борилишига ёрдам беради ва осонлаштиради. Толали материаллар ва улардан тайёрланган буюмларни экспертизага тайёрлашда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш керак:

- толали материаллар бўйича экспертиза бошқа турдаги (изшунослик, суд-тиббий, баллистик ва бошқа) экспертизалардан олдин тайинланиши керак, акс ҳолда майда толалар йўқолиши ёки ўз хусусиятларини ўзгартириши мумкин. Бунга амал қилинмаса, экспертиза натижасиз бўлиши, ҳатто жиноятни очишга салбий таъсир қилувчи хулоса берилиши мумкин.

- ҳар бир кийимни (умуман толалали материалларни) бири-бирига теккизмасдан, алоҳида-алоҳида оқ қоғозга, пакетга солиш ва тегишли белгилаб қўйиш лозим;

- объектларни қоғозга ўрашдан олдин уларни алоҳида кўздан кечириш лозим, агар улар ҳўл бўлса, қуритмоқ керак;

- олинган ашёвий далилларни силкитиш-қоқиш, тозалаш, ювиш қатъиян ман этилади, акс ҳолда керакли микротолалар йўқолиб кетиши мумкин;

- юзасида майда толалара бўлиши мумкин бўлган буюмлар (совуқ қурол, транспорт воситаларининг алоҳида қисмлари, деталлари жуда эҳтиёткорлик билан қоғозга

ўралиши лозимки, улардаги майда толалар йўқолмаслиги керак;

-ёнган нарсаларнинг қолдиқлари ва мурт объектларни шиша идиш, полиэтилен пакетга солиб, асли кўринишининг ўзгаришига йўл қўймаслик керак;

-ҳар бир бармоқнинг тирноқ ости кирларини алоҳида-алоҳида қоғозга ёки кичкина пробиркага солиш керак;

-кийимларнинг ўзаро контактда бўлганлигини аниқлаш учун экспертга шу ишга тааллуқли ҳужжатларни (ашёвий далилларни олиш ҳақидаги далолатнома) тақдим этиш ва бу кийимларни қандай ҳолатда эканлигини (тоза ҳолатдами, ювилганми, кийилганми ва ҳокозолар) кўрсатиш лозим.

Экспертиза имкониятлари

Толали материаллар ва улардан тайёрланган буюмларнинг экспертиза хулосасининг далилий аҳамияти жуда катта: биринчидан, буюмлар юзасидаги толали материалларнинг заррачалари (микротоалари) шу икки жисмнинг ўзаро контактда бўлганлиги ҳақида далолат беради; иккинчидан, ҳар хил жойлардан, ҳар хил шахслардан топилган объектнинг бўлаклари бир бутунликни ташкил қилишини исботлайди; учинчидан, толали материалларнинг ёки улардан тайёрланган буюмларнинг умумий манбаини аниқлайди (саноат корхоналари ёки ўзининг ишлаб чиқариш технологияси, асбоб ускуналари ва хом-ашёсига умумий эга бўлган келиб чиқиш манбалари бўлиши мумкин); тўртинчидан, толали газламалардан тайёрланган буюмларнинг воқеа содир бўлиши натижасида ўзгариши (масалан, синтетик газламаларнинг иссиқлик таъсирида эриши, бўёқ рангининг об-ҳаво таъсирида ўзгариши ва ҳоказо) ҳам ўз ўрнида далилий манбалар ҳисобланади; бешинчидан, толали материалнинг ёки ундан тайёрланган буюмларнинг ишлатиш йўналиши ва қўлланиши ҳам далилий аҳамиятга эга.

Толали материалларнинг эксперт тадқиқоти умумий бир тартиб бўйича олиб борилади, ушбу тартиб (схема) қуйидаги элментлардан иборат:

-ашёвий далилларни кўздан кечириш, шу жумладан, инструментал усулларни (микроскопия) қўллаган ҳолда. Бунда ашёвий далилларнинг ёки унинг айрим қисмларининг ташқи хоссалари бўйича андидуаллигини ҳамда топилган бегона моддаларнинг жойлашган ўрни аниқланади.;

-кейинги тадқиқотлар учун керакли (қидирилаётган) объектларни ташувчи- предметдан, бегона моддалар орасидан ажратиб олиш;

-толалар, иплар, газмоллар ва турли хил толали материалларнинг умумий туркум хоссаларини аниқлаш, ундан сўнг эса, уларнинг гуруҳий хоссаларини белгилаш;

-ашёвий далилларнинг хусусий хоссаларини аниқлаш. Бу мақсадда умумий ажралиш чизиқлари ёки умумий бутунликнинг бошқа хоссалари ўрганилади;

-умумий манба хоссалари (тайёрланган жойи, сақланган шароити ва шунга ўхшашлар бўйича), шу жумладан, ишлатилганлик хусусиятлари, аниқланади;

-аниқланган натижаларга криминалистик баҳо бериш ва хулосаларни шакллаш.

Одатда бу тадқиқотларнинг ҳар бир босқичида аниқ бир услуб ёки услубларнинг комплекси қўлланилади.

Объектнинг индивидуаллигини кўрсатувчи хусусий хоссаларни аниқлаш (объектнинг айнанлигини тасдиқловчи ҳажмда) жуда ҳам кам ҳолатларда учратиш мумкин. Одатда аниқланган хусусий хоссалар объектлар умумий келиб ^ чиқиш манбага эгаллиги ёки улар маълум бир аниқ гуруҳга (аниқ бир синфга, кичик бир ҳажмга, воқаега тегишли бўлган аниқ бир гуруҳга) тегишли эканлигидан дарак беради.

Ҳозирги пайта ишлаб чиқилган текстил толаларининг экспертиза тадқиқотининг услуб ва йўналишларига асосан рангли текстил толаларининг синфий хоссалари бирма-бир, кетма-кет тарзда аниқлаб, уларнинг ҳажми тадқиқот ўтказилган сари тобора кенгайтирилади ва натижада объект маълум бир синфга тегишлиги таъкидланади. Амалиёт бу хусусиятлар кўплиги қуйидаги кўринишга эга: "кислотали ранг Антрахинон тоза-кўк ранг билан бўялган тўқ рангли жунли тола", "дисперс қизил Ж ранг билан юзаси бўялган қалинлиги 25 микрон капрон толаси", "масса услубида Сажа ДГ-100 маркали пигмент билан бўялган қалинлиги 30 микрон лавсан толаси". Аниқланган бу хусусиятлар ^^ текстил толаларининг аниқ бир гуруҳга тааллуқлигини кўрсатади.

Газмолларнинг экспертизаси кийим-кечаклар, уй-рўзғор буюмлари, техник ва махсус мақсадларга

мўлжалланган буюмлар, газмолнинг бўлаклари, қолдилари бўйича ўтказилади. Текстил газмолларни тадқиқоти учун экспертиза амалиётида қўлланиладиган услублар кўпинча газмолларнинг умумий туркум хоссаларини, яъни уларнинг артикулини ва артикуллар гуруҳига тааллуқлигини аниқлашга имкон беради. Газмолларнинг туркум хоссаларига ипнинг (толанинг) таркиби, унинг тури ва тузилиши (структураси), метрологик хусусиятлари; газмолнинг зичлиги ва қалинлиги, унинг четки қисмининг эни ва хусусияти; ипларнинг тўқилиши, технологик ишлов хусусиятлари кабилар киради. Газмолларнинг гуруҳ хусусиятлари уларнинг

Мавзу: Лак-бўёқ материаллари ва қопламалари экспертизаси

Режа:

1. Экспертиза предмети, ҳал этиладиган масалалари
2. Экспертиза текширув объектлари
3. Экспертиза имкониятлари ва қўлланадиган усуллари

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А. Каримов «Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» Т. 1997 й.
2. И.А. Каримов "Ислоҳатлар стратегияси-мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир" Тошкент - "Ўзбекистон" 2003 йил
3. И.А. Каримов "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқоролик жамияти асосларини шакиллантиришнинг асосий йўналишлари" Тошкент - "Ўзбекистон" 2002 йил
4. И.А. Каримов "Х,аётимизнинг, тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси" Тошкент - "Ўзбекистон" 2002 йил
5. Криминалистика дарслик. Адолат нашриёти. Тошкент-2003й.
6. Ўзбекистон Республикаси ЖПК. Тошкент-2001й.
7. Алимова Р.А, Отахўжаев С. «Суд экспертизасни ташкил қилиш ва ўтказиш масалалари» Тошкент-2002й.
8. Криминалистик. учебник. Москва-1999г
9. Зорин Г.А. «Теоритические асновы1 криминалистики» Минск-2002г
- Ю.Белкин Р.С. «Курс криминалистики» в 3х томом юрид. лит. Москва-1997г П.Алимова Р.А. Норбоев А. ва бошқалар-«Криминалистика тактика» ўқув қўлланма Тошкент-2000й

рангларини текшириш (комплекс услублар-колористик, кимёвий, спектрал, масс-спектрометрия усуллари билан), уларни ифлослантирган моддалар ва шикастланишлар тури (механик, иссиқлик, кимёвий), ишлатилиши жараёнида ҳосил бўлган белгилари асосида аниқланади.

Иплар, толалар, боғич, арқон ва бошқа ўралган буюмларнинг тадқиқоти толаларнинг кўрсаткичларини аниқлашни ўз ичига олади. Бунда толали материалларни ишлаб чиқариш жараёнидаги ассортимент ва технологик кўрсаткичлар билан биргаликда технологик ўзгаришлар, ишлаб чиқаришда йўл қўйилган камчиликлар, хом-ашё ва бошқа материалларни ўзгартирганлиги ҳам ҳисобга олинади. Бу эса, айрим ҳолларда, маълум шу нур, арқон, иплар қайси станокда ишлаб чиқарилаганини билдиради. Ушбу маҳсулотларнинг бир ҳудудда умумий ишлаб чиқарилган ҳажмини, уларни қандай тарқалганликларини ва қай даражада учраши мумкинлигини билиш эса, уларни келиб чиқиш манбаларини аниқлашда ва бошқа криминалистик масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Куйган текстил буюмлари ва кийимларни тадқиқот қилиш уларнинг аввалги ҳолатини аниқлаш ва қандай мақсадларда қўлланиши мумкин эканлигини билишга қаратилган. Кўп ҳолларда куйган газмоллар, трикотаж, тикилган буюмлар ва кулдаги қолдиқлар орқали толанинг таркиби, тўқилиши ва тикилиши хусусиятлари каби хоссаларини аниқлаш мумкин. Кулда топилган тугмалар, тақинчоқлар ва бошқа металл ва пластамассадан ясалган буюмлар ёрдамида эса куйган толали буюмларни қайси туркум ва гуруҳга тааллуқлигини аниқласа бўлади. Бу тадқиқотлар куйган объектларнинг толали табиатини, келиб чиқиш манбаини ва қайси мақсадда ишлатишга мўлжалланганлигини аниқлаш имконини беради.

Лок-бўёқ материаллари ва қопламалари экспертизаси

Экспертизанинг предмети, вазифалари ва ҳдл этадиган масалалари

Кўпгина жиноятлар бўйича (йўл-транспорт ҳодисалари, қотиллик, тунаш, ўғрилик ва ҳоказо) тергов олиб борилганда лок-бўёқ материаллари (маҳсулотлари) ва бўялган нарсалар асосий ашёвий далил бўлиб ҳисобланади.

Лок-бўёқ материаллари ва қопламалари экспертизасининг мавзуси-маҳсус билимлар асосида жиноий ишнинг вазиятини ва актларни бошқа аҳамиятли фактларни ушбу ашёвий далилларни тайёрлаш технологияси

ва бошқа кўрсаткичлари ёрдамида турли фанлар ютуқларини қўллаган ҳолда аниқлашдан иборат.

Лок-бўёқ материаллари ва қопламалари экспертизаси буюмларнинг бир-бири билан ўзаро таъсирини аниқлашга ёрдам беради. Бундай ҳоллар кўпинча автотўқнашувлар (транспорт воситаларнинг бўёқ заррачалари бўйича), қотиллик, ўғрилик (жабрланувчининг, айбланувчининг кийимидаги бўёқ қопламалари ва бўёқ суртилишлари бўйича) ва бошқа жиноятларни очишда учраб туради.

Ушбу экспертизанинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

-лок-бўёқ материаллари ва қопламаларнинг заррачаларини топиш;

-лок-бўёқ материаллари ва қопламаларнинг табиатини, турини, таркибини ва қайси мақсадга мўлжалланганлигини аниқлаш;

-бўялган нарсаларнинг таркибида лок-бўёқ

материаллари бор бўлган излар билан солиштириш;

-лок-бўёқ бўлакчалари орқали бир бутунликни, умумий бир туркумга ёки гуруҳга тааллуқлигини аниқлаш;

-лок-бўёқни келиб чиқиш манбаини аниқлаш.

Ушбу экспертиза асосан қуйидаги саволларга жавоб беради:

- предмет ташувчида лок-бўёқ материалларининг ёки қопламаларнинг зарралари (умуман ёки маълум бир тури) борми?

-топилган модда лок-бўёқ материаллари ёки қопламаларига (умуман ёки маълум бир турига) тааллуқлими?

-таққосланаётган лок-бўёқ материаллари ёки қопламалари намуналари умумий тур ёки гуруҳга мансубми, агар мансуб бўлса унда айнан қайсига?

-аниқ нарсалар (предметлар) бир-бири билан ўзаро контактда бўлганми?

-аниқ нарсага лок-бўёқ қопламаси қандай усул билан суртилган (завод шароитида ёки қўлдами)?

-предмет юзаси қайта бўялганми?

Экспертиза объектлари

Ушбу экспертизанинг объектлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

-бўялган нарсанинг лок-бўёқ қопламалари ва улардан ажралган қисмлари;

-лок-бўёқ материалларининг аниқ бир ҳажми (тайёрланган жойи, сақланиш жойи ва шароити, ишлатилиши

ва шунга ўхшаш хоссалари бўйича тахминан умумий бир манбага эга бўлган);

-лок-бўёқ материалларининг айрим бир қисмлари (тахмин қилинишича, аниқ лок-бўёқ материалларини тайёрлашда қўлланиладаган боғловчилар, пигментлар, тўлдирувчи моддалар ва бошқалар);

-бир-бири билан контактда бўлганлигидан далолат берувчи излари бор бўялган предметларнинг аниқ йиғиндиси;

-бўяш ишларида ишлатилган асбоб-анжомлар, ускуналар.

Лок-бўёқ материаллари ва қопламалари бўйича экспертиза тайинлашда уларнинг хилма-хил хоссаларини ҳисобга олиш керак. Бу объектлар кўп компонентли бўлиб, улар қуриб қолгандан сўнг ташқи таъсирларга анча чидамли бўлади. Суюқ ҳолда эса кўп сақланс, икки-уч қаватга ажралиб қолади: пигмент ва тўлдирувчи моддалар чўкади, енгил компонентлар эса тепа қисмга чиқиб қолади. Бу ҳолда лок бўёқнинг таркиби ҳар хил бўлиб ўзгариб қолади. Лок-бўёқ маҳсулотларини тайёрлашда органик ва норганик моддалар асосий компонентлар ҳисобланади. Уларнинг асосини боғловчилар (органик моддалар), парда ҳосил қилувчи сунъий ва табиий қоришмалар (смола), мойлар, органик ва норганик табиатга эга бўлган табиий ва сунъий пигментлар- ранглар, минерал моддалар-тўлдирувчилар, орагник эритувчилар (спиртлар, углеводородлар, эфирлар) пластификаторлар, сиккативлар ташкил қилади.

Саноатда ишлаб чиқариладиган лок-бўёқ маҳсулотларининг таркиби улар қандай мақсадга мўлжалланганлигига (саноат учун, хўжалик учун, рассомлик мақсадлари ва ҳоказо.) боғлиқ. Транспорт воситаларини бўяшда компонентлар сони ва кимёвий таркиби ўта мураккаб бўлган материаллар (эмаллар, грунтлар, шпатлёвкалар) ишлатилади, хўжалик бўёқлари таркибига худди шундай элементлар кириши мумкин, лекин уларнинг боғловчилари кам сонли компонентлардан ташкил топган.

Ҳар бир транспорт воситалари турида ўзининг алоҳида қоплама аралашмаси бор: грунт, шпатлёвка, бўёқ (эмал), лок. Юза қисмини грунтлаш унга намга чидамликни бўёқнинг ҳамда бўялган юзанинг адгизион хусусиятларини ошириш учун ўтказилади. Грунтланган юзани текислаш учун нотекис ва ёрилган жойларини шпатлёвка қилинади, ундан кейин юзага бир қатламдан уч қатламгача бўёқ (эмаль) сурилади. Баъзи бир юзалар (велосопедлар, мопедлар) лок билан қопланиши мумкин. Заводнинг технологик таркибида асосий деталлар бўялади. Жуда майда деталлар грунтланмаслиги мумкин, улар бир йўла эмаль билан қопланади. Бўялган юзанинг ҳимоясини таъминлаш лок-бўёқ қатламлари сонига

боғлиқ. Шунинг учун экспертизага олинган намуналардан лок-бўёқ қопламалар қатламларнинг сақланиши муҳим аҳамиятга эга. Экспертизага намуналар олишда юқорида кўрсатилган ҳамма ҳолатларни ёдда тутиш зарур. Лок-бўёқ маҳсулотлари ва қопламалари ўзларининг хилма-хил хоссалари йиғиндиси билан ажралиб туради: таши тузилиши (ранги, юза смфати), ички тузилиш (кўп қатламлилиги, қўшимчалар, қатламларнинг ўзаро бирикиши) ва ҳокозо. Бу хоссалар ҳар бири алоҳида ва йиғинди ҳолда эксперт томонидан ўрганилади ва намуналарни таққослашда фойда беради.

Ашёвий далиллар кўпинча юзаси бўялган объектлар (транспорт воситалари ёки уларнинг баъзи деталлари, қисмлари, қурилиш конструкциялари, бузиш қуроллари ва асбоблар) ва текширилаётган объектнинг қисмлари, яъни лок-бўёқ қопламаларининг заррачалари кўринишида ёки предмет ташувчининг юзасидаги бўёқ излари шаклида бўлади. Текширилиши керак бўлган буюм (нарсаси) ўрнига қиринди зарраларини ёки улардан қандайдир йўл билан лок-бўёқ қопламасини кўчириб олиб келиэкспертиза олдига қўйилган саволни аниқ ечишга салбий таъсир этади.

Экспертиза вазифаларини мувоффақиятли ечиш учун текширишга ашёвий далиллар билан бирга таққослаш учун лок-бўёқ маҳсулотлари (бўялган нарсаси) ҳам тақдим қилиниши зарур. Бундан ташқари жиноий иш материалларидан лок-бўёқни келиб чиқиши (стандарт ёки қўлбола тайёрланган предмет ва унинг бўёғи), юзани қайта бўяш (технология, ишлатилган материаллар, асбоб-анжомлар), нарсаларни бўялган аниқ ёки тахминий кунни, бўялган нарсанинг ишлатилиш шароитлари ҳақидаги маълумотлар ҳам экспертиза тадқиқоти учун аҳамиятга эга.

Ашёвий далилларни экспертизага тайёрлашда қуйидаги талабларга риоя қилиш зарур:

Ашёвий далиллар - воқеа жойидан топилган бўёқ парчаларини йиғиштириш, қоғоз пакетга ўраш жараёнида уларнинг синиши, бир-биридан ажралишига йўл қўймаслик керак, чунки изшунослик текширишлар ўтказиш учун яъни, бўёқ парчаларининг бир бутунга тааллуқлилигини аниқлашда, парчаларни бутунлиги муҳим аҳамиятга эга.

Буюмлар ифлосланиш излари билан олинганда шундай ўраш керакки, токи эски излар йўқолмасин ва жиноятга алоқаси бўлмаган янгилари ҳосил бўлмасин.

Бўялган нарсанинг лок-бўёқ қопламаси лат еган жойи ҳамда бўёқ теккан кийим ва бошқа объектларни қўшимча механик таъсирдан ва қандайдир ёт зарралардан асраш керак.

Ашёвий далилда бўёқ излари бор деб тахмин қилинганда, биринчи навбатда унда бўёқ изи бор- йўқлигини

аниқлаш ва текшириш лозим, сўнгра, зарур бўлган тақдирда, ашёвий далил суд-тиббий ва бошқа экспертизаларга жўнатилади.

Бўялган юзалардан текшириш учун намуналар олинганда, улар иложи борица айнан ўша лат еган, ўзаро таъсир содир бўлган жойдан олиними керак. Бу жуда муҳим, масалан юзаки қаралганда, транспорт воситалари деталлари қайтадан бўялгани сезилмаса, завод бўёғи билан унинг ранги (бўёғи) бир хил бўлса, текширишлар салбий натижаларга олиб келиши мумкин.

Экспертизага лок-бўёқ қопламалари, алоҳида бўялган нарсалар, олинган (кийим бўёқ доғи билан) ҳар бири алоҳида қоғозга ўралади.

Экспертизага бўялган буюм ёки автотранспорт деталларидан олинган бўёқ қириндилари эмас, балки ўша предметларнинг ўзи юборилиши керак, чунки қиринди олинганда тақослаш учун зарур бўлган лок-бўёққа хос белгилар йўқолиб кетиши мумкин. Хўл бўлган кийим-кечаклар олдин уй ҳароратида қуритилиб, кейин текширишга юборилади.

Экспертиза имкониятлари ва қўлланадиган усуллар

Лок-бўёқ материаллари ва қопламаларининг экспертизаси комплекс тадқиқот ҳисобланади. Қўйилган масалалар моҳиятига ва текширилаётган объектларнинг хоссаларига асосланиб, бу экспертизани бажаришда

замонавий комплекс усуллардан фойдаланиш учун турли мутахассислар (кимёгар, физик, изшунослар) жалб қилинади. Бунда қўлланадиган усуллар: оптик микроскопия, молекуляр спектрал тадқиқот, эмиссион спектрал тадқиқот,

инфрақизил спектроскопия, рентген фазали анализ, кимёвий микроанализлар ҳар хил сезгирлик даражасига эга бўлиб, улар текширилаётган объектнинг морфологияси, ички кўриниши ва кимёвий таркиби тўғрисида аниқ маълумотлар беради.

Микроскопик тадқиқот лок-бўёқ материаллари ва қопламаларнинг морфологик хусусиятларини: ранги, қопламалар хоссаси, уларнинг сони, қайси тартибда жойлашганлиги, қалинлиги, ифлослантирувчи моддаларнинг мавжудлиги, ҳар бир қатламнинг адгезия даражаси ва бир-бировига сингиб кетганлиги, бўялган предметдан тахминан қолдирилган излар, ҳар хил технологик ва ишлатиш жараёнида ҳосил бўлган ўзгаришлар (дефектлари)ни аниқлашга имкон беради. Мана шу морфологик хусусиятлар асосида ҳам кўпинча лок-бўёқ қопламанинг тур, гуруҳ ва

хусусий хоссаларни билиб олиб ва шулар асосида текширилаётган объектларни индивидуал айнанлигини ва бир бири билан контактда бўлганлик фактларини аниқлаш мумкин.

Электрон микроскопия усули текширилаётган намуналарнинг бошқа усуллар билан аниқлаш мумкин бўлмаган морфологик хусусиятларини ўрганишга имкони беради. Масалан, лок-бўёқ материалларининг таркибида ва қопламаларнинг ҳосил бўлишлик жараёнида вужудга келган технологик ташқи ва ички структура хусусиятлари ҳамда ишлатилганда ҳосил бўлган ҳар хил (қатламларга бўлиниш, изларнинг пайдо бўлиши каби) ўзгаришлар аниқланади. Бу усул ёрдамида лок-бўёқ қопламаларини ишлаб чиқарилган вақти, олиниш технологияси ва ишлатилиши бўйича ажратиш мумкин.

Молекуляр спектрал анализ (инфрақизил спектроскопия) лок-бўёқ материаллари ва қопламалар таркибида боғловчи (плёнка ҳосил қилувчи)нинг турини аниқлаш учун қўлланади. Тадқиқот қилинаётган намунанинг инфрақизил спектрини олиш учун 0,02-0,05 мг ҳажмида модда ишлатилади холос. Бу усул масалани умумий тур бирлиги даражасида ҳал қилсада, унинг натижаларидан бошқа усул (микроскопия, кимёвий, эмиссион спектрал ва рентген фазали усулларнинг натижалари билан бирга гуруҳий бирлик масалаларини ҳал қилишда фойдаланилади.

Рентген фазали анализ лок-бўёқ материаллари ва қопламалар таркибидаги пигмент (ранг) ва тўлдирувчи моддаларнинг турини, уларнинг битта ёки кўпчилигининг аралашмаси бор-йўқлигини, таркибини аниқлаш имконини беради. Бу усул орқали пегмантнинг полиморф модификацияларини ажратиб олиш мумкин (масалан титаннинг оксиди рутил ёки анатаз формаси). Усулнинг сезгирлиги анча юқори (10⁶ г); намуналар тадқиқот қилинганда ўзгармайди ва сарфланмайди. Тадқиқотларни сифат ёки миқдорий даражада бажариш мумкин. Олинган рентгенограмма ва дифроктрограммалар лок-бўёқ материалларини, қопламаларни жратиш имконини беради.

Кимёвий микроанализ пигментларнинг табиатини (органик ёки норагник), уларнинг турини ва сифат таркибини аниқлаш учун қўлланилади. Бу усул учун 0,1 мг миқдорида модда керак, агар намуна миқдори 5-20 мг бўлса, лок-бўёқ материаллар таркибидаги боғловчи (органик моддалар)ларнинг турини аниқлаш мумкин.

Эмиссион спектрал анализ лок-бўёқ материаллари ва қопламалар минерал қисмининг элемент таркибини аниқлаш учун қўлланилади.

Мавзу: Нефть маҳсулотлари ва ёқилғи-мойлаш
материаллари экспертизаси

Режа:

1. Экспертиза предмети, ҳал этиладиган саволлари
2. Экспертиза объектлари
3. Нефть маҳсулотлари экспертизасининг имкониятлари

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А. Каримов «Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» Т. 1997 й.
2. И.А. Каримов "Ислоҳатлар стратегияси-мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир" Тошкент - "Ўзбекистон" 2003 йил
3. И.А. Каримов "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқоролик жамияти асосларини шакиллантиришнинг асосий йўналишлари" Тошкент - "Ўзбекистон" 2002 йил
4. И.А. Каримов "Хдётимизнинг, тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси" Тошкент - "Ўзбекистон" 2002 йил
5. Криминалистика дарслик. Адолат нашриёти. Тошкент-2003й.
6. Ўзбекистон Республикаси ЖПК. Тошкент-2001й.
7. Алимова Р.А, Отахўжаев С. «Суд экспертизасни ташкил қилиш ва ўтказиш масалалари» Тошкент-2002й.
8. Криминалистик. учебник. Москва-1999г
9. Зорин Г.А. «Теоритические асновы1 криминалистики» Минск-2002г
- 10.Ю.Белкин Р.С. «Курс криминалистики» в 3х томом юрид. лит.Москва-1997г

11.Алимова Р.А. Норбоев А. ва бошқалар-«Криминалистика тактика»
ўқув қўлланма Тошкент-2000й

Нефт маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материали экспертизаси

Экспертизанинг предмети, вазифалари ва ҳал этиладиган саволлари

Турли хил жиноятлар: жасадни ёки ўзини-ўзи ёқиб юбориш, ёнғин, транспорт ҳодисалари, ўқ-отар ва совуқ қурол ишлатиш, нефть маҳсулотларини ўғирлаш, сохталаштиришни тергов қилишда нефть маҳсулотлари ва ёқилғи мойлаш материаллари экспертизасини ўтказиш зарурияти туғилади.

Нефть маҳсулотлар ва ёнилғи мойлаш материаллари экспертизасининг далилий аҳамияти шундаки, текшириш натижалари бўйича ёнғин содир бўлган жойда, транспорт воситасида, қуролда ва жабрланувчи ёки жиноятчининг кийимида тез ёнувчи нефть маҳсулотлари, ёқилғи-мойлаш материаллари борлигини, уларнинг турини, бир гуруҳга мансублигини аниқлаш мумкин. Турли буюмлардаги ёқилғи-мойлаш материалларининг излари ушбу ёқилғи-мойлаш материаллини қолдирган объектни айнан ўзи деб топиш учун яроқли бўлиши мумкин.

Бу экспертизанинг натижалари воқеа тафсилотларини аниқлашда муҳим рол ўйнайди. Замонавий инструментал усуллар (юпка қатламли храмотография, ультрабинафша ва инфрақизил спектроскопия, эмиссион-спектрал (анализ ва бошқалар) ёрдамида ҳар-хил буюмларда қолган кўз илғамайдиган, жуда кам миқдорда бўлган нефть маҳсулотлари ва ёқилғи-мойлаш материалларининг юқини (изини) топиш мумкин. Бу ҳол ёнғин содир бўлган жойдан олинган ашёвий

далилларни текшириш орқали воқеани содир этишда тез ёнувчи суюқлик ишлатилганми-йўқми деган масалани ҳал қилишга имкон беради.

Кейинги вақтда нефт маҳсулотларини ва ёнилғи-мойлаш материалларини криминалистик текширишнинг кўпайиб кетишига сабаб, биринчидан, уларнинг ҳар хил жиноятларни фош этишда ашёвий далил сифатида ўйнаган муҳим роли бўлса, иккинчидан, қолдиқ излари орқали уларнинг бир гуруҳга мансублигини ёки мансуб эмаслигини топиш имкониятларининг кенгайганлигидир.

Нефт маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларини экспертизаси қуйидаги вазифаларни бажаришга қаратилган:

- буюмларда нефт маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларининг юқини топиш;

- тўкилган нефт маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари ва уларни юқининг турини аниқлаш;

- маълум бир идишда бўлган нефт маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари турини ва туркумини аниқлаш;

- нефт маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларининг қолдиғи топилган кийим ёки бошқа буюмнинг уларни сақлаган объектлар билан ишқаланганлигини аниқлаш;

- нефт маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларининг ажратилган бўлаклари бўйича маълум бир объект билан ўхшашлигини топиш;

- маълум ҳажмдаги нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларининг умумий бир ишлаб чиқариш манбага мансублигини топиш (сақланиши, ишлатилганлиги бўйича).

Экспертизага ҳал қилиш учун қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:

1. Воқеа жойида топилган идиш (шиша, банка)даги суюқлик нефт маҳсулотими- бензин, керосин, дизель ёнилғисими?

2. Воқеа жойидан топилган идишдаги ва гумон қилинаётган шахснинг уйдан олинган суюқлик бир турга мансубми?

3. Экспертизага тақдим этилган объектларда (кийим, тупроқ намуналари, тахта бўлаклари ва ҳоказо.) нефт маҳсулотлари ёки ёнилғи-мойлаш материалларининг қолдиқлари (излари) борми?

4. Экспертизага тақдим этилган объектлардаги модда қолдиқлари нефть маҳсулотларининг (ёнилғи-мойлаш материалларининг) қайси турига мансуб?

5. Экспертизага тақдим этилган кийим юзасида ёнилғи-мойлаш материалларининг излари борми? Агар бўлса, улар

гумон қилинаётган шахснинг уйдан олинган ёнилғи-мойлаш материали билан бир гуруҳга эгами?

6. Кийимдаги доғлар маълум бир автомобилдан қолган ёғлаш учун ишлатадиган материалми?

Юқорида келтирилганлар кўпинча учрайдиган, одатдаги саволлардир. Жиноий иш бўйича тергов жараёнида бошқа саволлар ҳам қўйилиши мумкин. Аммо, шуни ёдда тутиш керакки, текширувлар ҳажми мазмуни қўйилган саволларга боғлиқ, шунинг учун саволларга олинган жавоблар жиноий иш бўйича маълум бир воқеани аниқлашга ёрдам бериши керак.

Нефт маҳсулотлари ва ёнилғи мойлаш материалларининг таркиби ўта мураккаблиги сабабли "Бу идишларда қандай модда бор?". "Доғ қандай моддадан қолган?", "Ўхшашми", "Бир хилми", ёки "Айнан ўзими" сикнгари саволларни қўйиш тавсия этилмайди. Ҳақиқатдан ҳам икки объектнинг кимёвий таркибининг бир хиллигини аниқлангани билан уларнинг нефт маҳсулотларининг бир турига мансуб деб бўлмайди.

Экспертиза объектлари

Экспертизанинг бу тури қуйидаги объектларга нисбатан ўтказилади:

- ёнилғи (автомобил бензинлари, дизель, авиация, буғқозон ва реактив ёнилғиси, мазутлар);

- мойлар (мотор, трансмиссион, индустриал, гидравлик, вакуум, ускуна, технологик ва бошқалар);

- ёғлаш материаллари (антифрикцион-консервацион, ўзоқ муддатда сақлаш учун тўлдирувчи);

- қаттиқ нефт маҳсулотлари (шағам, парафин, тирезин, вазилин, битум, қоракуя, озокерит, нефт кокси);

- ҳар хил маҳсулотлари (юқори ҳароратда парчалаш усули билан нефтдан олинадиган маҳсулотлар: бензол, толуол, ксилол, эзопропилензол, лакойл; шимдириш учун ишлатиладиган воситалар, ҳимояловчи мум, ёғлаш ёки совутиш учун ишлатиладиган нефт маҳсулотлари).

Юқорида қайд этилган материаллар хилма хил турлари асосан нефтни қайта ишлаш усули билан олинади, ундан ташқари улар сланецларни, тошкўмирни, смолаларни қайта ишланганда ҳамда кимё ишлаб чиқариш саноатида ҳам олиниши мумкин.

Жиноят вазиятининг таркибий қисми сифатида нефт маҳсулотлари ва ёнилғи мойлаш материаллари ҳар хил ҳажмда ҳамда улар таъсир кўрсатган буюмларда қатлама, қатлам, доғлар ҳолида учраши мумкин.

Ашёвий далилларни мусодара этиш, ўраб жойлашда нефт маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларининг қуйидаги, ўзига хос хусусиятларига эътибор бериш керак:

-нефт маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари суюқ ва чўзилувчан бўлганлиги ҳамда барқарор бир шаклга эга бўлганлиги сабабли маълум ҳажми улар сақланаётган идишга қараб аниқланади;

-кўпгина нефт маҳсулотлари (бензин, керосин, дизель ёқилғиси) таркибида тез учувчан моддалар бўлганлиги сабабли улар таркиб жиҳатдан тез ўзгарувчандир. Нефт маҳсулотлари таркибининг ўзгариши фақат бўғланиш - учиш натижасида эмас, балки баъзи бир органик моддаларнинг уларда эриши ва ажралиши натижасида ҳам бўлиши мумкин.

-суюқ ва чўзилувчан нефт маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари буюмлар, объектининг (тупроқ, дарахат, сувоқ, тўқимачилик маҳсулотларининг массасига сингиш ва тақсимланиши хусусиятларига эга бўлганликлари туфайли, уларнинг юқлари бир буюмдан иккинчи буюмга суйкалаши натижасида ўтиб қолиши мумкин.

-газсимон нефт маҳсулотлари ҳамда мотор ёнилғиларининг кўп турлари ёнғин хавфини туғдирадиган ва портловчи моддалардир.

Бензин, керосин ва дизель ёқилғисининг таркибида тез учувчан углеводородлар борлиги ҳамда серғовак объектларга сингиши ва тақсимланишини назарда тутиб, улар топилганда, мусодара қилинганда ўраб жойлаганда, ашёвий далиллар экспертизага тайёрланаётганда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш керак;

Суюқ нефт маҳсулотларининг намуналари маълум бир ҳажмдан (идишдан) тезлик билан тоза, қуруқ шиша ёки металл идиш (бутилка, фляга)га олиниб, оғзи тикин билан (пукак, шиша металл ёки пластмасса тикин) маҳкам ёпилади _ ^ ва сурғуч ёки ёпишқоқ тасма билан ёпиштирилади. Агар воқеа жойидан ёки гумон қилинаётган шахсдан кичик идиш (шиша, канистра) топилган бўлса, унинг оғзини маҳкам ёпиб экспертизага юбориш мақсадга мувофиқдир. Башарти, идишни ёпиш иложи бўлмаса (челак, нефт маҳсулоти солинган бочка), у ҳолда суюқликни ёғзи маҳкам ёпиладиган бир неча идишларга солиб, бўшаган идишни ҳам полиэтилен халтага жойлаб, унинг оғзини боғлаб, ёпиштириб, ҳаммасини экспертизага юбориш керак.

Мойлар, ёғлаш учун ишлатиладиган материаллар, мазут оғзи бўраладиган қопқоқли ёки шиша, пўкак, пластмасса тикинли идишга солиниши керак.

Қаттиқ нефт маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларининг намуналарини полиэтилен ёки қалин қоғозли пакетга жойлаб, пакет ўғзи маҳкам боғланади. Агар

йўлнинг тўшамасидан намуналар олинаётган бўлса, у ҳолда намуналар олиш чизмаси ва баённомаси тузилиб, экспертга унинг нусхаси тақдим этилади.

Хар хил буюмларда бўлган нефт маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари экспертизага иложи борица буюм (кийим, ўқ-отар ёки совуқ қурол, транспорт воситасининг олинган қисмлар) билан бирга юборилади. Уларни ўраганда, жойлаганда нефт маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари йўқолиб кетмаслиги чорасини кўриш керак. Шу мақсадда кийимдаги нефт маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларидан вужудга келган доғлар юпқа полиэтилен парда бўлагини ёпиштириб чеклаб қўйилади.

Ёнғин билан боғлиқ бўлган ашёвий далиллар (ёнган тахта, кул, куя) дастлабки ёнғин бошланган нуқтасини ўз ичига ҳамраб олган (2-4 м атрофидаги) жойдан олинади, солиштириш учун эса ёнғин бошланган жойдан анча нари масофадан (2-4 м дан ортиқ) намуналар олинади. Бундай, ҳолларда қарор билан бирга воқеа жойини кўздан кечириш, намуналар олиш қайдномалари, намуналар олиш чизмаси, воқеа жойи сурати экспертга тақдим этилади. Бундан ташқари ашёвий далиллар ёнғин бўлгандан кейин қанча вақт ўтганда олинган ва улар қандай ташқи муҳит таъсирида бўлганлиги (ёмғир, қор, қуёш) ҳақида маълумотлар бўлиши шарт. Ёнғин рўй берган жойдан олинган ашёвий далиллар (ёнган пахта, кул, куя, ичида нефт маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари бўлиши мумкин бўлган идишлар) полиэтилен пакетларга жойланиб, ёнғин бошланган жой анқилангандан кейин экспертизага юборилади.

Агар нефт маҳсулотлари ва ёнилғи мойлаш материалларининг қолдиқлари тахта, мато ва тупроққа сингиб кетган бўлса, намуналар олинаётганда қуйидаги қонидларга риоя қилиш керак:

а) Ёнган пахта намуналарини олиш. Нефт маҳсулотлари қолган қурилиш иншоотларининг силлиқ қисмида текшириш учун олинаётган буюмнинг 1мм чуқурликдан олингани кифоя. Ёриқлар ва дўппайиб чиққан жойларни ўйиб ёки чопиб олиб, қипиқларни ҳам текширишга юбориш зарур. Нефт маҳсулотларининг қолдиғи ёғочнинг кесилган жойида бўлса, уни бутунлигига 9-10 см қалинликда олиш керак. Агар уларнинг қолдиғи ёғочда аниқ чегараланган бўлса, қириб олинади. Намуналарни бутулай ёниб кўмир бўлиб қолган жойдан эмас, баки чала ёнган сатхлардан олиш керак, чунки нефт маҳсулотлари бутунлай ёниб кетган жойда сақланиб қолмайди.

б) Ёнган матолардан намуна олиш. Жун, чаримжун, ип газламалари ёнгандан кейин ҳам нефт маҳсулотларининг

қолдиқларини сақлаб қолади, шунинг учун экспертизага ёнмаган бўлақлар билан ёнган намуналар ҳам тақдим этилиши керак. Намуналар ёнган юмшоқ мебелдан олинаётган бўлса, бунда жилднинг тагидаги матодан, ҳамда, пахта, ватин, поролон, мебелнинг тахтасидан намуна олиш мақсадга мувофиқ. Қурук (контрол) намуналар ҳам олиниши келак.

в) Тупроқ намуналарини олиш. Нефт маҳсулотларининг қолдиқлари бор деб тахмин қилинаётган тўпроқ 2-3 см чуқурликдан пичоқ, куракча, шпател ёрдами билан олинади.

г) Қора куя намуналари ёнган чикқан жойга яқин бўлган иншоотлардан 5-6 нуқтадан пичоқ ёки шпател билан қириб олинб, оғзи маҳкам беркитиладиган шиша идишга солинади. Қора куя олинган жойлар суратга олинб, баённомага тикилади. Намуналарнинг тахминий оғирлиги 0,2-0,5 грдан кам бўлмаслиги керак.

д) Кўрилатган ишнинг тафсилоти бўйича нефт маҳсулотларининг қолдиқлари бўлиши мумкин бўлган буюмлар, ашёвий далиллар билан ишлаганда айниқса эҳтиёткор бўлиш керак, гарчи, уларда нефт маҳсулотларининг хиди билинар-билинемас бўлса ҳам. Бундай ҳолларда қоғоз, кийим, куя каби ашёвий далиллар тезда ўраб, маҳкам беркитилган идишга жойлаб, текширишга юборилади. Бундай ҳолларда ашёвий далилларни олиш баённомасида ёки экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорда ушбу далилларни воқеа содир бўлгандан қанча вақт ўтгандан сўнг олинганлиги, сақлаш шароити ҳамда ҳодисадан кейин ишлатилган-ишлатилмаганлигини қайд этиш керак.

Экспертиза ўтказиш учун ашёвий алилларни ашқари қуйидагиларни юборилади:

-жиноий иш материаллари (тергов материаллари); нефт маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларининг тахминий табиати, тури, келиб чиқиши, буюмга қандай ўтиб қолиши, сақлаш шароити ҳақидаги маълумотлар;

-нефт маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари билан ифлосланган бошқа буюмлар, воқеа содир бўлгандан кейин мусодара қилигунча ишлатилганлиги, сарф қилинганлиги ва ўзгарганлиги ҳақидаги маълумотлар;

-солиштириш учун нефт маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларининг намуналари.

Нефт маҳсулотлари ва ёнилғи мойлаш материалларининг таркиби ўзгарувчан бўлганлиги сабабли уларнинг қолдиқларини сақлаган кийим буюмлар иложи борица тез вақт ичида дастлаб кимёвий экспертизага юборилиши керак, сўнгра бошқа (суд-тиббий, изшунослик (трасологик) экспертизаларга юборилиши мумкин.

Нефт маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари экспертизасининг имкониятлари

Тайёр маҳсулот туридаги нефт ва ёнилғи-мойлаш атериалларининг ҳар хил хоссалари (рецептура бўйича аркиби, элемент, фракцион ва группа таркиби, ксплуатацион хусусиятлари) давлат стандартларида (ГОСТ) ўрсатилган усуллар билан аниқланади. Лекин бундай адқиқотларни олиб боришликнинг зарурияти экспертиза малиётида кам учраб туради, чунки биринчидан, одатда экспертизага жуда кам миқдорда моддалар олиб келинадиган бўлса, иккинчидан, экспертизага юборилаётган нефт маҳсулотлари ҳар хил шароитда ўз таркибини ўзгартирган, аввалги (бирламчи) ҳолатга қараганда кўпгина хусусиятларини йўқотган бўлади. Шунинг учун экспертиза амалиётида қуйидаги инструментал-аналитик усуллар қўлланилади: микроскопия усуллари (оптик микроскопия, электрон микроскопия), ультрабинафша нурлар таъсиридаги люминесценция (нурланиш), хроматография (газ суюқлик ва юпқа қатламли), ультрабинафша ва кўринар спектроскопия, эмиссион-спектрал, лазер микроспектрал, атом абсорбция анализи.

Агар нефт маҳсулотлари, ёнилғи мойлаш материаллари экспертизага аниқ бир ҳажмга солинган ҳолатда юборилса, шу агрегат ҳолати бўйича таҳлил қилинади. Агарда уларнинг қолдиқлари ҳар хил предмет-ташувчиларда (тахта, қоғоз, газмол, кул, кийимлар, шишалар ва ҳоказо) суркалган ҳолатда, доғ ҳолида ёки кўз илғамайдиган тарзда бўлса, биринчи галда улар органик эритувчилар (гексан, эфир) ёрдамида ажратиб олинади ва юқорида кўрсатилган усуллар билан таҳлил қилинади.

Номаълум моддаларни нефт-кимёвий табиатга тааллуқли эканлигини аниқлаш учун уларнинг гуруҳини, яъни таркибида аниқ бир синфга тегишли углеводородларни (парафин, олефин, нафтен) борлигини билиш керак. Нефт маҳсулотларининг гуруҳий таркибини аниқлаш учун юпқа қатламли хроматография, газ суюқлик хроматография ва инфрақизил спектроскопия усуллари қўлланилади.

Солиштирилаётган намуналарнинг гуруҳий таркиби миқдорий жиҳатдан бир-бирига мос келишлиги ушбу нефт маҳсулотлари умумий бир манбага мансублигини (ишлаб чиқарган завод), бир хил шароитда сақланиш ёки ишлатишдан далолат беради. Таркибнинг бир хиллиги бошқа аниқланган хусусиятлар билан биргаликда таҳлил қилинади, олинган мос келувчи натижалар намуналарнинг умумий гуруҳга мансублигига эга эканлигини кўрсатади.

Газ суюқлик хроматография усули ёрдамида нефт маҳсулотларининг углеводород таркиби аниқланади. Фракцион таркибни аниқлашда ҳам шу усул ижобий натижалар бериши мумкин.

Нефт маҳсулотлари тўғрисидаги кўпгина маълумотларни уларнинг элемент таркиби орқали билиш мумкин. Бир хил микроэлементлар, биринчидан, нефтнинг ўзидан ўтган бўлиши мумкин бўлса, иккинчидан, тайёр маҳсулотларни тайёрлаш жараёнида уларга қўшиладиган металлорганик моддалардан, катализатордан, шунингдек, сақланаётган идишдан, трубадан, атмосфера чангидан, бир-бирига тегиб, ишқаланиб ишлайдиган механизмлардан ўтган бўлиши мумкин.

Нефт маҳсулотларининг элемент таркибини аниқлаш учун экспертиза амалиётида эмиссион-спектрал, лазер микроспектрал, атом абсорбция усуллари қўлланилади. Маҳсулотнинг элемент таркибини тўғри баҳолаш учун унинг келиб чиқишлиги, аниқ қандай шароитда сақланганлиги, ташилганлиги ва сарфланганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳамда солиштирув намуналардан фойдаланилади.

Экспертиза амалиётида пластик мойлаш материаллари ҳам учраб туради, уларнинг таркибига нефт табиатига мансуб бўлмаган қуюлтирувчи моддалар (совун ва қаттиқ углеводородалар-парафин, церезин) киради. Бу моддалар ҳар бир аниқ қуюлтирувчи учун мансуб бўлган кристаллик микроструктурани ташкил қилади. Уларнинг бу хоссалари электрон микроскоп орқали аниқланади. Микроструктуралар, хос хусусиятлар ёки бошқа шароитларни аниқлаш, бир гуруҳга ёки айнан бир намунага тегишли хоссаларни белгилаб олишга имконият яратади.

Қаттиқ углеводородлар косметик моддалар, гумалинлар, турли хил шимдириш воситаларининг асосий қисми бўлиб ҳисобланади. Уларни излаб топиш ва таҳлил қилиш учун поляр нурли оптик микроскопия усули қўлланилади. Бу усул орқали уларнинг кристал тузилиши ўрганилади.

Нефт маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларини батафсил таҳлил қилиш инструментал усулларни қўлашликниталаб қилади.

Мавзу: Шиша ва ундан тайёрланган буюмлар экспертизаси

Режа:

1. Экспертиза предмети, ҳал этиладиган саволлари
2. Экспертиза объектлари
3. Нефть маҳсулотлари экспертизасининг имкониятлари

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А. Каримов «Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» Т. 1997 й.
2. И.А. Каримов "Ислоҳатлар стратегияси-мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир" Тошкент - "Ўзбекистон" 2003 йил
3. И.А. Каримов "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқоролик жамияти асосларини шакиллантиришнинг асосий йўналишлари" Тошкент - "Ўзбекистон" 2002 йил
4. И.А. Каримов "Хдётимизнинг, тараққиётимизнинг ҳукукий асоси" Тошкент - "Ўзбекистон" 2002 йил
5. Криминалистика дарслик. Адолат нашриёти. Тошкент-2003й.
6. Ўзбекистон Республикаси ЖПК. Тошкент-2001й.
7. Алимова Р.А, Отахўжаев С. «Суд экспертизасни ташкил қилиш ва ўтказиш масалалари» Тошкент-2002й.
8. Криминалистик. учебник. Москва-1999г
9. Зорин Г.А. «Теоритические асновь1 криминалистики» Минск-2002г
- Ю.Белкин Р.С. «Курс криминалистики» в 3х томом юрид. лит. Москва-1997г П.Алимова Р.А. Норбоев А. ва бошқалар-«Криминалистика

тактика» ўқув қўлланма Тошкент-2000й

**Шиша ва ундан тайёрланган буюмлар
экспертизаси
Экспертиза предмети, вазифалари ва ҳал
этадиган саволлари**

Шиша ва ундан тайёрланган буюмларнинг криминалистик экспертизаси комплекс экспертиза ҳисобланиб, унинг услугиёти физик-кимё ва изшунослик текшириш усуллариини ўз ичига олади. Бу экспертизанинг предмети криминалистика ва шиша тайёрлаш технологияси соҳасидаги махсус билимлар асосида кўрилаётган иш бўйича аҳамиятли вазиятларни аниқлашдир.

Экспертизанинг вазифалари идентификацион ва ноидентификацион масалларни ҳал қилишга қаратилган:

- буюмларнинг табиатини ва турини аниқлаш;

- шиша синиқларининг заррачаларини турли предмет ташувчи ашёларда топиш, уларнинг табиатини ҳамда бошқа материаллар билан фарқни аниқлаш;

- шиша буюмининг синиш сабабларини (механик, термик, ўз-ўзидан синиш), синдириш кучининг йўналишини, шишани қандай асбоб билан қирқилганлигини, шишанинг қайси юзаси куч таъсирига дуч келганлигини, буюмларнинг ишлатиш шароитларини, шиша буюмининг нурларни бир фокусга тўплаш имкониятларини ва уларни ёндириш учун ишлатиш мумкинлигини аниқлаш;

- шиша синиқ заррачаларининг қайси буюмга тегишлигини, қаерларда қўлланиши, шиша бўлакчаларининг бир бутунликка ёки буюмга тегишлигини аниқлаш, тайёрлаш услугиини топиш;

- шиша буюмларнинг ёки таққосланаётган объектларнинг (шиша синиқлари, микробўлакчалар, буюмлар) материаллари умумий бир туркумга ёки гуруҳга мансублигини аниқлаш.

Юқорида кўрсатилган вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидаги саволларни қўйиш ҳавола қилинади:

- а) ноидентификацион масалаларни ҳал қилиш учун:

- предмет-ташувчиларда шишанинг заррачалари (микробўлакчалари) борми;

- экспертизага тақдим этилган шиша (ойна) буюм синиқлари қандай сабабларга кўра (механик, термик ва ҳоказо) дарз кетган ёки синган;

- ойна ўқ отар қуролдан отиш ёки зарба бериш натижасида синганми, зарба қайси (ички, ташқи) томондан берилган;

- ойна қандай асбоб билан қирқилган;

б) идентификацион масалаларни ҳал қилиш учун:

-воқеа жойидан топиған шиша (ойна) синиқлари қайси турга ёки хилга тегишли;

-экспертизага тақдим қилинған шиша бўлакчалари буюмларнинг қайси турига мансуб;

-воқеа жойидан олинған шиша бўлакчалари ва автомобилнинг нур тарқатиш чироғи (фараси)дан олинған шиша бўлакчалари бир бутунликни ташил қиладими;

-шиша идишнинг бўлакчалари (заррачалари) ва жабрланувчининг ярасидан олинған заррачалар умумий туркумга ёки гуруҳга эгами;

-экспертизага юборилған ойна синиқлари келиб чиқиши ва ишлаб чиқарилиши бўйича умумий манбага (аниқ ишлаб чиққан завод, пресс-форма) эгами;

-тадқиқот учун юборилған шиша синиқлари орасида автомобилнинг шишадан ясалған қисмларининг парчалари борми;

-воқеа жойидан топилған шиша синиқлари нур тарқатиш чироғининг қайси турига мансуб.

Экспертиза объектлари

Ушбу экспертизанинг объектлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

-шиша буюмлар, уларнинг синиқлари ва микрозаррачалари;

-йўл-транспорт ҳодисаларини текшириши билан боғлиқ бўлған объектлар: транспорт воситаларининг узоқни ва яқинни кўрсатувчи ва ёритиш чироқлари, автомобилнинг олди ва орқа ҳимоя ойнаси, тобланған ойна-сталинит ва уч қаватли ойна-триплекс;

-дераза ойналари ва бошқа ойна турлари кўзойнақ қурилиш ойналари, тош ойна ва бошқалар), ойнанинг кичик зарралари.

Иш бўйича ашёвий далил сифатида қабул қилиниши мумкин бўлған, воқеа жойида қолған шиша синиқларини тезда йиғиб олиш зарур, акс ҳолда транспорт воситаларининг ҳаракати натижасида улар йўқолиб кетиши ва бошқа жойга ўтиб қолиши мумкин.

Воқеа жойини кузатиш давомида ҳаммаси иниц шиша бўлакчалари териб олинади, чунки уларнинг қайси бири тергов қилинаётган воқеага тааллуқлиги фақат эксперт текшируви натижасида аниқланади. Гумон қилинған транспорт воситалардан ҳам ўз вақтида шиша синиқларини олиш зарур, синиқларни автомашина салони ичидан зарба етказилған фарадан, бампердан, олди безакнинг ташқи қисмидан ва чироқлар уясидан қидириш керак. Агар фаралар,

ён томон ойналари синмаган бўлса, уларни текшириб кўриш, яъни ўзгартириб қўйилган-қўйилмаганлигини аниқлаш керак. Воқеа жойидан териб олинган шиша синиқлари ҳул бўлса аввал қурилади. Ҳар бир шиша синиғи қоғозга ёки пахтага ўралади. Агар буюмларда шиша синиғининг кичик зарраларини топиш зарур бўлса, унда буюмларнинг ўзи алоҳида-алоҳида полиэтилен халтачаларга солиб текширишга юборилади. Ашёвий далиллар қай аҳволда топилган бўлса (объект юзасида ҳар хил моддалар, юзаси ифлосланган бўлса ва ҳоказо), шундайлигича экспертизага юборилиши керак.

Экспертиза имкониятлари

Шишадан тайёрланган буюмлар хима-хил хосса ва хусусиятларни ўзида мўжассамлаштириган мураккаб объект бўлиб ҳисобланади. Уларнинг ташқи кўриниши (морфологик хусусиятлари, шакли, юзасининг сифати, юзасида қоплама вужудлиги), ички тузилиши, (турли-туманлиги, бошқа қўшимчалар, бузилишлар борлиги), ҳар хил физик-кимёвий хоссалари (зичлик, оптик хусусиятлар, қаттиқлик ва бошқалар) ҳоҳ алоҳида ҳолда бўлсин, ҳоҳ биргаликда, экспертиза олдига қўйилган масалаларни ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Шишадан тайёрланган буюмларнинг турига қараб, уларнинг миқдорини ҳажмини ҳисобга олиб қўйилган саволларни ҳал қилиш учун ҳар хил услублар қўлланилади. Масалан, бу экспертизада изшунослик (трасология) шишаларнинг физик хоссалари ва кимёвий элемент таркибини аниқлайдиган таҳлил усуллари ва турли мосламалар ишлатилади. Республика илмий-тадқиқот Криминалистика Марказида ишларни текширишга мўлжалланган Англияда ишлаб чиқилган махсус криминалистик мослама С-ШМ-2 кенг қўлланмоқда.

Усулларнинг хилма-хиллигидан қатъий назар, шиша ва улардан тайёрланган буюмлар бўйича тўлиқ ҳажмдаги текширувларни олиб бориш тартиби қуйидаги асосий босқичлардан иборат:

1. Шиша синиқларини умумий ташқи белгилари бўйича кузатиш ва ажратиш; ўлчами, қалинлиги, ранги, товланиши, сифати ва юза қисмининг (кўриниши) ифлосланганлиги ҳамда нима билан ифлосланганлигини аниқлаш:

2. Трасологик (изшунослик) текшириш. Бу услуб синиқларнинг аввалги ҳолини (қалинлиги, юза рельефи тузилиши, ғадир-будирлиги ва белгиланиши бўйича) тиклашга ёрдам беради ва уларни аниқ бир буюм (масалан автомобильнинг чироқлари, олд томон ойнаси, шиша буюм (ва ҳоказо) турига киритади.

3. Микроскопик текшириш.
4. Фосфорисценция (флуоро-люминесценция).
5. Зичлигини аниқлаш.
6. Синдириш кўрсаткичини ва дисперциясини аниқлаш.
7. Элемент таркибини аниқлаш.

Жуда майда шиша синиқларини трасологик усуллар билан таққослаб текшириш имкони чекланган. Бу ҳолда шишаларни фақат физик хоссалари ва кимёвий элемент таркиби текширилади. Шишаларнинг физик хоссаларини ва кимёвий таркибини текшириш уларни тури, гуруҳий томондан ўхшашлиги ва фарқини аниқлашга ёрдам беради ёки уларни қайси тур ва гуруҳга мансублигини аниқлашда фойдаланилади. Ушбу хоссалари мос келса шиша заррачалари бир турдош буюмга мансублиги ҳақида тахминий ижобий яқун ясаш мумкин, агар, аксинча, фарқ қилса, унда бу савол аниқ салбий шаклда ечилади.

8. Синфлашда кўзда тутилмаган хоссаларни, яъни умумий манбага мансублиги (тайёрланган завод, пресс-форма ва ҳоказо), ишлатиш шароитлари, ишлаб чиқарилган вақти ва бошқа гуруҳий хусусиятларини аниқлаш.

9. Объектларнинг фақат ўзига хос (индивидуал) хусусиятларини топиш ва ўрганиш. Буларга юзанинг (объект сатҳининг) ажралиш хусусиятлари, тасодифан ҳосил бўлган дефектлар (ўзгаришлар, камчиликлар) ва бошқалар киради.

Текширувларнинг ҳар босқичида турли хилдаги шишаларнинг юқорида кўрсатилган хоссаларини аниқлаш учун бир қанча физик-кимёвий усуллар қўлланилади.

Автомобилларнинг нур тарқатувчи (фара, ёки фара ости-подфарник)лари текширилаётганда фақатгина майда шиша бўлакчаларининг ташқи кўриниши ва шакли орқали нур тарқатгичнинг турини топиш мумкин, айрим ҳолларда эса уни ишлаб чиқарган заводни, қўлланилган пресс формани ишлаб чиқарилган вақти (маркировканинг хусусиятлари бўйича), автомобил воситасининг моделини аниқлаш ҳам мумкин бўлади.

Автомобилнинг шикастланишдан ҳимоя қилидиган ойналаридан ҳосил бўлган майда заррачаларининг ташқи кўриниши буюмнинг тури тўғрисида маълумот беради (треплекс ёки тобланган ойна), люминесцент спектрал анилиз натижалари эса ойнанинг ишлаб чиқариш усули (флоат-усул) тўғрисида яъни ишлаб чиқарган завод ҳақида маълумот беради. Шишаларнинг синдириш кўрсаткичи, зичлиги ва юза хоссаларини таққослаш таҳлиллари объектларнинг умумий ишлаб чиқариш манбаига мансублиги тўғрисидаги хулоса бериш учун асос бўлиб хисобланади.

Идишлар учун қўлланиладиган шишалар ўзининг хилма-хил турлари шакллари катта кичиклиги, таркиби,

ясалиш ва безатиш усуллари билан бир-биридан фарқ қилади. Шишанинг микро бўлакчаларини (1 мм дан кам бўлган бўлакча) топиш ва аниқлаш учун микроскопия, оддий ёки поляризация рентген ёки ультрабинафша нурларида кузатиш, рефрактометрия, люминесценция, эмиссион-спектрал анализ, электрон-парамагнит резонанс усуллари қўлланади.

Шиша бўлакчасининг морфологик хусусиятлари орқали буюмнинг турини аниқлаш мумкин. Масалан, оптик элементлар, (призма ва линза) бўйича шиша бўлакчасининг нур тарқатгичга (фара)га тегишлиги; кўк ёки сариқ тус, ҳар хил қалинлиги, юзадаги пресс-форманинг излари бўйича шиша бўлакчаларини идишлар учун ишлатиладиган шишага тааллуқлилиги; бўлакчанинг юзасидаги ҳар хил дефектларнинг мавжудлиги бўйича эса буюмнинг ишлаб чиқариш усули ва бўлакчаларни бир битунликка мансублиги аниқланади.

Шиша сатҳидаги бузилиш хоссалари бузиш кучининг йўналиши ва бузилиш сабабларини кўрсатади. Шиша ва ундан тайёрланган буюмлар бир-бирлари билан ўзларининг морфологик хусусиятлари, физик-кимёвий ва структурасининг хоссалари, элемент таркиби ва бошқа хусусиятлари билан фарқ қилади. Масалан, шишанинг ҳар-хил турлари унга керакли хоссаларига эга бўлишлиги учун маълум миқдорда қўшиладиган махсус элементларнинг миқдори билан фарқлидир. Автомобилнинг тиниқ нур тарқатгичларида Ва, Со, №, ва 8е каби элементлар мавжуд. туманга қарши фарларда эса СМ, бутилка шишасида Fe, Сг, Мп, оптик шишаларда В, К, Ва, F, T1, 2п элементлар бор. Шишаларнинг элемент таркиби эмиссион-спектрал люминесцент-спектрал ёки электрон-парамагнит резонанс усуллари билан аниқоланади. Пара-магнитли элементларнинг (Fe, Мп, Сг, T1) шиша таркибида мавжудлиги асосан қум ва доломит ҳисобидан бўлганлиги учун, бу элементларнинг миқдори шиша буюмларнинг келиб чиқиш манбаларини аниқлашда асосий кўрсаткич деб ҳисобланади.

Мавзу: Суд фоноскопия экспертизаси

Режа:

1. Экспертиза тушунчаси, илмий асослари, видеотасвир экспертизаси
2. Фоноскопия экспертиза услубиёти ҳақида маълумот
3. Экспертиза тайинлаш тартиби

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А. Каримов «Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» Т. 1997 й.
2. И.А. Каримов "Ислохатлар стратегияси-мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир" Тошкент - "Ўзбекистон" 2003 йил
3. И.А. Каримов "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқоролик жамияти асосларини шакиллантиришнинг асосий йўналишлари" Тошкент - "Ўзбекистон" 2002 йил
4. И.А. Каримов "Х,аётимизнинг, тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси" Тошкент - "Ўзбекистон" 2002 йил
5. Криминалистика дарслик. Адолат нашриёти. Тошкент-2003й.
6. Ўзбекистон Республикаси ЖПК. Тошкент-2001й.
7. Алимова Р.А, Отахўжаев С. «Суд экспертизасни ташкил қилиш ва ўтказиш масалалари» Тошкент-2002й.
8. Криминалистик. учебник. Москва-1999г
9. Зорин Г.А. «Теоритические основы1 криминалистики» Минск-2002г
- Ю.Белкин Р.С. «Курс криминалистики» в 3х томом юрид. лит. Москва-1997г П.Алимова Р.А. Норбоев А. ва бошқалар-«Криминалистика тактика» ўқув қўлланма Тошкент-2000й

Суд фоноскопия экспертизаси

Суд фоноскопия экспертизаси тушунчаси, илмий асослари, вазифалари, суд видео-тасвир экспертизаси

Жиноятларни очиш ва айбдорларни фош қилишда суд экспертизасининг нисбатан янги тури - суд фоноскопия экспертизасининг алоҳида ўрни бор.

Суд фоноскопия ("фоноскопия" термини грекча "фоно"-овоз, шовқин, товуш, нутқ, ва "скопия" - кузатаман маъносини англатади) экспертизаси шахсни магнит тасмасига ёзиб олинган нутқи бўйича идентификация қилишга (таққослашга), матн мазмунини сўзма-сўз аниқлашга ва тадқиқ қилинаётган фонограмма тайёрланган асбоб-ускунани текширишга имкон беради. Ҳуқуқбузарликка қарши кураш воситаси сифатида фонограммалар, айниқса рэкет, товламачилик, фирибгарлик, порахўрлик ва шу каби оғир жиноятларни фош этишда ягона ашёвий далил бўлганда аҳамияти каттадир. Ҳозирги вақтда Республика илмий-тадқиқот криминалистика Марказида суд-фоноскопик экспертизасини рус ва ўзбек тилларида бўлган сўхбатлар бўйича ўтказиш ташкил қилинган.

Дастлабки тергов даврида ёки суд жараёнида гумон қилинаётган шахс воқеа содир бўлган пайтда воқеа содир бўлган жойда эмас, балки умуман бошқа жойда бўлганлиги ва буни видео тасмадаги тасвир тасдиқлаши мумкинлиги ҳақидаги важини текшириши учун видео-тасвир бўйича ҳам тадқиқот олиб борилади. Бу тадқиқот орқали видеотасвир қачон суратга туширилгани, кадрдаги сана ўзгартирилган-ўзгартирилмаганми, унда монтаж (қалбакилаштириш) аломатлари бор-йўқлиги, видео-тасмадан илгари фойдаланилган-фойдаланилмаганлиги аниқланади.

Бундан ташқари видео тасвир тасмасида ёзилган гумонланаётган шахснинг овози ва нутқи намуна сифатида қўлланиши мумкин.

Республика илмий-тадқиқот Криминалистика марказида мавжуд асбоб ускуналар ва мутахассисларнинг имкониятларини эътиборга олган ҳолда, экспертлар олдида қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин.

А. Суд-фоноскопия экспертизаси олдида:

1. Экспертизага тақдим қилинаётган фонограммада ёзилган сўхбатларнинг мазмуни 2001 йил 15 майда тузилган уларнинг стенограммалари матнига тўғри келадими.

2. Тақдим қилинган магнит тасмада механик ёки электроакустик монтаж белгилари мавжудми?

3. Тадқиқ қилинаётган суҳбатда нечта шахс иштирок этган?

4. Тадқиқ қилинаётган суҳбатда иштирок этган шахснинг овози ва нутқи А.нинг овози ва нутқиға тегишлими?

5. Тадқиқ қилинаётган суҳбат экспертизаға тақдим қилинган диктофонда ёзиб олинганми?

6. Тақдим қилинаётган магнит тасмадаги фонограмма аслими ёки нусхасими?

7. Ушбу магнит тасмадан тадқиқ қилинаётган фонограмма ёзилишидан олдин фойдаланилганми?

Ёзув сифати паст бўлганлиги сабабли стенограмма тузишнинг имкони бўлмаса, терговчи эксперт олдига қуйидаги саволларни қўйиши мумкин:

8. Экспертизаға тақдим қилинаётган МС-60 "8СШЎ" русумли микроаудиокассетадаги суҳбатнинг сўзма-сўз баёни қандай?

9. Тақдим қилинган фонограммадаги нутқ ёддан айтилганми, ўқилганми ёки эркин нутқми?

10. Ушбу магнит ёзув кўрсатилган шароитда ёзилганми?

11. Фонограммаға ёзилган сигналлар аниқ манбаға (гудок, сирена, двигател шовқини ва бошқалар) тегишлими?

12. Фонограммада нутқи ёзиланган шахснинг жинси, жисмоний ва руҳий ҳолати қандай?

Б.Суд-видеотасвир экспертизаси олдига:

1. Экспертизаға тақдим қилинаётган видеотасмадаги сана ўзгартирилганми?

2. Тақдим қилинаётган видеотасмада монтаж аломатлари борми?

3. Тақдим қилинаётган видеотасмадан илгари фойдаланилганми?

4. Ушбу видеотасмадаги сурат тақдим қилинаётган камерада суратға олинганми? ва бошқалар

Бундан ташқари овозни (видеотасвирни) ёзиб олувчи воситалар экспертизаси тайиналаниши ва экспертиза олдига шу воситаларни аниқлашға қаратилган саволлар қўйилиши мумкин.

Суд фоноскопия экспертизаси услубиёти ҳақида қисқача маълумот

Суд-видеофонографик тадқиқотлар икки тоифаға бўлинади:

1) видео ва овоз ёзиш ускунасини видеофонографик тадқиқоти,

2) фонограммага туширилган (ёзилган) товуш ахборотини фонографик тадқиқоти.

Терговчи фоноскопия экспертизасини тайинлангач, фонограмманинг нусхасини эмас, аслини (яъни бирламчи фонограммани) экспертга тақдим қилиши лозим. Бу талаб суд фоноскопия экспертизасини ўтказиш услуги билан боғлиқ бўлиб, тадқиқотнинг биринчи босқичида тақдим этилган фонограммада монтаж белгилари мавжуд эмаслиги ва ёзиш шароитининг аслигини аниқлаш заруратидан келиб чиқади.

Шахснинг овози ва нутқида кўра аниқлаш учун ўтказиладиган эксперт тадқиқотларининг кўпчилигида, товуш хусусиятлари таҳлили нутқ товушининг семантик мазмуни билан узлуксиз боғлиқдир. Сўзлашув маъноси ва мазмунини монтаж ёрдамида ўзгартириш мумкинлиги ҳисобга олинса, тадқиқотнинг бошланғич босқичидаёқ, барча ҳолатларда, овоз ёзувида атайлаб киритилган ўзгаришлар (фальсификация) мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш зарур. Бунинг учун овоз ёзувида электрораскустик монтаж аломатлари бор-йўқлиги акустик мосламалар ва ЭХМ ёрдамида текширилади.

Электракустик воситалар таъсирида магнит тасмага ёзилган сўзлашувнинг бирламчи маъносини ўзгартириш - электроакустик монтаж дейилади. Уни аниқлаш имкони, акустик таъсирнинг пропорционаллигини ўзгартирувчи электр сигналлар билан бир қаторда магнитофонда овоз ёзиш жараёнида кузатиладиган ва магнит ташувчида (лента, дискда) акс этувчи барча "паразит" ҳолатлар (ўчириб-ёқиш жараёни, магнитофоннинг ўз шовқини ва бошқалар), шунингдек ёзиб олинган фонограммага етказилган электромагнит таъсирига асосланган. Экспертлик тадқиқотнинг услугиёти асосини электроакустик монтаж аломатларини аниқлаш ва таҳлил қилиш имконини берувчи дастурий услуб ташкил қилади.

Тақдим қилинган ёзувдаги монтаж аломатлари мавжудлиги текширилгандан сўнг намоён бўлган белгиларга овоз ёзиш ускунасининг таъсири аниқланади. Бунинг учун тадқиқ қилинаётган фонограмма ёзиб олинган магнитофонни кўздан кечирилиб, эксперт тажрибалари орқали унинг конструктив ва функционал хусусиятлари баҳоланади. ЭХМ ёрдамида магнитофонларни идентификация қилиш услугидан фойдаланиб фонограмма тадқиқ қилинаётган магнитофонда ёзилган-ёзилмаганлиги аниланади.

Иккинчи тоифадаги тадқиқот жараёнида фонограмма эксперт-лингвист томонидан таҳлил қилинади. Эшитиладиган товуш тадқиқоти учун тил-ўлчов услубига асосан нутқ ёзувини аудитив таҳлили (эшитишига кўра таҳлил) қўлланилади. Ушбу услубни қўллаш шахснинг нутқидаги

индивидуал белгилар асосида идентификация қилиш имконини беради.

Аудитив лингвистик услуб билан бир қаторда, зарур ҳолларда шахснинг психофизик ва тилнинг барча хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ажратиб олинган, талаффузи ўхшаш бўлган сўзлардаги товушларнинг спектрал услубдаги таҳлили ўтказилади. ЭХМ нутқдаги турли белгиларни ажратиб олиш, уни таҳлил қилиш ва солиштириш жараёнларидаги баъзи босқичларини автоматлаштириш имконини берса ҳам тадқиқотлар натижасини баҳолаш эксперт фаолиятининг ижодий жараёни бўлиб қолади.

Оғзаки нутқни тадқиқот қилиш учун суд фоноскопия экспертизасида қўлланиладиган услублардан бири-эшитиш орқали шахснинг овозига кўра идентификация қилиш имконини берувчи аудио услубдир. Суд фоноскопия экспертизасида аудитор сифатида инсонларнинг нутқ хусусиятларини ўрганувчи - филология, психология ва бошқа шунга ўхшаш фан соҳасидаги мутахассислар ҳамда тегишли тайёргарликка эга криминалистлар иштирок этишлари мумкин.

Замонавий аудитив услуб нутқда акс этган индивидуал хусусиятларнинг сони ва сифатига кўра шахсни идентификация қилиш учун маълумотлар олиш имконини беради. Аудио таҳлил асосида аниқлиги у ёки бу даражада тахмин билан шахснинг жинси, миллати, ёши, оғзаки нутқи шаклланган жойи, мутахассислиги, маълумотининг даражаси ва йўналиши, сўзлаётган вақтидаги руҳий ҳолати ва баъзи нутқ товушларини юзага келтирувчи органлари билан боғлиқ касалликлари ҳақида хулоса яшаш мумкин.

Экспертиза тайинлаш тартиби

Тергов ходимларига тақдим қилинган кассеталар эҳтиёткорлик билан эшитиб кўрилиши керак. Стенограмма тузиш учун тадқиқот қилинадиган фонограмманинг нусхаси ишлатилади. Чунки қайта-қайта эшитиб кўрилганда тасмага тасодифий шикаст етказиб қўйиш (ўчириб юбориш, лентасини узилиб кетиши ва ҳ.к.) эҳтимоли бор.

Экспертиза идорасига юбориладиган стенограмма (суҳбатнинг сўзма-сўз баёни) холислар иштирокида тузилади. Фонограммада сўзлар қандай талаффуз қилинган бўлса, худди шундай, ҳеч ўзгаришсиз баённомага туширилади.

Стенограммада иштирок этган шахслар шартли белгилар билан белгиланади. Масалан: "Э", "Э2"...

Идентификация қилиш билан боғлиқ суд-фоноскопия экспертизасини ўтказиш учун гумон қилинаётган кишининг,

гувоҳнинг магнит тасмага ёзиб олинган нутқи намунаси тақдим этилади. Терговчи текшириладиган аудио ёзув мазмунини диққат билан эшитиб, унга қандай солиштирув материаллари кераклиги ҳақида тушунча ҳосил қилади. Сухбат намуналарини олиш ҳамда тажрибавий намуна тайёрлаш ҳақида режа ишлаб чиқилади.

Шахснинг овози ва нутқ намуналари давомийлиги унинг овоз ва нутқ хусусиятларини аниқлаш учун етарлича бўлиши керак. Бундан ташқари намуналар тадқиқ қилинаётган сухбатга мос бўлиши зарур, яъни нутқ намуналари тадқиқ қилинувчи ёзув билан таққосланса бўладиган шаклда олиниши лозим. Масалан, тайинланган экспертизада тадқиқот қилинаётган сухбат рус тилида бўлиб, намуналар ўзбек тилида олинса бундай намуналар яроқсиз ҳисобланади.

Солиштирув намуналари худди шундай ёки яқинлаштирилган акустик шароитда, тадқиқ қилинаётган фонограмма ёзиб олинган ускунада ёки шу тоифдаги ускунада, худди уша тезликда ёзиб олиниши лозим. Агар тадқиқ қилинувчи фонограмма телефон аппарати орқали ёзилган бўлса, солиштирув материалларини телефон аппарати орқали телефон адаптеридан фойдаланиб ёзиб олиш мақсадга мувофиқ.

Фоноскопия экспертизасини ўтказиш учун терговчи солиштирув материалларини тайёрлаётганда намуна қаерда, қачон, ким томонидан ва кимлар иштирокида олинаётганлиги кўрсатиб ўтиши лозим. Бундан ташқари фонграммадаги овоз муайян шахснинг овози ва нутқи эканлиги ҳақида масала ҳал қилиниши керак бўлган инсон (гумонланувчи, айбланувчи, гувоҳ) ҳақида: ёши, миллати, маълумоти, ҳозирги ва аввалги яшаш манзили, меҳнат фаолияти, тадқиқ қилинувчи фонограмма ёзилишдан олдин ва ундан кейин шу шахснинг жисмоний ва руҳий ҳолати ва бошқалар бўйича маълумотлар берилади. Бу маълумотлар экспертиза учун зарур солиштирув материалларнинг тури ва ҳажмини аниқлашда ҳамда кейинчалик солиштирув натижаларини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Суд фоноскопик экспертизаси масалаларини ҳал қилиш жараёни мураккаб ва кўп меҳнат талаб қилади. Шунинг учун бундай тадқиқот ўтказишга терговчи ёки суд материалларни тайёрлаганда мутахассис ёрдамидан кенг фойдаланиши тавсия этилади. Магнит ёзуви ҳар доим ҳам шахсни ёки товуш ёзиш асбобини идентификация қилиш имкони яратувчи ҳажмда ахборотга эга бўлмаслиги мумкин. (матннинг кичик ҳажми, кўп шовқинлангани, сифатсиз ёзилгани ва бошқа сабабларга кўра)

Экспертизага таққослаб бўлмайдиган солиштирув материаллари, фонограммаларни асли ўрнига нусхаси юборилса ёки юқорида айтиб ўтилган бошқа тавсияларга риоя қилинмаса, бу ҳол экспертизани ўтказишга салбий таъсир қилади.

Магнит тасмага ёзиб олинган ахборот ўзгариши ва ҳатто ўчиб кетиши мумкин. Шунинг учун магнит тасмаларни сейфларда катта металл буюмлар билан бирга, иссиқ ва нам жойларда сақлаш мумкин эмас. Уларни механик шикастлардан, чангдан сақлаш лозим. Магнит тасмалар қисмларга узиб ташланган ҳолларда уни тиклаш (реставрация қилиш) керак эмас.

Магнит тасмаларни механик шикастлардан сақлаш учун уларни полиэтилен пакетларга солиб, сўнг пластмасса ёки картон коробкаларга жойлаш зарур.

Терговчи эксперт мутахассисига экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор, магнит тасмани кўздан кечириш ва эшитиб кўриш тўғрисидаги баённома (стенограмма), таққосланадиган овоздан намуна олиш тўғрисидаги қарор ва баённома, шунингдек экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган бошқа материалларни (тадқиқ қилинувчи магнит тасма, солиштирув намунаси ёзиб олинган магнит тасма ва бошқалар) умумий қоидаларга мувофиқ ҳолда юбориши лозим.

Одамнинг суд-биологик ДНК экспертизаси

Хозирги илмий техника ривож авж олган кунда суд идентификацион текшируви соҳасида ҳам янги тармоклари ривож топиб, суд, тергов, экспертиза фаолиятида мувафакиятли қўлланилмоқда. Булар орасида айниқса одамнинг биологик материалларининг ДНК (дезоксирибонуклеин кислота)си асосида утказиладиган экспертиза алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятидаги энг долзарб масалаларни ҳал этишда хизмат қилмоқда. Одамнинг ДНКси ўзида наслий хусусиятлар ҳақида ахборини сақловчи атроф муҳит шароитига чидамли мустаҳкам биологик полимерлар каторига киради. Одамнинг биологик туқималари тананинг каерида жойлашганидан катъий назар наслий маълумот бўйича фарқи йўқ. Чунончи, қон, маний суюқлиги, (сперма) тана ва тери тўқимаси, соч толаси ва хоказонинг ДНКси бир хилдир.

Одамларнинг генларига кўра айнанлигини текшириш жараёни, улардан биологик материал намуналарини олишдан бошланиб, ДНКси ажратилгандан сўнг раҳамлар ёрдамида ифодаланган фақат муайян шахсга хос ДНК коди олиниши билан тугайди. ДНКнинг коди ҳар бир организмнинг ўзига хослик (индивидуаллик) хусусиятига эга бўлиб, иккинчи одамда такрорланади.

Бир тухум уруғдан ҳосил бўлган эгизаклар хомиласидан ташқари ҳолларда дунё миқёсида ДНК тузилиш хусусиятига кўра бир хил бўлган икки одам бўлмаслиги амалий ва назарий жиҳатдан исботланган маълумотдир.

Тергов ва суд органлари фаолияти учун бу ҳилдаги текширувнинг аҳамияти шундаки, жиноят ҳодисаси юз берган жойлардан топилган-олинган қон, сперма ва б. моддаларнинг ДНК молекуласи тузилиш билан шубҳаланувчи шахснинг ДНК тузилиши билан солиштирганда муайян шахснинг айнанлиги ёки фарқ қилиши қатъиян тасдиқланади. Қон, суяк, сийдик ва бошқа моддаларни анъанавий биологик текшируви одамнинг гуруҳ мансублигини яъни унинг қони қайси гуруҳга мансублиги, белгиланади. ДНК текшируви эса муайян шахснинг қони, тери тўқимаси, соч толаси ва б. биологик материаллари эканлиги қатъиян тасдиқланади ёки инкор этилади. Шу билан бирга инсон ДНК си асосида фақат унинг шахси аниқланибгина қолмасдан, унинг бошқалар билан қондош-қариндошлик масаласи ҳам ҳал қилинади.

ДНК экспертизасини тайинлаш зарурати

қидирилувчининг шахсини аниқлаш, номаълум мурданинг

(ёки мурда қолдиқлари бўйича) шахсини аниқлаш, оталик-оналик ва бошқа биологик жиҳатдан қариндошлик масалаларини ҳал этишликда келиб чиқади.

Биологик текширув объектлари бўлиб одамнинг танасидаги ҳар бир қисм ёки моддалари, қон ва қон изларини ўзида сақлаган буюм, соч, сўлак ва бошқалар хизмат қилади.

Қон моддалари ва излари одатда жинойт содир бўлган жойларда топилади. Улар кўринарли бўлганлиги ва таркибида насл хусусият ахборотини кўп йиллар давомида (бир-неча ЮО йилларгача) сақлай олиш сифати текшириш учун энг қулай объект бўлиб ҳисобланади. Масалан, Россиянинг сўнгги императори Николай II оиласини Екатеринбург шаҳридаги Ипатьев уйининг подвалида ўлдирилиши билан боғлиқ иш ҳолатларини аниқлашда шахзода Алиқсейнинг қўл рўмолчасидаги қон доғларини ДНК экспертизаси муҳим аҳамият касб этди.

Одамнинг маний суюқлиги (сперма)си ҳам қон каби ДНКнинг манбаси бўлиб, нисбий биологик хусусиятларга жуда бойдир. Лекин маний рангсиз бўлганлиги сабабли уни топиш, олиш ишларини бироз қийинлаштиради. Амалиётда маний махсус бўёвчи моддаларни қўллаш билан кўринарли қилиб, ашёвий далил бўлган буюмлари билан олинади. Сперма ҳам қон каби ўзидаги генетик (наслий) ахборотни кўп йиллар давомида сақлаш хусусиятига эгадир. Жумладан АКШнинг собиқ президенти Клинтон билан Моника Левинскийларнинг жанжалли ишларида даъвогарнинг кийимидаги бир неча йил сақланган сперма доғларининг ДНК экспертизаси асосий далил бўлган.

Сўлак моддасининг ДНКси одамнинг оғзидан олинadиган эпителия хужайралари таркибида бўлиб, уни ўзида сақлаган буюм-предметлар билан биргаликда олишади. Бундай предмет-буюмлар кўп ҳолларда чекилган сигарет қолдиғи, жинойтчилар ишлатадиган ниқоб маскалар, одамнинг лаби теккан стакан, бокал каби идишлар, чайналган сақич-резинкалардир. Булардан ташқари ДНК учун одамнинг биологик материалларидан айниқса соч толалари, суяк ва бошқа турли юмшоқ орган тўқималари ва ҳоказолар қимматли текширув объектлари бўлиб ҳисобланади.

ДНК асосида текширув учун одам сочининг илдиз қисми билан бўлганлари яроқлидир, узилган кесилган оч толаларида наслий хусусият материали бўлмайди.

Жинойт содир бўлган жойларда (портлаш, ёниш, йўл-кўча транспорт ҳодисалари натижасида) шахси номаълум мурда, тананинг (мурданинг) айрим қисмлари, суяклар ва бошқа биологик объектлар қолиши мумкин. Бу объектлардаги барча орган ва тўқималар хужайралардан иборат бўлганлиги

сабабли, улар ДНК таҳлили учун муҳим текширув материаларидир.

ДНК экспертизаси учун юбориладиган объектларни олиш, сақлаш, жойлаштириш ва транспортировка қилиш қоидаларини бажариш алоҳида ўрин эгаллайди. Жумладан, текширилувчи биологик материаллар атроф-муҳит ва иқлим шароитини таъсири натижасида муҳим бўлган наслий хусусиятлари, зарарланиши ёки умуман йўқолиши мумкин ва оқибатда наслий турлаш масаласини ҳал этишда улар яроқсиз бўлиб қолади.

Экспертиза учун олинган биологик материални нам ва зах бўлган жойлардан ва қўёш нурлари таъсиридан сақлаш лозим, чунки бу шароитлар унинг муҳим идентификацион хусусиятларига салбий таъсир этиши мумкин. Шунингдек олинган объектлар узоқ муддат сақланмасдан текширувга ўз вақтида юбориши лозим.

Текширилувчи биологик материаллар, хусусан, қон, сўлак, сперма кабиларни, уларни ўзида сақлаган (акс эттирган) буюмлар билан биргаликда олиш тавсия этилади. Булар кийимлар, уларнинг қисмлари, майда предметлар ва бошқа турли нарсалар бўлиши мумкин. Моддаларни ўзида сақлаган предметлари олиш иложи бўлмаган ҳолларда моддани (масалан қонни) тозаланган скампель билан қириб олинади ёки қон изларидан тозаланган (дисцерланган) сувда тоза пахта тампонини ҳўллаб - намлаб қон изларини ювиш суртиш билан пахта тампонига кўчириб олинади.

ДНК эспертизасининг ўтказишда ишлатиладиган технологияси жуда нозик бўлганлиги учун текширувга юбориладиган материал ва объектларни олишда қўлланиладиган асбоблар тоза бўлмоғи лозим. Масалан, қайчи, қисқич, штапел, ўткир асбобларни ҳар бир объектни олишдан олдин ва олиб бўлгандан кейин ҳам спирт билан тозалаб туриш шарт. Спирт билан тозаланган асбоблардаги спирт моддаси парланиб қуриб қолгандан сўнг улар ишлатилиши лозим.

Текширилувчи объект материалларига бегона молекула, микроблар ва бошқа майда моддалар қўшилиб кетмаслик хавфини олдини олиш учун уларга қараб йўталиш, акс уриш, пуфлаш каби ҳолатларга йўл қўймаслик керак.

Экспертиза материалини тайёрловчи ва уни ўтказувчи мутахассислар санитария ва гигиена қоидаларига мувофиқ оқ матодан тайёрланган маска (ниқоблар)да ишлайдилар.

Экспертизага олинган биологик материаллар тегишли нормал шароитда сақланмоғи лозим. Жумладан, одам организмидан ҳосил бўладиган суюқлик моддаларни жуда иссиқ ёки нам-зах бўлган жойда, иссиқлик манбалари

олдиларида, электр-газ плиталари бор бўлган ва куёш нури тўғридан тушиб қиздирадиган жойларда сақлаш мумкин эмас.

Бундай шароит биологик материаллар таркибини ўзгартириб, баъзида эса ДНК молекуласини бузилиб кетишига сабаб бўлади. Объектларни плюс 4 градус ҳарорати бўлган жойларда сақлаш тавсия этилади. Шу билан бирга олинган материал - объектларни экспертиза муассасасига юборишни кечиктирмаслик, яъни қўп вақт сақламаслик лозим, чунки вақт ҳам бошқа нобоб шароитлар каби текширилувчи объектларнинг сифатига таъсир этади.

Экспертизани ташкил қилиш, тайинлаш олинган объектларни (текширилувчи, намуналар) ва расмийлаштириш бошқа турдаги экспертизалар каби Ўзбекистон Республикаси ЖПКни умумий қоида-нормалари асосида ўтказилади.

ДНК экспертизаси ҳал қиладиган масалалар турли бўлиб, текширилувчи объектларнинг классификацион хусусиятларини, хусусан тури (гуруҳни) масалан, шахсни жинсини белгилаш, жиноий ҳаракатнинг содир қилиниш ҳолатларини (гуруҳ шахслар томонидан зўрлаб номусга тожовуз қилинганлигини) аниқлаш ва идентификацион вазифаларни ҳал этишдан иборатдир. Бу масалаларни тахминан қуйидаги саволлар тариқасида келтириш мумкин:

- текширувга юборилган биологик материаллар таркибида генетик материал (ДНК)ни олиш мумкинми;

- эксперт текширувга юборилган биологик материаллардан (ички орган, юмшоқ ва суяк тўқималари ва ҳоказо) олинган ДНК тадқиқотга яроқлими;

- ҳавола қилинган одамнинг биологик материаллари юзасидан унинг генотипини аниқлаш умумникими;

- юборилган (ҳавола этилган) биологик материал манбаининг жинси;

- текширилувчи одамнинг биологик материали шубҳаланувчи шахсларнинг қайси бирига мансубдир;

- ҳодиса жойидан олинган қон намуналари битта ёки ҳар қил одамларга мансублиги;

- одамнинг мурдаси бўлаклари, алоҳида тана аъзолари битта шахсга тегишлими;

- текширилувчи сперма битта ёки бир неча шахсга мансубми?

- мазкур бола, чақалоқ, ҳомила кимдан (айнан шу аёл, эркак, шу ота-онадан) туғилган;

- экспертизага юборилган бир неча шахсларнинг биологик материаллари бўйича уларнинг қариндошлик ҳолати (опа-сингиллик, ака-укалик, набиралик, буви-бувалик). Одамнинг биологик ДНК экспертизаси суд-экспертиза фаолиятидаги энг янги илмий ютуқлардан бири бўлиб, 2000

йилда биринчи бор Ўзбекистон Республикасида Республика Адлия Вазирлигининг Республика Криминалистика илмий тадқиқот марказида ўтказилиши ташкил қилинди. Мазкур экспертиза қисқа муддат орасидаги ютуқлари билан ўзининг самарадорлиги ва ишончга созоворлигини намоён қилди. ДНК экспертизаси энг янги замонавий техник воситалар ёрдамида ўтказилиб, ҳуқуқ муҳофаза органларининг оғир жиноятга қарши олиб бораётган ишларини ҳал этишда катта ёрдам кўрсатмоқда.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	5
1-БОБ Криминалистика экспертмасини тушунчаси ва ўтказиш тартиби	7
1§ Экспертиза, эксперт ва мутахассис тушунчаси	7
2§ Криминалистик экспертиза ва унинг турлари	10
3§ Экспертиза тайинлаш ва текширув учун намуналар олиш тартиби.....	15
4§ Криминалистик идентификацион текшируви услугиётининг умумий ҳолатлари. Эксперт хулосаси	18
ИИБОБ. Ҳужжатларни қўлёзма маълумларини криминалистик усулда текшириш.....	21
1§ Хатшунослик экспертизасининг илмий асослари.....	23
2§ Дастхатнинг идентификацион белгилари.....	26
3§ Хатшунослик экспертизасини ўтказиш учун материал тайёрлаш.....	30
4§ Хатшунослик текширувнинг услугиёти ва эксперт хулосаси.....	33
ИИИБОБ Ҳужжатларни техник криминалистик экспертизаси.....	37
1§ Ҳужжатларни қалбакилг шитириш усуллари ва уларни текшириш вазифалари.....	37
2§ Ҳужжатларни техник криминалистик текшириш усуллари.....	42
3§ Ҳужжатларни криминалистик техник текшируви учун экспертизада қўлланадиган замонавий асбоблар ҳақида баъзи маълумотлар.....	45
4§ Ҳужжатларни тохпик криминалистик экспертизасини тайинлаш.....	47
ИВБоб. Тросология (изшунослик) ва тросологик экспертизасининг турлари.....	50
1§Тросология тушунчаси, изларнинг классификацияси	50
2§ тросологик экспертиза турлари	54
В Боб.Баллистика (отиш қуроллари юзасидан ўтказиладиган) экспертизаси.....	61
1§ Баллистика тушунчаси ва текширув объектлари.....	61
2§ Ўқ отиш қуролларининг турлари ва ўқ-дорилар.Суд баллистика текшируви.....	62

3 § Отишдан қоладиган жароҳатлар, отиш масофаси, ўқнинг йўналиши масалаларини текшириш.....	69
4 § Портловчи моддаларни экспертизаси.....	72
5 § Совуқ қуроллар экспертизаси	75

ВИ Боб. Одамларнинг ташқи қиёфга белгилари (портрети) асосида идентификация қилиш.....79

1§ Одамнинг ташқи қиёфаси (портрети) идентификация объекти тушунчаси.....	79
2§ Идентификация қилинадиган портретларининг турлари.....	82
3§ Одамларнинг портретлари асосида ўтказиладиган идентификация.....	84

ВИБоб. Материаллар, моддалар ва маҳсулотлар экспертизаси.....88

1§ Материаллар, моддалар ва маҳсулотлар экспертизаси тушунчаси.....	88
2§ Гиёванд воситалар ва психотроп моддалар экспертизаси.....	94
2.1. Экспертиза предмети, вазифлари ва ҳал этиладиган саволлари.....	94
2.2. Экспертиза объектлари.....	95
2.3. Экспертиза имкониятлари.....	99
3 § Материаллар, қотишмалар ва улардан тайёрланадиган маҳсулотлар экспертизаси.....	101
3.1. Экспертизанинг предмети ва ҳал қилинадиган саволлари.....	101
3.2. Экспертиза объектлари.....	103
3.3. Экспертиза имкониятлари.....	104

4§ Тола, толали материаллар ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизаси

4.1. Экспертизанинг предмети ва ҳал этиладиган саволлари...	105
4.2. Экспертиза текшируви объектлари.....	106
4.3. Экспертиза имкониятлар.....	108

5 § Лок-буёқ материаллари ва қопламалари экспертизаси

5.1. Экспертиза предмети, ҳал этиладиган масалалари.....	110
5.2. Экспертиза текшируви объектлари.....	111
5.3. Экспертиза имконлари ва қўлланадиган усуллари.....	114

6§ Нефт маҳсулотлари ва ёқилғи-мойлаш материали экспертизаси.....116

6.1. Экспертиза предмети, ҳал этиладиган саволлари.....	116
6.2. Экспертиза объектлари.....	118
6.3. Нефт маҳсулотлар экспертизасининг имкониятлари	122

7§ Шиша ва ундан тайёрланган буюилар экспертизаси	
7.1. Экспертиза предмети ва ҳал этиладиган саволлари.....	124
7.2. Текширув объектлари.....	125
7.3 Экспертиза имкониятларп.....	126

ВИИИ.....Боб. Суд	
фоноскопия экспертизаси.....	129

1§ Экспертиза тушунчаси, илмий асослари, видео-тасвир экспертизаси.....	129
2§ Фоноскопия экспертизаси услубиёти ҳақида маълумот.....	130
3 § Экспертиза тайинлаш тартиби.....	132

ИХБоб. Одамнинг суд-биологик ДНК экспертизаси.....	135
---	------------